



**«ИСТЕЪМОЛ  
САВАТЧАСИ»:**

**2 157 000 СЎМ — БИР  
КИШИНИНГ БИР ОЙЛИК ЭЪТИЁЖИ**



5.

[@mahalladoshuz](#)

[@mahalladosh\\_uz](#)

[www.mahalladosh.uz](#)

# Маҳалла



**№ 5**  
(1987) 2021 йил  
4 — 11 февраль



**БОШ ПРОКУРОР  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
ҚАНДАЙ КУРАШМОҚЧИ?**

8.



**ДЕПУТАТ ЭНЕРГЕТИКА  
ВАЗИРИ ИСТЕЪФОСИНИ  
ТАЛАБ ҚИЛЯПТИ... (МИ?)**

7.

**САРАТОНГА  
ЧАЛИНГАНЛАР  
ҚАЧОНГАЧА САРСОН  
БЎЛАДИ?**

23.



**ТАЪЛИМГА  
АЖРАТИЛГАН 200  
МИЛЛИАРД СЎМНИ  
КИМ ЎМАРГАН?**

13.

**МУРОЖААТНОМАНИ  
ҚАНДАЙ ТАРҒИБ  
ҚИЛМАСЛИК КЕРАК?**

**ЎЗБЕКИСТОНДА «TELEGRAM»,  
«INSTAGRAM», «TIK-TOK»  
БЛОКЛАНАДИМИ?**



6.



10.

**Женисбек  
ПЯЗОВ:  
«ОПЕРА ҚЎШИҚЧИСИ  
ФАҚАТ ОЙЛИККА!  
ЯШАШГА МАЖБУР...!»**

25.

**«МАНАЦЦА» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ОБУНА ИНДЕКСИ: 148**

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ: унда нималар назарда тутилган?

Президент Шавкат Мирзиёев «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонни имзолади. Хўш, унда қандай муҳим вазифалар белгиланди? Уларнинг ижроси қандай таъминланади?



## Ижтимоий ҳимоя кучайтирилади

Давлат дастурида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 2021 йил якунига қадар Меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминланиши белгиланган. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига қўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида **Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди** ташкил этилиб, Давлат бюджетидан **100 миллиард** сўм ажратилади.

**1 июнга** қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш учун муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини **сертификат бериш тизимига** ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра, давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имконияти яратилади.

Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўл-

ган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронлик мuddатсиз даврга белгиланади.

## Пенсия ва нафақа тайинлаш янада осонлашади

**1 июндан** бошлаб, пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стаж тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажы шахснинг меҳнат дафтаридаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар **талаб этилмасдан ҳисобланади**.

Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган **ортиқча тўловни ундириш** бекор қилинади. Ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда **ижтимоий солиқ** тўлаш ҳуқуқи берилади.

Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра, рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади. Бундай



тўловларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки **банк мобил иловалари** орқали электрон шаклда расмийлаштирилади.

Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг **2021 йил 1 февраль** ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилади.

## Барқарор иқтисодий ўсиш пойдевори яратилади

Ишсиз аъзолари бор oilаларга, жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида **0,1 гек-**

**тардан 1 гектаргача** ер ажратилади. Ажратилган ер майдонлари сугориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб сугориш ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланади. Шунингдек, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши йўлга қўйилади.

**1 апрелга қадар** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳар бир туманининг имконияти ва ривожланиши йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд oilаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқади.

Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **7 миллион** сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб

қилишнинг янги тизими ишлаб чиқилади.

## Маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш тартиби жорий этилади

Жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида **5 фоизини** бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилади.

Вазирликларда фаолиятни **туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизими** йўлга қўйилади. Вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самардорликни ошириш учун **ҳодимлар сони ва маоши** ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади.

«**Марказ — маҳалла — фуқаро**» тамойили бўйича Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир oilага кириб боришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибаси жорий этилади.

\* \* \*

Дастурда кўзда тутилган бошқа муҳим ўзгаришлар билан газетамизнинг келгуси сонларида батафсил маълумот бериб борамиз.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Икки марта куруқлик билан ўралган Ўзбекистон жаҳон портларига чиқишни, ўз маҳсулотлари рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун янгидан-янги транспорт йўлакларини барпо этишни ташқи сиёсатдаги устувор вазибалардан бири деб билди.

Президентимиз 2 февраль куни Трансафгон темир йўлини куриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга келган Афғонистон Ислום Республикасининг делегацияси – мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ханиф Атмар ва Президент Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргар ҳамда Покистон Ислום Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди.

Шубҳасиз, мулоқотлар марказида Афғонистон худуди орқали Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа йўл билан боғлайдиган, Покистоннинг денгиз портларига чиқишни ва уларнинг инфратузилмаси самарали ишга солинишини таъминлайдиган темир йўл куриш лойиҳаси, таъбир жоиз бўлса, аср лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ўзингизда бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев парламентга Мурожаатномасида «Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Трансафгон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамлар» ташлангани ҳақида айтганди. Зеро, ўша кезларда Покистон бош вазири Имрон Хон Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги Трансафгон темир йўл курилиши лойиҳасини тасдиқлаган эди.

Ушбу лойиҳага халқаро молия ташкилотлари томонидан 4,8 миллиард АҚШ доллари жалб этилиши кутилмоқда. Покистон транспорт вазири Азам Хон Свастига кўра, бўлажак темир йўлдан йўловчи ва юк ташини мақсадларида фойдаланилади.

# ЎЗБЕКИСТОН

## дунё портига чиқиш арафасида

### Транзит салоҳиятини 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд

Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан Ўзбекистонда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллиондан 16 миллион тоннага етказиш имкониятимиз мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистоннинг океанга тўғридан-тўғри чиқишга имкони йўқ ва дунёда бундай давлатлар сони 44 тани ташкил қилади. Аммо уларнинг 42 таси бир мамлакат чегарасидан ўтса кейингиси океан. Ўзбекистон эса бунинг учун икки мамлакат худудини босиб ўтиши лозим.

Океанга чиқиш учун эса энг яқин йўл бу Афғонистон орқалидир. Шу маънода, бугунги кунда яқин кўшимиз билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш, бу заминда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишидан Ўзбекистон тўлақонли манфаатдор.

### Ўзбекистон иқтисодий интеграция жараёнларига киришди

Этиборлиси, Ўзбекистон саъй-ҳаракати билан сўнги тўрт йилда Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўртасида яхши кўшинчилик, ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳити шаклланди. Бундан кўзланган асосий мақсад, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциясини таъминлашдир.

Бу борадаги амалий ишлар аллақачон бошланиб, Ўзбекистон минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш тармо-

ғини, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиغان темир йўл курилиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишга киришди. Бунинг натижасида аҳоли даромадлари ва маҳсулот сифати ошади, кўшимча иш ўринлари яратилади, таннарх пасаяди, янги технологиялар олиб келинади. Бозор ислохотларини жадал ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янгидан-янги бозорларга кириб борамиз.

### Денгизга чиқишнинг энг самарали усули...

Мамлакатимизнинг фаол ташқи сиёсати тўғрисида Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни йўлга қўймоқда. Жумладан, мазкур жараёнда Ўзбекистон — Покистон муносабатлари, айниқса, иқтисодий йўналишда янги суръат билан ривожланаётганини кўришимиз мумкин.

Покистоннинг жуғрофий жойлашуви Ўзбекистонга Араб денгизига чиқиш учун энг қисқа савдо йўналишини тақдир этади. Покистон орқали савдо қилиш Ўзбекистон учун денгизга чиқишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Худди шундай, Марказий Осиё бозорлари билан савдо муносабатларини кенгайтиришга хизмат қиладиган алоқаларни ўрнатиш Покистоннинг асосий мақсадларидан биридир.

Бу борада айна пайтда қатор таклифлар фаол кўриб чиқилмоқда. Чунки Покистон минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни, денгиз портларига чиқиш имконияти, йирик бозори билан Ўзбекистон учун истиқболлидир. Қолаверса, Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин кўшилари сифатида бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва барқарорлик таъминланишидан манфаатдор. Бу мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри транспорт тармоқларини барпо этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш учун имконият яратади.

### Покистон бозорлари энг харидорғир

Покистон мамлакатимиздан мева-сабзавот маҳсулотларини импорт қилувчи йирик давлатлар ўнталиги (7-ўрин)дан жой олди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада кенгайтириш мақсадида 2018-2020 йилларда юртимизда Покистон иштирокида 20 дан ортиқ савдо компаниялари ва агрофирмалар ташкил қилинди. Ҳозир улар Ўзбекистон мева-сабзавотларини Жанубий Осиё мамлакатларига етказиш, шунингдек, Покистоннинг Карачи порти орқали Форс кўрфазига олиб чиқиш билан шуғулланмоқда. Мош, нўхат, ловия каби дуккакли маҳсулотлар ҳамда гилос, олма, ўрик каби ҳўл ва қурилган мевалар, қулпнай, қалампир, поми-

дор, қовун сингари сабзавоту полиз неъматлари Покистон бозорларида энг харидорғир бўлмоқда.

Бундан ташқари, ушбу мамлакатнинг истеъмол бозори Ўзбекистонда етиштирилган дуккакли маҳсулотларни олий сифат белгиси, деб қабул қилаётир ва заминимизда пишиб-етилган неъматлар Эрон, Канада, Мьянма ва Австралиядан келтирилмаган шундай товарлар билан тўлиқ рақобатлашмоқда. Покистонлик истеъмолчиларнинг фикрига кўра, республикаимиз мевалари бетакрор маза-си, турли дармондорилар, хусусан, темир моддасига бойлиги билан ажралиб туради.

Бундан кейин ҳам заминимиз неъматларига нафақат Покистон, балки бутун Жанубий Осиё давлатлари бозорларида талаб юқори бўлади. Негаки, янги темир йўл лойиҳасининг ишга тушиши имкониятларимизни янада оширади.

Бир сўз билан айтганда, «Мозори-Шариф-Кобул-Пешовар» темир йўлининг курилиши Жанубий Осиё ва Европа қитъаси ўртасида Марказий Осиё орқали юк ташини муддати ва сарф-харажатларини камайтиради. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минглаб янги иш ўринлари очиб Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини тубдан оширади.

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**  
социология фанлари доктори.



# САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ

## такомиллаштиришга нега зарурат туғилди?

**Бу ўзгариш сиёсий тизим барқарорлигини таъминлаб бера оладими?**

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги такомиллаштирилмоқда. Ушбу ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигини қай даражада таъминлаб бера олади? Хўш, сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар сайловчилар ва мамлакат сиёсий ҳаётида қанчалик аҳамиятга эга?



**Собир ТУРСУНОВ,**  
Халқ депутатлари  
Тошкент шаҳар Кенгаши  
депутати.

### Сайлов — сийловми ёки синов?

Сайлов — сийлов эмас, аслида, у — синовдир! Сайлов, бу — ишонч, муштарак мақсадларга интилиш, орзу-умидларни бирлаштиришдир. Шу нуқтаи назардан мамлакат эртаси, фарзандлар келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирок этади.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораётган ҳар бир давлат-

да сайлов қонунчилигига алоҳида эътибор қаратилади. Шу маънода, у мунтазам равишда замон билан ҳамнафас тарзда янгилашиб боришни талаб этади. Шундан бўлса керак, дунёнинг бирор-бир мамлакатда идеал сайлов қонунчилиги ва сайлов тизими мавжуд эмас. Жумладан, миллий сайлов қонунчилигимиз ҳам изчил тадрижий шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтган.

Ушбу фикримизни 2019 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яққол тасдиқлайди. «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида бўлиб ўтган мазкур жараён Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади. Айтиш керакки, бу муҳим жараёнда сиёсий партиялар нафақат синовдан ўтди, балки улар «сийлов»дан ҳам ўтишди. Энг муҳими, халқ

қайси партия одамларга нима бера олишини билишди. Сиёсий партиялар ҳақида оз бўлса-да, ўзлари учун хулоса чиқариб олди.

Афсуски, бу жараёнда айрим ҳудудларда қонунбузилиш ҳолатлари ҳам учради. Бунинг ўзига яраша сабаблари ҳам бор, албатта. Масалан, сайловчи сайлов қонунчилигини билмайди ва уни бузади. Ёки қонунчиликни билади, лекин унга риоя қилмайди. Яна бир муҳим жиҳатлардан бири — сайловчи баъзи сабабларга кўра сайловда иштирок этолмайди ва унинг ўрнига бошқа овоз беришга уринади.

Шу маънода сайлов тизимидаги бу каби мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қиладиган ҳуқуқий асос — «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

### 24 октябрь — Президент сайлови куну... (ми?)

Ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловларни декабрь ойдан октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасига кўчириш таклиф этилмоқда. Агар қонун тасдиқланса, бу йилги Президент сайловлари тахминан 24 октябрь санасига тўғри келади.

Хўш, сайловларни декабрь ойдан октябрь ойига кўчиришнинг нима зарурати бор? Энг аввало, бу



билан сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз вақтида шакллантириш ва муҳим сиёсий-ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш учун тегишли замин яратилади. Яна бир муҳим жиҳат, қишнинг қировли кунларида сайлов участкаларида фаолият олиб борадиган ходимлар, айниқса, хотин-қизларнинг, бу ерга ташриф буюрадиган аёллар, кексаларнинг саломатлигини сақлаш, фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олиниб, сайловчилар ва қузатувчилар учун қулай шароит вужудга келади.

Хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини сайловчилар рўйхатида киритиш тартиби, чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойда кўчма қўтиларда овоз беришининг ҳуқуқий асоси яратилаётгани, сайлов комиссиялари аъзоларига ҳақ тўлаб бериш, компенсация тўлаш ҳамда иш ҳақини ҳисоблашнинг аниқ тартиби ўрнатилаётгани ҳам адолат нуқтаи назаридан тўғри бўляпти.

### Энди давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланади

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири — сиёсий партиялар сайлов кампанияси даврида Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар учун фазначилиқда ҳисобварақ очилиши тўғрисидаги норма чиқарилди. Шунингдек, сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланмоқда. Сайлов натижаларини эълон

қилиш муддатлари асоссиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари ўстидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилмоқда.

Сиёсий партиялар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг якуний молиявий ҳисоботларни, шунингдек, Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилмоқда. Шу билан бирга, сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунига қадар оралиқ ҳисоботини ва сайлов натижалари эълон қилингандан кейин якуний ҳисоботини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши кўзда тутиляпти.

Ҳужжатга мувофиқ, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тугатилиши ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссияларига ўтказилиши назарда тутилмоқда. Қонунчиликдаги мазкур ўзгариш натижасида 54 мингдан ортиқ аъзодан иборат 5 минг 739 та округ сайлов комиссиялари тугатилади ва оптимизация ҳисобига Давлат бюджетининг 33,2 млрд. сўм миқдоридидаги маблағи иқтисод қилинади.

Шубҳасиз, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча амалий тизимларини такомиллаштириш ва сайлов жараёни очиқлигининг кафолатларини кучайтириш имконини беради.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

#### Марказий сайлов комиссияси раиси ўзгаради... (ми?)

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг хабар беришича, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Марказий сайлов комиссиясининг 7 нафар аъзоси, жумладан, амалдаги Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов ваколатлари тугатилиши масаласи кўриб чиқилган. М.Абдусаломов 2005 йил 7 майдан буён ушбу лавозимда фаолият юритиб келаётган.

Ўз навбатида, 8 нафар янги аъзолар — Эргаш Юсупов (Хоразм вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси), Зайниддин Низомхўжаев (Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари), Александр Фармонов («Ўзэлектроаппарат» АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси), Муяссар Қодирова (Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгашининг Сурхондарё вилояти маъсул ташкилотчиси), Баҳром Қўчқоров (Адлия вазирининг ўринбосари), Шўҳрат Жўраев (пенсияда), Орифжон Бозоров (Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори) ҳамда Алишер Усмонов (Жиззах политехника институти ректори) номзоди кўриб чиқилди ва маъқулланди.



# «ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ»: 2 157 000 СЎМ — БИР КИШИНING БИР ОЙЛИК ЭҲТИЁЖИ



«Истеъмол саватчаси» ҳақида анчадан бери гапирилса-да, Президент томонидан тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни белгилаш мезонларини тезда ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси қўйилган бўлса-да, ҳали бирор қутилган натижа кўзга ташланмаяпти. Ваҳоланки, камбағалликни камайтириш, моддий жиҳатдан қийин аҳволда қолганларга ёрдам беришнинг энг мақбул йўлларида бири ҳам «истеъмол саватчаси» дир.

## «Узоқ кутиш имконияти қолмаган...»

Ақсарият тараққий этган мамлакатларда аҳолига бериладиган ижтимоий нафақалар айнан истеъмол саватчасига, унда қайд этилган кўрсаткичларга кўра белгиланади. — «Истеъмол саватчаси»ни ҳисоблаш, «яшаш минимуми»ни аниқлаш жуда муҳим масала, — дейди



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шербек Бўронов. — Утган йили аҳолининг 10-12

фоизи камбағалликда яшаётгани ҳақида ахборот берилган эди. Шунга қадар юртимизда бундай маълумотлар ҳақида гапирилмасди. Турлича фикрлар, чамалашлар бўларди, холос. Яшаш минимумининг ҳуқуқий асоси яратилса, бу борадаги статистик маълумотлар ҳам тизимлашади. Тўғри, бу тизимни жорий этиш, айна йўналишдаги муносабатларни тўлиқ, изчил тартибга солиш осон бўладиган жараён эмас. Лекин «осон эмас», «ҳозир эмас», деб қутилдиган бўлса, муаммолар ҳал этилиши анча чўзилиб кетиши мумкин. Бу эса вазиятни борган сари қийинлаштиради.

Пандемия шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини таъминлашда қонунчиликдаги айрим камчиликлар янада яққолроқ сезилди. Шунинг учун «яшаш минимуми» ва «Истеъмол саватчаси»ни жорий қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш зарур. Нега десангиз, бу ишга жазм этмасдан камбағалликни қисқартириш дастурларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Камбағаллик камаймаса, жойларда ижтимоий муаммолар кўпаяди. Бошқача айтганда, бу масалада узоқ кутиш имконияти қолмаган.

## Яна қанча вақт керак?

Айтиш керакки, кўплаб давлатларда «Истеъмол саватчаси» мавжуд ва бу тажриба

ўзини оқлаган. Хўш, Ўзбекистонда бу миқдорни аниқлашда нима ҳалал бермоқда? Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обиджон Ҳақимовнинг фикрича, буни ҳисоблаб чиқиш учун бир йил вақт етмайди. Халқаро тажрибада «Истеъмол саватчаси»ни аниқлаш учун 5-10 йиллаб иш олиб борилади. Бизда ҳам бу жараён давом этмоқда.

Яна бир масала борки, айна бир давлат томонидан ишлаб чиқилган «Истеъмол саватчаси» бошқа бир мамлакат учун тўлиқ андоза бўла олмайди. Уни ишлаб чиқишда мамлакатнинг иқлим шароити, аҳоли эҳтиёжи, шунингдек, маҳаллий аҳолининг анъана ва одатлари ҳам алоҳида роль ўйнайди.

— Масалан, совуқ мамлакат учун қишда иссиқлик таъминоти энг муҳим хизмат ҳисобланса, Африканинг айрим мамлакатлари учун бу хизматнинг умуман кераги йўқ, — дейди **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси масъул ходими Манижа Баҳриева**. — Шу боис бугун «Истеъмол саватчаси»нинг ягона мақбул варианты мавжуд эмас. Мисол учун, АҚШда унга 300 та, Буюк Британияда 350 та, Германияда 470 та маҳсулот ва хизмат киритилган. Анъанага кўра, «Истеъмол саватчаси» уч қисм — озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлардан иборат бўлади. 2020 йил декабрь ойида федерациямиз

томонидан жаҳон тажрибаси ва ижтимоий сўров натижалари асосида «Истеъмол саватчаси»нинг ҳисобкитоби ишлаб чиқилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, унинг миқдори бир киши учун бир ойга тахминан 2 157 000 сўмни ташкил этади.

## Бир ойга 10 та нон етадимми?

Федерация эълон қилган «Истеъмол саватчаси»га озиқ-овқат маҳсулотларидан — нон, ёрма ва дуккакли мевалар, гўшт, сабзавотлар, полиз, мевалар (цитрус мевалар ва зираворлар) сут маҳсулотлари киритилган. Шунингдек, ноозиқ-овқат — дорилар, косметика, уй-рўзгор буюмлари маҳсулотлари ҳамда коммунал хизматлар, транспорт харажатлари ва қўшимча ўқув курслари ҳам ўрин олган.

Бунда аҳолининг учта ижтимоий-демографик гуруҳи — меҳнатга лаёқатли аҳоли, нафақахўрлар ва болалар учун ишлаб чиқиши лозим. Федерация бир ойда ўртача меҳнатга лаёқатли шахс истеъмол қиладиган товар ва хизматларнинг рўйхатини ҳам тайёрлади. Унга кўра, бир киши ой давомида 10 дона нон, 3 кг. ун, 8 кг. мол, қўй ва товуқ гўшти, 1 кг. қолбаса истеъмол қилади. Шунингдек, 3 кг. балиқ маҳсулотлари, 2 литр сут, 18 дона тухум, 1 кг. шакар ва 1 литр ўсимлик ёғи ҳамда 2 кг. гуруч рўйхатдан ўрин олган.

Қолаверса, 8 кг. картошка, 6 кг. пиёз, 2 кг. сабзи, 4 кг. помидор, 2 кг. бодринг, мевалар эса 1 килограмдан истеъмол

қилиниши қайд этилган. Озиқ-овқат маҳсулотларига жами — 1 млн. 299 минг сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотларига эса — 858 минг сўм сарфланиши белгиланган.

Албатта, юқоридаги миқдорлар билан танишиб, уларнинг айримлари бўйича саволлар туғилиши табиий. Айтиш керакки, бу миқдор ҳали ўзгариши, қонун асосида меъёрлаштирилиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам ушбу миқдор бозорлар нарх-навосини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур. Шундай бўлса-да, ҳозирча бирламчи маълумотларнинг борлиги ҳам кишини қувонтиради. Ахир, шунинг ўзинида неча йил кутишга тўғри келди-ку...

\*\*\*

«Истеъмол саватчаси» кам таъминланган оилалар, ёлғиз аёллар, кексалар ижтимоий ҳимояси учун зарур. Айна дамда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламни аниқлаб олиш ва унинг мезонларини ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Албатта, юқоридаги миқдор бўйича уни ҳаётга татбиқ этиш осон кечмайди. Чунки бу давлат бюджетига юкламаларни сезиларли даражада оширади. Нафақалар, пенсия ва ойлиқлар миқдорини ҳам шунга мослаб тўлаш заруратини кун тартибига қўяди. Бироқ шуни деб маъзур масалани яна ортага суриш керак эмас. Унутмаслик лозимки, аҳоли турмуш даражаси яхшилансагина, барча соҳаларда ривожланиш рўй беради.

С.ИБРОҲИМОВ  
тайёрлади.

## ДАРВОҚЕ...

«Истеъмол саватчаси» — инсоннинг нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар ҳамда хизматларнинг энг кам миқдорини ўз ичига олувчи категориядир. Соддароқ айтганда, истеъмол саватчасига киритилган товар ва хизматлар яшаш учун зарур бўлган энг муҳим эҳтиёжларни қондиришга етиши керак.

# МУРОЖААТНОМАНИ ҚАНДАЙ ТАРҒИБ ҚИЛМАСЛИК КЕРАК?

Ёхуд қачонгача чиройли ҳисобот учун йиғиламиз?

Мана, бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида мамлакатимизда Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини тарғиб қилиш жараёни давом этмоқда. Хўш, бу тадбирдан кўзланган мақсад аслида нимадан иборат? Одамларни йиғиб, Мурожаатномада белгилаб қўйилган вазифаларни такроран тилга олиб ўтиш ва шу билан тадбир ўтказилгани ҳақида одатдаги ҳисобот тайёрлашни ёки бошқа нарса?

**Тезисларни тўтиқушдек такрорлаш шартми?**

Негаки, айрим тарғибот тадбирлари ҳақидаги ҳисоботу репортажлар билан танишиб, мулоқоту йиғилишларда қатнашиб, бу тадбирлар номигагина, юқори ташкилотларга ҳисобот учун ўтказилгандек туюлмоқда қаминга. Бу 50 йилдан кўпроқ вақт мобайнида тарғибот тадбирларини кўриб келаётган шахснинг ҳулосаси. Ташкилий жиҳатдан бу тадбирларда деярли ҳеч нарса ўзгармаган. Чунки илгарилари ҳам давлат раҳбарининг нутқи ёки унинг номидан чоп этилган китоблар тарғиботи бағишланган тадбирлар худди шундай ўтказиларди. Одамларни бир жойга тўплаб, тўрт-беш нафар галстук таққан жиддий кўринишдаги кишилар чиқиб олиб, нутқни ёки китобдаги тезисларни тўтиқушдек такрорлардилар.

Ҳозир ҳам худди шу тарзда ўтаётган тад-

қатор рақамлар келтириляпти. «Мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш» деганда нимани тушуниш лозим? Мутасаддилар аксар пайтларда Мурожаатномани такрорлаш, яъни ундаги аниқ таклифу жўяли фикрларни минбардан туриб, илмий тил билан гапириб бериш билан чегараланмоқда, холос.

Акс ҳолда, тайёрлаган битта маърузани ҳам фермерларга, ҳам талабаларга, ҳам маҳаллалардаги учрашувларда такрорламасдан, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, яъни тўпланганларнинг фаолият соҳасига қараб, Мурожаатноманинг айнан аҳолининг ана шу қатлами учун қандай аҳамияти борлигини таҳлил қилишган бўларди. Аҳолининг тадбирда қатнашаётган қатлами белгиланган вазифалар ҳамда яқин келажақда ривожланишнинг энг асосий йўналишларини ҳаётга татбиқ этишда қандай роль ўйнаши мумкин ва бу айнан ана шу одамларга нима беради,



ҳафтанинг охирида ўзим иштирок этган бир тадбир мисолида фикримни давом эттирмоқчиман.

Самарқанд шаҳридаги мусиқа мактабининг мажлислар залида шу сектордаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва мактаб директорлари, уларнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда Республика тарғибот гуруҳи аъзолари маъруза қилишди. Гуруҳ раҳбари Тошкентдан келган профессор, аъзолари эса Самарқанддаги олий ўқув юртининг олимлари экан.

Пойтахтдан махсус келган раҳбар беш дақиқача умумий тарзда сўзлагандан сўнг, маърузачилар билан таништирди ва улар беш нафар бўлиб, Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти ҳамда устувор йўналишлари бўйича маъруза қилишларини эълон қилди. Навбати билан минбарга чиққан маърузачилар бешта йўналиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Ҳа, айнан баён этишди. Маърузачиларнинг ҳар бири 10 дақиқача вақт давомида Мурожаатномада ўз йўналиши бўйича нималар ҳақида сўз юритилганини такрорладилар, холос. Залда саводли инсонлар ўтиргани, улар мазкур ҳужжат билан таниш экани инobatга олинмади. Аслида, тўпланганлар мактаб ва маҳалла вакилла-

ри бўлганини ҳисобга олиб, шу йўналишда Мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда нималар қилиниши лозимлиги айтилиши керак эди, назаримда.

Масалан, Мурожаатномада камбағалликни қисқартириш ҳақида батафсил фикр юритилган. Жумладан, бу борада маҳаллий давлат органлари олдида турган вазифалар хусусида шундай дейилган: «Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими бир ой муддатда ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориши зарур. Бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолайдиган асосий мезонга айланиши керак».

Тадбирда сўзга чиққан муҳтарам олимлар айнан ана шу масала бўйича ўз фикрини кенгроқ баён этганида, камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқариши керак бўлган ҳокимга аниқ маслаҳат, учрашувда қатнашган маҳалла ходимлари учун эса ушбу йўналишда ўз фаолиятини самарали давом эттиришда дастуриламал бўлармиди?

**«Ҳамма бирдан эшик томон ошиқди...»**

Йиғилиш тугади. Ташкилотчилардан ҳеч ким савол ва фикр

билдирувчи борми, деб сўрамади, тўпланганлар умумий гапдан тўйган эди, ҳамма бирдан эшик томон ошиқди.

Шунда қаминга маърузачилар хузурига бориб, залда йиғилганлар қайси соҳа вакиллари эканини инobatга олиб, таҳлилий чиқиш қилсаларинг бўлмасмиди, дедим. Улар бир-бирига навбат бермасдан 10 кундан бери турган шаҳарларда тарғибот ишларини олиб бораётганини, тадбир дастури шундай тузилганини, беш нафар маърузачига 10 дақиқадан вақт ажратилганини айтишди.

Ана шунақа гаплар. Ҳали кўп тарғибот тадбирлари ташкил этилади. Менимча, эндиликда уларга ёндашувни раҳбар ўзгартириб, мазкур тадбирларнинг ҳар бирдан нима мақсад кўзланганини аниқлаб, шундан сўнггина одамларни йиғиш зарур. Акс ҳолда, фақат ҳисобот учун ишлаган бўламиз ва ҳолат эскича қолиб кетаверади...

Ахир, бу борада мақсадни давлатимиз раҳбари аниқ белгилаб берган: «Барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт».

**Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳридаги «Богимайдон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**



бирдан тайёрланган ҳисоботда «ташкilotларда Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш йўлга қўйилди» деб, қанча одам қатнашгани, қаерда ва неча марта чиқишлар қилингани ҳақида

деган саволга жавоб топишса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди?

**Нега аниқ таклиф, жўяли маслаҳат йўқ?**

Сўзларим қуруқ бўлмаслиги учун ўтган

# ДЕПУТАТ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ ИСТЕЪФОСИНИ ТАЛАБ ҚИЛЯПТИ... (МИ?)

Кунлар бироз илиб, баҳор яқинлашгани сари кечагина мамлакатимиз бўйлаб содир бўлган энергия танқислиги ортидан келиб чиққан катта муаммолар, норозиликларни унутган бошлагандекмиз, гўё. Энергетика вазирлиги, ОАВ, депутатлар ҳам мавзуга қайтмай қўйди. Бу ҳар йилги «сценарий». Ҳар йили қишда ундай қиламиз, бундай қиламиз, деймизу, кунлар сал илши билан яна ногорамизни чалиб юраверамиз. Ток, газ масаласини келгуси йили ноябргача унутамиз.

Аммо жорий қиш тез унутиладиганларидан бўлмади. Бу гал энергетика тизимидаги ўта жиддий камчиликлар яққол очилиб қолди. Ёзи билан энг кўзга кўринган ташкилотлар қишга тайёргарликни текшираётгани, нималардир қилаётгани тўғрисида тинимсиз ҳисоботлар топшириб туришган бўлса-да, аслида, ҳеч бир иш маъраида эмаслиги фош бўлиб қолди. Аксар ҳудудларда иситиш учун газ йўқ, электр энергияси онда-сонда бериляпти, кўмир тарқатиш дастурлари бошида таниш-билишчи ва ўғрилари туриб олган. Бу гапларни ҳеч ким инкор қила олмайди. Одамлар вужудга келган вазиятдан норози.

### Ваъдаларни нима кераги бор?

Тўғри-да, ўзимизда иссиқлик, гидро электростанциялари, битмас-туганмас кўмир, нефть, газ конлари бўла туриб, одамларни XXI аср учун оддий ҳисобланган электр токи билан таъминлай олмаслик энергетика тизимининг буткул ишдан чиққанини кўрсатмайдими?

— *Уйлаб кўринг, совуқ қиш, катта оила, на газ, на электр бор,* —



**дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев.** — Оиланинг кекса инсонлари ёки чақалоқлар совуқдан қалтираб ўтирса, оиланинг ёшлари ҳар қанча уринмасин, уйини иситишга, уларнинг фаровон ҳаётини таъминлашга имконияти бўл-



*маса, бундай одамларга ваъдаларнинг нима кераги бор? Бундай ҳолатда уларга фақат бир нарса керак — энергия таъминоти! Шу кунларда менга сайлов округимдан бўлаётган ҳар 10 та мурожаатдан 9 таси айнан электр ва газ муаммоси тўғрисида бўлмоқда. Мурожаатлар бўйича шаҳар, вилоят, республика мутасаддилари кимни айблашни билмайди, бир-бирига солади! Энг охириги жавоб эса қаердадир авария бўлган ва яқин кунларда ҳаммаси яхши бўлади, деган ваъда билан чекланилади!*

### Тизимга ажратилган маблағ қаерда?

Албатта, депутат ҳақ. Аммо Энергетика вазирлиги 30 йилдан бери соҳага инвестиция киритилмагани ҳақида дардини дoston қилишдан нарига ўтмаяпти. Бу ўринда ҳақли савол туғилади: ундай бўлса, ўтган йили энергетика соҳасига йўналтирилган давлат ташқи қарзининг 28 фоизи, яъни 5,1 миллиард АҚШ долларлари миқдоридagi маблағлар қани? Уларни ким, қандай сарфляяпти? Кимдир ҳисобот берадими?

Биргина мисол: вазирлик умумий қиймати 1,2 млрд. доллар бўлган Намангандаги Тўрақўрғон ИЭС ишга туширилса, водийда электр таъминотида

муаммо қолмайди, деб ҳаммани ишонтирган-ди. Лекин Тўрақўрғон ИЭС ўтган йили ишга тушган бўлса-да, водийда электр таъминотида илжобий ўзгариш кузатилмаган.

### Депутат ўта қатъий талаб қўймоқда

Депутатлар орасида Дониёр Ғаниев тарафдорлари анчагина топилади. Улар жиддий оҳангда Энергетика вазирининг истеъфосини сўрашмоқда.

— *Наҳотки, охириги 4 йил давомида соҳада сезиларли илжобий ўзгариш қилиб бўлмаса, — дейди Дониёр Ғаниев.* — Аҳолининг талаби кундан-кунга ўсиб бормоқда, нима учун йил давомида шунга қараб ҳаракат қилмаймиз? Электрон ҳуқумат, онлайн хизматлар, рақамли иқтисодиёт деймиз, лекин энергия бўлмаса, булардан нима наф? Қайси ислохот натижа беради бу ҳолатда? Бундай ҳолат олдимиздаги сайлов йилида рўй беришини қандай тушуниш мумкин? Ёки бу давлат раҳбарининг олиб бораётган сиёсатига қарши атай уюштирилаётган «саботаж»ми? Саволлар кўп, жавоб эса бўлдан бери йўқ... Саволларга жавоб бера олмаётган раҳбарлар эса доимгидек жим.

Аслида, бу ҳолатга биз — депутатлар ҳам

қисман айбдормиз, чунки Энергетика вазирлигининг раҳбариятини ўзимиз тасдиқлаб берганмиз. Мамлакатдаги бу ҳолатда энергия инқирози юз беришига сабаб бўлган раҳбарлар истеъфоси — энг тўғри йўл бўлади. Демократик давлатларда бундай инқирозлар ортидан раҳбарлар ўз ихтиёри билан истеъфо беради.

### Хусусийлаштириш — муаммонинг ечими... (ми?)

Ҳатто соҳа буткул хусусий секторга ўтказилганида ҳам монополлик сақланиб қолиши муқаррар. Зеро, электр симлари, газ қувурларининг ҳар бир маҳаллага бир неча тизимда олиб келиш, ким қайси компаниянинг мижози бўлмоқчи бўлса, ўша тизимга улиниб олишининг имкони йўқ.

— *Энергия таъминотининг хусусий секторга ўтиши мен шундай тасаввур қиламан, — дейди Олтиариқ туманидан Азимжон Пўлатов.* — Бу бир неча ййрик монополлар томонидан ҳудудларни бўлиб олинishi бўлади. Уларнинг ҳаммаси битта ҳудудга ўз симёғочи ёки алоҳида газ қувурини тортиб келмайди. Келишиб ишлашади. Натижада аҳоли яна фақат биргина корхона токидан ёки газидан фойдаланишга мажбур

бўлади. Танлов имконияти вужудга келмайди. Эҳтимол, танлов, етказиб берувчини алмаштириш имконияти туман, шаҳар депутатлар Кенгашлари ихтиёрига топширилса, бу муаммо ҳал бўлар. Аммо бу ҳолатда ички етказиб бериш тизимлари туман ихтиёрида қолдирилиши керак бўлади.

### Тан олиш ҳам бир мардлик

Энергетика вазирлиги муаммоларни тан олаётгани ҳам ҳар ҳолда бир натижа. Зеро, Энергетика вазирлиги Алишер Султонов бир неча марта истеъфода тайёрлигини айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича, тизимда ҳеч ким ўз ўрнига ёпишиб олгани йўқ, аммо мутахассислар жуда кам. Шу боис ҳар ким ўз вазифасини бор кучи билан қилишга уриниши керак.

Бизнинг-ча эса, келгуси қишга тайёргарликни ҳали ҳозиргиси тугамасданок бошлаш керак. Эскирган симёғочлар энди хўжақўрсинга эмас, ростманасига алмаштирилсин. Муқобил энергия тизимлари ривожлантирилсин. Ташқи қарз ҳисобига вазирлик учун ажратилган 5 миллиард доллар ток ишлаб чиқариш қувватларини кучайтиришга сарфлансин. Хусусийлаштиришнинг талон-торожлик, монополчилик эмас, ҳамма учун мақбул йўллари ишлаб чиқилсин. Аҳолига арзон кўмир етказиб беришининг коррупция ботқоғига ботиб кетган тизими мутлақо янгилансин. Шундагина келгуси қишдан, эҳтимол, муаммоларсиз чиқаримиз. Акс ҳолда, бу йилги каби норозиликлар анчагача давом этади.

Улугбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

# БОШ ПРОКУРОР

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КАНДАЙ КУРАШМОҚЧИ?

Бугун коррупцион ҳолатлар очикдан-очик айтиляпти. Дунёдаги коррупция даражасини ўрганувчи «Transparency International» халқаро ташкилоти индексида Ўзбекистон охириги уч йилда 12 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали бу муаммо барҳам топмаган. Чунки барча соҳаларда бу иллатнинг илдиз отиб кетгани бор гап. Ўрганишлар шунни кўрсатдики, соғлиқни сақлаш, таълим, банк, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, коммунал хизмат соҳаларида, шунингдек, фуқароларни ишга қабул қилишда коррупция кенг тарқалган.



### Пул олганнинг ҳаммаси вафот этган...

Ҳалоллик ва ростгўйлик — ўзбек миллатининг азаллий фазилатларидандир. Ҳар бир оилада фарзандни ёлгон гапирмасликка, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмасликка ўргатиш ҳам аждодлардан мерос аъна. Лекин шахс улғайиб, жамият ва давлат билан турли муносабатларга киришишни бошлагач, турли тўсиқларга дуч келади. Порахўрлик, таъмагирлик каби ҳолатларнинг гувоҳи бўлади.

— Ўтган йили коррупция билан боғлиқ 2 минг 335 та жиноят иши фош этилган,



— дейди Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев. — Бюджет, давлат ва жамият манфаатларига 643,6 млрд. сўмлик зарар етказилиши, 620

нафар тadbиркорлик субъектидан пора талаб қилиш, 175 та ҳолатда пора эвазига ишга киритиб қўйиш ҳамда 173 та ҳолатда 524,4 гектар ер майдони ажратиб беришда таъмагирлик ҳолатлари аниқланган.

Асосий эътибор муаммонинг ўзига эмас, илдизига қаратилаётгани бежизга эмас. Мисол учун, биргина Молия вазирлиги тизимида коррупция илдиз отиш билан бирга, зарпачадек эгаллаб олган. Давлат молиявий назорат департаментидан тортиб, фазначилик ёки бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳам коррупцион ҳолатлар аниқланган. Ҳаммаси давлат бюджетини ўмариш билан боғлиқ. Вазият шу даражага етганки, жойларда айрим мансабдорлар юзлаб вафот этган фуқаролар номига пенсия расмийлаштириб, миллионлаб сўмларни ҳазм қилиб юборган.

### Мансабга ўтириш «пул йиғиш» деганими?

Юқоридаги ҳолатларни кузатар экансиз, биринчи навбатда, кадрларни эмас, балки мансабдор шахсларнинг амалидан фойдаланувчиларни

тарбиялашимиз керакка ўхшайди. Зеро, ҳар бир давлат хизматчиси қонун талабларини, касб одобномаси, ички тартиб қоидаларни яхши билади ва билиши шарт. Чунки ўтган йилги таҳлилларга кўра, коррупцион жиноятга қўл урганларнинг 1 002 нафари — туман, 281 нафари — вилоят ва 67 нафари — республика миқёсидаги мансабдор шахслардир. Бу жуда ачинарли ҳолат, албатта.

Ҳар қандай мансабдор шахс коррупциявий ҳолат, яъни қонун-қоидаларга зид илтимослар, кимгадир ён босиш, қайсидир масалани тезроқ ҳал қилиш, пул ёки бошқача манфаат кўриш таклифи ҳақида юқори турувчи раҳбарият ёки ваколатли давлат органини хабардор қилиши шартлиги «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган. Лекин қонуннинг мазкур нормаси амалда тўлақонли ишляптими? Амалёт коррупцияни келтириб чиқарувчи мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, уруғ-аймоқчилик ва таниш-билишчилик каби омилларни бартаараф этиш учун ностандарт ёндашувлардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

— Афсуски, коррупцион ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам содир этилаётгани ачинарли, — дейди Н.Йўлдошев. — Кейинги тўрт йилда тизимнинг озмунча кадрлари жинойий жавобгарликка тортилмадими?! Ўтган икки йилдаги кўрсаткичлар эса мазкур соҳаларда тозалаш ишлари ҳамон давом этаётганини билдиради. Зотан, бу даврда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 318 нафар ходими «соққа қилиш» орқасидан панжара ортига равона бўлган. Мисол учун, «Арқ булоқ» божхона пости собиқ бошлиғи бошчилигидаги жинойий гуруҳ пора эвазига турли субъектлар томонидан импорт қилинган товарлар қийматини пасайтириб кўрсатиб, давлат манфаатларига қарийб

9 млрд. сўм зарар етказган. Афсуски, бошқаларида бундай ҳолат бўлмайди, деб айта олмаймиз.

### Жазо кучайтирилиши керак...(ми?)

Президентимиз 27 январдаги йиғилишда Бош прокурорга туманларда коррупция сабабларини ўрганиш топширигини берди. Шу вақт ичида ҳар бир туманга таъхис қўйилиши, нега «касалланган», нега «тузалмаяпти», ким уларни қўллаб-қувватляпти, деган саволларга жавоб толиши керак. Коррупцияга қўл урган шахслар рўйхати ҳам тузилади.

Бизнинг-ча, «таъхис» қўйишни энг чекка ҳудудлардан бошлаш керак. Чунки коррупция аксарият ҳолларда қўйдан юқорига томон ҳаракатланмоқда. Ҳар бир соҳа синчиклаб ўрганилиши, керак бўлса, коррупциянинг оқибати, жазо чоралари ҳақида тушунтиришлар олиб бориш керак. «Таъхис» қўйилганидан кейин даволаб бўладими? Бу масалани ҳам ўрганиб чиқиш керак. Даволаб бўлмаса, ўша тизим иш услубидан, порахўр кадрлардан воз кечиш — энг тўғри йўл саналади.

Коррупцияга қарши ундоқ қиялпимиз, мундоқ қиялпимиз, дея куруқ оғиз кўпиртириш билан иллатнинг олдини олиб бўлмайди. Аксинча, у баттар кучайиши мумкин. «Ҳалоллик вакцинаси» барча давлат хизматчиларига керак. Биринчи навбатда, жазо чораларини кучайтириш керак. Жазо шундай бўлиши керакки, ҳар қандай киши қилган ишидан пушаймон бўлсин. Ёнидагилар ундан тўғри хулоса чиқарсин. Иккинчидан, маошлар таъминлаш яхшилаб ўрганиб чиқиш керак. Агар ходимнинг маоши ўз оиласини таъминлашга етса, у бирова таъмагирлик қилмайди. Коррупцион жинойий гуруҳлар пайдо бўлмайди. Нима бўлган тақдирда ҳам бу ҳолат билан ҳали анча пайт курашишга тўғри келади.

Нилуфар БАХТИЁРОВА.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## ҚАЧОН МИНГ ДОЛЛАР ОЙЛИК ОЛАМИЗ?

— Мактаб ўқитувчиларининг ойлиги минг долларга етиши ҳақида хабарлар тарқалганди. Хўш, қачон минг долларлик ойлик оламиз?

С.МУЗАФФАРОВА.  
Тошкент шаҳри.



Темур КОМИЛОВ,  
Халқ таълими вазири ўринбосари:

— Президентимиз топшириғига кўра, ўқитувчиларнинг ойлигини 2024

йилгача, халқона тилда айтганда, минг АҚШ долларга етказишни мўлжаллаганмиз ва бу масалада таклифлар тайёрланмоқда. Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилгач, уни, албатта, жамоатчилик, хусусан, ўқитувчи-устозларимиз билан муҳокама қиламиз. Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, молиявий камомад-

ларга, асосан, иш ҳақини ҳисоблаш бўйича ниҳоятда кўп меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва инсон омили сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳозирда халқ таълиминини бошқаришнинг ягона мажмуавий комплексини ишлаб чиқиш бошланган ва иш ҳақини ҳисоблашда автоматлаштириш сари қадам ташланган.

«Ўзбекнефтгаз»: «Дояхотин» конида кунлик 100 минг куб метр табиий газ ва 1 тонна газ конденсати олинадиган қудуқ ўзлаштирилди.



# ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ:

## амалиётга тўғри татбиқ этиладими?



**А**ндижон шаҳридаги «Далварзин» маҳалласида яшовчи Ойбек Умаров «Қалдирғоч» номли электромобиль, икки кишига мўлжалланган автомобиль ҳамда қуёш панелли автомашинани яратди. Қашқадарёлик Бунёд эса қишлоқ хўжалигида асқатадиган томчилатиб сугориш қурилмасини ихтиро қилди. Бироқ уларнинг бу лойиҳалари республикамиз бўйлаб омалашмади. Нега? Чунки уларнинг дардига қулоқ тутадиган, моддий ва маънавий қўллаб турадиган бирон масъул топилмади.

Булар биз билганларимиз, Ўзбекистонда мана шундай ғоя ва лойиҳалари сояларда қолиб кетаётган минглаб ёшлар бор. Наҳотки, бу «олтин бош»ларнинг у ёки бу соҳа ривожига ҳисса қўшадиган лойиҳалари ҳеч кимни қизиқтирмаса?

### Ниҳоят, бу саволга аниқ жавоб берилди

Гап шундаки, Шавкат Мирзиёев 27 январдаги видеоселектор йиғилишида иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон учун 100 ғоя» лойиҳасини илгари сурди. Лойиҳа доирасида шаҳар ва қишлоқлардаги ташаббускор ёшларнинг иқтисодий, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳалардаги ғояларини рўёбга чиқариш учун шароит яратилади. Давлат раҳбари ҳеч бўлмаганда 100 тадан 10 та ғоя иқтисодий жиҳатдан бой бўлишини, улар эса, албатта, мамлакат иқтисодиётига тадбиқ этилишини таъкидлади.

Лойиҳа ҳаракатга тушса, чиндан ҳам минглаб иқтидор эгалари кашф қилинади. Соҳалардаги талай муаммоларга ечим нақд бўлади. Ҳамма гап унинг амалга нечоғли тўғри татбиқ этилишида. Масъуллар ташаббуснинг шу кунга қадар ёшларни қўллаб-

қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган тадбирлар қолипига тушиб қолмаслигини таъминлай оладими?

### Мавжуд танловлар самара бердимиз?

— Ҳақиқатан ҳам, шу кунга қадар лойиҳага ёндош бир нечта танловлар ўтказиларди. Масалан, ёшларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2018-2020 йиллар оралиғида умумий 6 та танлов ташкил этилди, — дейди **Инновацион ривожланиш вазирлиги, академик Иброҳим Абдурахмонов**. — Натижада умумий қиймати 33,77 миллиард сўм бўлган 107 та инновацион ва стартап лойиҳалари амалга оширилди. Бу соҳада маълум тажриба йиғилганидан далолат беради. Бундан ташқари, ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 2020

йилдан ташкил этилаётган «Techpways» технологик ривожланиш марфонининг I ва II мавсуми 50 тадан ортиқ жамоадаги 200 нафардан зиёд ёшларни қамраб олди. Қатнашчиларнинг 18 та лойиҳаси Ёшлар академияси ва «Бизнес фаришталари» томонидан бошланғич молиялаштирилди. Мазкур танловлар ёшларимизнинг ҳали кўп очилмаган қирралари борлигини кўрсатди. Уларнинг иқтидорини кашф этиш, қўллаб-қувватлаш орқали юртимиз инновацион экотизимининг мустаҳкамланиши, иқтисодий тармоқларининг қўллаб муаммолари ҳал бўлишига ишончим комил.

### 3 босқичли тизим нега керак?

— Республика бўйича тадбиқ этиладиган лойиҳа ёшларни қаерда яшашидан қатъи назар ўз соҳаси бўйича фикр-мулоҳазаларини олиб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этишига ёрдам беради, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси лойиҳа офиси раиси Сирожиқдин Олимов**. — Ўнга яқин йўналишда лидерлар онлайн платформ

ма орқали танлаб олинади. Унда ҳар қандай ёш иштирок этиши мумкин. Биринчи босқичдан ўтганлар учун туман ва шаҳарларда ўқув-семинарлар ўтказилади. Энг сара 100 та ғоя ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланади. Мақсад, соҳасида етакчи ёшларни аниқлаш ва улар билан доимий мулоқотни йўлга қўйишдан иборат. Европа ва МДХ давлатларида ҳам ёшларнинг ғояларини қўллаб-қувватловчи мана шундай платформа ва дастурлар бор. Ташаббус орқали ёшларга лойиҳаларни қандай тайёрлаш, амалиётга татбиқ этиш, яхши натижага эришиш учун эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида билимлар берилади. Аксарият келажак бунёдкорларида «лоийҳамни олиб бошқа одамнинг номидан чиқаришди», деган ички кўрқув бор. Шунинг учун ҳар бир лойиҳанинг муаллифлик ҳуқуқи сақланишига кафолат берилади.

### Тажрибаларнинг натижаси қандай бўлди?

— «Ўзбекистон учун 100 ғоя» доирасида ахборот технологиялари бўйича ҳам янги ташаббуслар қўллаб-қувватланади, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бош мутахассиси Ғолиб Жалилов**. — Ҳозирги ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқиши юқори. Йўналишларни белгилашда айни жиҳат ҳам эътиборга олинган. Бу эса, маънавий ИТ кадрларни тайёрлашда комплекс ишлар янги босқичда давом этишини кўрсатади. Жорий йил Бухоро, Гулистон, Андижон,

Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Навоий шаҳарларида биттадан таянч умумтаълим мактабига «информатика ва ахборот технологиялари фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб» мақоми берилди. Мактабларда 5-синфдан бошлаб ўқитиладиган «Информатика» фани ҳам қайта кўриб чиқилиб, «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси фанлари билан бойитилади. Юқори синф ўқувчиларига дастурлаш, дизайн ва робототехника йўналишлари бўйича фанлар ташкиллаштирилади. Ёшларни АКТ асосларида самарали ўргатиш ва замонавий билим бериш мақсадида қатор долзарб йўналишлар бўйича 19 та таълим дастурлари ишлаб чиқилган, жумладан, дастурлаш, компьютер графикаси, робототехника асослари, мобил ва веб иловаларни ишлаб чиқариш каби. Бу ташаббус эса шу каби тажрибаларнинг амалда ўзини нечоғли оқлаганини баҳолаш имконини беради. Натижада ҳар бир вилоятдан ёшлар томонидан яратилган 100 тадан ғоялар жамланиб республикамиз бўйича йилига 1400 та асосланган ташаббускор ғоялар базаси шакллантирилади.

### Бизнингча...

Тақлифларни маъқуллаш, уни қандай муаммоларни ҳал этиши ва фойдалари ҳақида гапириш, муносабат билдириш ва баҳо бериш осон. Бироқ ташаббуснинг ҳақиқатан ҳам ўз мақсадига етишида бу кифоя қилмайди. Бунинг учун ҳар бир масъул, аввало, масъулияти бўлиши, ҳисобот учун эмас, натижа учун ҳаракат қилмоғи лозим.

**Садоқат МАХСУМОВА**  
«Mahalla»



2021 йилда 4 минг километрга яқин автомобиль йўллари қайта қурилади ва таъмирланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА

# «TELEGRAM», «INSTAGRAM», «TIK-TOK» БЛОКЛАНАДИМИ?

Бугунги даврда шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш холис воқеликка айланди. Бинобарин, инсон ҳақидаги маълумот ҳар доим қимматли бўлган, айтиш мумкин, айтиш вақтда эса у ноёб товарга айланиб бормоқда. Бироқ, тан олиш керак, фуқаролар исталган рақамли сервисдан фойдаланиб ёки веб-сайтларга ташриф буюриб, ўзлари билмаган ҳолда бундай маълумотларни номатълум шахсларга бериб қўймоқда.


Айни пайтда «Facebook», «Instagram», «Telegram» каби йирик ижтимоий тармоқлар ва миллий «UZ» доменидаги 500 дан зиёд интернет тармоқлари операторлари шундай маълумотларга эга. Хўш, айтиш мумкин, айтиш вақтда эса у ноёб товарга айланиб бормоқда.

## Шахсга доир маълумотларнинг «қора бозори» мавжудми?

Кўпинча хорижий ОАВларда банк соҳасида катта маълумотлар базасининг ошкор бўлгани, таникли шахсларнинг электрон почта пароллари ва банк ҳисоб-рақамлари ҳақидаги ахборот очик қолгани ҳақида ўқиймиз, эшитамиз ва бу бошқа давлатда рўй берди, деб парво қилмаймиз. Аммо бугунги глобаллашув даврида бундай таҳдидлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаслиги кундек равшан ва энди шахсга алоқадор ахборотлар билан ишлашда эҳтиёткор бўлиш талаб этилади.

Бугунги кунда бир қанча хорижий сервислар борки, фойдаланувчининг ўзи ўз ихтиёри билан контакт маълумотлари — телефон, исм-фамилияси, яшаш жойи, банк реквизитларини беради. Шунингдек, фойдаланувчилар бундай сервисларда ўз шахсий ахборотлари — турли фотосуратлар, видео, турли ҳужжатларни ҳам жойлаб боради, баъзида улар махфий характерга эга бўлади. Шу тариқа бу ахборот «сизиб чиқади», у эса турли хорижий серверларда сақланади.

Бунинг бошқа бир салбий таъсири — ушбу маълумотларнинг чиқиб кетиши ёки учинчи



шахсларга бериш эҳтимолининг мавжудлиги билан боғлиқ. Бу нафақат беодоблик ҳисобланади, айтиш мумкин, айтиш вақтда эса у ноёб товарга айланиб бормоқда. Зеро, бугунги кунда шахсга доир маълумотларнинг «қора бозори» мавжуд бўлибгина қолмай, у гуллаб-яшнамоқда. Бу бозорда нафақат телефон маълумотларининг «қора бозори» мавжуд бўлибгина қолмай, у гуллаб-яшнамоқда. Бу бозорда нафақат телефон маълумотларининг «қора бозори» мавжуд бўлибгина қолмай, у гуллаб-яшнамоқда. Бу бозорда нафақат телефон маълумотларининг «қора бозори» мавжуд бўлибгина қолмай, у гуллаб-яшнамоқда.

Фирибгарлар ушбу ҳужжатлар орқали бошқа шахс номига кредит расмийлаштириши мумкин. Баъзан бундай ҳолатларда жабрланган шахс ўзининг беайблигини исботлаши қийин бўлади. Қолаверса, бундай маълумотлар фуқарони кузатиш, унга қарши жиноят режалаштиришга ҳам олиб келиши мумкин.

## Сервер бўлмаса, фаолият тўхтатилади... (ми?)

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 14 январда имзоланган тегишли қонунга кўра, «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги

қонунга ўзгартишлар киритилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон фуқароларининг шахсга доир маълумотларини сақлашнинг янги тартиби жорий қилинди.

— Энди ўзбекистонликларнинг барча шахсга доир маълумотлари мамлакат ҳудудида жойлашган ва Давлат реестрида рўйхатдан ўтган техник воситаларда қайта ишланиши керак, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш ахборот саноати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Бахтиёр Маниязов. — Ўн 15 апрелдан бошлаб, барча интернет ресурслар республика фуқароларининг шахсий маълумотларини мамлакат ҳудудида сақлашга мажбур бўлади. Маълумотлар базасининг эгаси ёки оператор ушбу талабларга риоя қилиш учун масъул ҳисобланади. Қонунда ушбу талабларга фақат маҳаллий компаниялар риоя қилиши кераклиги кўрсатилмагани боис, у хорижий компанияларга ҳам тааллуқлидир. Натижада баъзи чет эл IT-компаниялари ҳам Ўзбекистонда ўз серверларини ўрнатилишига мажбур бўлиши мумкин.

Бу нима дегани? Бу шуни англатадики, эндиликда, дейлик, «Telegram», «Facebook», «Instagram», «Tik-Tok» каби ижтимоий тармоқлар мамлакатимиз ҳудудида ўз серверларини ўрнатмаса, улар блоккланиши мумкин(!) Айтиш керакки, ҳозиргача юқорида номлари санаб ўтилган тармоқларнинг юртимизда бирор-та сервери мавжуд эмас.

## Вазият шу даражага етадими?

Авалроқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Google», «Facebook» ва «Yandex» билан ушбу компанияларнинг серверларини

мамлакатда жойлаштириш бўйича музокаралар олиб борилаётгани ҳақида хабар берганди. Эндиликда юқоридаги қонун билан бу борадаги ишлар ҳам сезиларли равишда силжиди.

Серверларнинг мамлакат ҳудудида бўлиши яна бир қатор қулайликларни ҳам яратади. Жумладан, бу интернет-фойдаланувчиларнинг ушбу хизматлар тақдим этадиган аудио, видео, дастурий таъминот ва контентнинг бошқа турларини юклаб олиш тезлигини оширади. Бунинг учун сервер ускуналари локализацияси амалга оширилади. Ҳақли савол туғилади: интернет дунё миқёсидаги тармоқ бўлса, у қандай маҳаллийлаштирилади?

— Қайд этиш керакки, бирор хизмат турини маҳаллийлаштириш ушбу хизматнинг контентни етказиб бериш тармоғини яқин масофада жойлаштиришдир, — дейди «Ўзбектелеком» АК масъул ходими Алишер Ҳидоятлов. — Мисол учун, сиз Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида жойлашган веб-сайтга киришингиз мумкин. Ушбу сайтни интернетга жойлаштирадиган асосий сервер эса Лондонда жойлашган. Жуда катта оралиқ масофани ҳисобга олсак, веб-сайтни юклаш учун кўп вақт талаб этилади. Бироқ агар сайт CDNдан фойдаланаётган бўлса, у сизни яқин сервер (CDN-сервер)га улайди, бу эса, ўз навбатида, контентни асл сервердан олиш имкониятини туғдиради.

Шахсий маълумот дахлсизлиги таъминлангани яхши, албатта. Бироқ йирик интернет хизматларини тақдим этувчи компанияларнинг уч ой муддат ичида (қонун 14 апрелдан кучга киради) юртимизда ўз серверини очишига қандай эришилади? Бунга улар кўнарикми? Демак, келгуси сонларимизда бу мавзуга яна қайтамиз.

Санжар ИСМАТОВ  
тайёрлади.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

# ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛСА...

— Шахсга доир маълумотларни ошкор қилиш, қандай ҳуқуқий жавобгарликларга олиб келади?



**Фаррух ЖУРАЕВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Шахсга доир маълумотларни қонунга ҳилоф

равишда тарқатганлик фуқароларга БХМнинг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жиноят кодексига кўра, юқоридаги ҳа-

ракат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, БХМнинг эллик бараваригача жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

**Наргиза КАМОЛОВА,**  
Фарғона вилояти.

Ўзбекистонда хотин-қизлар учун орден таъсис этилади.

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ руҳан чарчамоқдами?

**Б**ирор муаммо ёки камчилик юз берса, давлат хизматчиларини ишламасликда, текинхўрликда айблашга тушамиз. Лекин бирор вазирлик ёки идора ходими билан сўхбатлашиб қолсангиз, унинг юз-кўзидаги ҳорғинликка, иш кўплигидан нолишига гувоҳ бўласиз. Аслида бунинг ҳеч қандай сирли томони йўқ.

Давлат тизими ходимларининг ярим кечгача ишхонада қолиб кетишлари кўп йиллардан буён давом этаётган ҳолат. Улар яна эрталабдан идорада ҳозир бўлишади. Ажабланарлиси эса, нимагадир мажлисларда ходимлари ярим оқшомда уйига қайтаётган идора ёки ташкилот фаолияти таҳлил қилинганда, улар ҳеч қандай иш қилмаган бўлиб чиқишади. Нима, улар ишхонада ҳар куни 12-15 соатлаб вақтини бекор ўтказишадими?

Йўқ, ундай эмас. Назаримизда, давлат хизматчиларига жисмоний имкониятидан ортиқча даражада вазибалар юклатилади ва бажарган ишлари бўйича ёзма равишда ҳисобот топшириш талаб қилинади. Натижада ходим бу топшириқларнинг катта қисmini фақат қоғозда бажаради. Чунки куни бўйи қилинган ишлар ҳақида ҳисобот тўлдириб яна шунча вақтни талаб этади. Камига раҳбарнинг мажлисбозлиги муҳокамалари, сўкинишу бақаришлари қанча асаб-бузарликка сабаб бўлади.

Бу — яширин ҳолат эмас. Президентимиз томонидан ҳам айна шу муаммони бартараф этиш, яъни давлат идоралари ходимларининг 18:00 дан кейин ишхонада бўлмаслиги, мажлисларни камайтириш, қоғозбозликка барҳам бериш ҳақида бир неча марта топшириқлар берилди. Натижада вазият қайсидир даражада ўзгарган бўлиши мумкин, аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, кўпчилик раҳбарларга эски одатни тарк этиш амримаҳол бўлмоқда.


Хўш, идора ва ташкилотлардаги ушбу муҳитни ўзгартириш ҳамда давлат хизматчиларининг фаолиятини замонавий талаблар даражасида йўлга қўйиш

учун қандай чора кўриш лозим?

## Инсон ресурслари нотўғри тасарруф қилинмоқда

— Вазирликда иш бошлаган дастлабки кунлардаёқ шундай хулосага келдим, жамоада эркин ва ижодий муҳит йўқдек, ходимлар ҳорғин ва ташаббус кўрсатмайди, — дейди **Олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов**. — Сабаби, иш тартиби тўғри ташкил этилмаган. Назаримда, инсон ресурслари нотўғри тасарруф қилинмоқда. Ходимлар ишда кўп вақт қолиб кетиши натижасида жисмонан ва руҳан чарчаган кўринади. Оиласига, фарзандлар тарбиясига эътибор қаратишга улгуришмаса керак. Ходимларга, аввало, иш жойида эркин ишлаш, ижодий фикрлаш, қолаверса, дам олиш учун қулай шароит яратиб бериш ва ундан кейин иш унумдорлигини талаб қилиш мумкин.

— Иш берувчи томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши масаласида келиб тушадиган мурожаатлар асосида инспекциямиз томонидан ўрганишлар олиб борилиб, шундай қонунбузарлик ҳақиқатан исботланса, унга нисбатан тегишли чоралар кўрилади, — дейди **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси кичик мутахассиси Жаҳонгир Қўнғиротов**. — Давлат хизматчилари масаласига келадиган бўлсак, иш вақтидан ташқари пайтда меҳнат қилишга мажбурлаш ҳақида шикоятлар бўлмаган-у, лекин айнан шу вақт учун қонунда кўзда тутилган иш ҳақи тўланмаётганидан норозилик билдирилган мурожаатлар келиб тушган.



Улар бўйича иш берувчиларга тушунтириш берилиб, ортиқча меҳнат қилган ходимларга қўшимча иш ҳақи тўланиши таъминланган.

Аслида иш пайти тугагандан кейин ҳам ходимларни мажбуран ушлаб қолиб ишлатиш ҳолатлари бўйича ўтган йилдан бошлаб меҳнат инспекторлари томонидан идора ва ташкилотларда назорат тадбирлари амалга оширилиб, бу ишлар пандемия сабабли тўхтатилган эди. Пандемия билан боғлиқ вазият изга тушса, назорат тадбирлари қайта тикланиши мумкин.

## Давлат идораларида спорт машғулоти жорий қилинади

— Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан, жорий йилдан бошлаб давлат органлари раҳбарлари ва барча ходимлари иш вақтидан сўнг ҳафтада камида бир марта жисмоний тарбия билан шуғулланиши, раҳбарлар шахсий намуналари орқали саломатлиқни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириши, давлат органларида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари жорий қилинади, — дейди **Давлат хизматчи ривожлантириш агентлиги етакчи инспектори Феруза**

**Жўраева**. — Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унга кўра, давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, ходимларнинг иш вақти ҳисобидан ҳар куни бадантарбия билан шуғулланишлари учун махсус таънафуслар берилди.

Бундан ташқари, ҳафтада камида бир марта иш вақтидан сўнг раҳбар ва барча ходимларнинг югуриш, стирбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол теннис, сузиш сингари спорт турлари билан шуғулланиши ҳамда улар ўртасида оммавий спорт мусобақалари ташкил этилиши режалаштирилди.

## Зиммага олинган иш мажбуриятлари қайта таҳлил қилиниши зарур

Кўпчилик раҳбарлар ишхонада кечгача ушланиб қолиш ҳолатларида ходимнинг ўзини айблабди: дангасалик ёки бошқа юмуш билан банд бўлиш натижасида иш вақтидан кунлик мажбуриятларини бажаришга улгуролмайди. Улгуролмаса, бундай ходимни ушлаб туришининг нима ҳолати бор? Адлия вазир-

лиги тизимида бу борада йўлга қўйилган тажриба ибратли: иш вақти тугаган ходимнинг компютери автоматик ўчирилади. Энди ходимнинг ўзи хоҳлаган тақдирда ҳам ишни давом эттиролмайди.

Нега адлия соҳасида йўлга қўйилган ишни бошқа идоралар амалга оширолмайди? Чунки давлат хизматчилари ўз-ўзидан лавозим мажбуриятига кирмайдиган юмуш билан банд бўлишмайди, балки шунга мажбурланадилар. Тизимнинг энг юқори раҳбаридан бошлаб бундай ишлаш услуби одатга айлантирилган. Бу дегани иш самарадорлиги кўпчилик мансабдорларга керак эмаслигини аниқлатади.

Шундай экан, давлат идораларининг белгилаб олган иш мажбуриятларини қайта таҳлил қилиб чиқиш тизимини йўлга қўйиш керак. Зиммага олинган ортиқча, асосий ишга ҳалақит берадиган юмушлар аниқланиб, уларни иш режасидан чиқариш талаб қилинса, натижага эришиш мумкин. Энг асосийси, бундай ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларга аниқлик киритилиши лозим. Шубҳасиз, унинг илдизи тизимнинг энг юқори идорасига бориб тақалани. Шу боис бу ишга соҳанинг энг юқори раҳбари масъул этиб белгиланса ва натижаси ундан талаб қилинсагина, ижобий ўзгариш кузатилиши мумкин.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ**  
«Mahalla»

«Тез ёрдам»га 2020 давомида 3 миллиондан ортиқ шошилинич бўлмаган мурожаатлар келиб тушган.

# ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИ 2021 ЙИЛДА ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Бир умр меҳнат қилиб, вақти келганда набиралар қуршовида қариллик гаштини суриш бахт, албатта. Бироқ айрим ҳолларда бунинг учун ноқулайлик туғдираётган вазиятлар ҳам учраб турибди. Жумладан, ханузгача қоғозбозлик, югур-югурлар камайгани айна ҳақиқат. Пенсия миқдорини ҳисоблашда чалкашликлар мавжуд. Иш стажы етсаю, оз миқдорда пенсия тайинланаётганидан норози бўлаётганлар кўп. Уч йилдан бери соҳада янгича тизим жорий этилиши ҳақида гапирилса-да, амалда ҳамон ҳеч бир иш қилинмагани ҳам бор гап.

Хўш, 2021 йил ҳам шундай ўтиб кетадими? Нурунийларимизни қийнаётган муаммолар ўз ечимини топадими?

— Тўғри, пенсия тайинлаш борасида бир қанча саволлар бор, — дейди Молия ва-



**зирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори Абдулазиз Ҳайдаров.** — Биринчи ўринда пенсия ёшини ўзгартириш борасида турли хил асосиз хабарларнинг тарқалишидир. Ҳозирда юртимизда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 25 йил, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади-лар. Шунингдек, ўрганишлар соҳага янги тизим киритилиши кераклигини яна бир бор кўрсатиб берди. Шу боис бугунги кунда пенсия концепциясини халқаро экспертлар билан ишлаб чиқиш жараёни кетмоқда.

## Уч босқичли пенсия тизими қандай бўлади?

Янги тизим яратиш режасида уч босқичли пенсия тизимига ўтиш, минимал пенсия миқдорларини босқичма-босқич ошириб бориш, минимал иш стажини бажарган фуқароларга кафолатланган пенсия миқдорини таъминлаб бериш, пенсия ҳисоблашда инobatга олинадиган даромаднинг юқори чегарасини тизимли ошириб бориш кўзда тутилмоқда.

Энг асосий масала — пенсия бадалини тўлашдан манфаатдорликни кўзлаш зарур. Бунда уч босқичли тизимни жорий этиш айна шу мақсадга хизмат қилади. Унга кўра, биринчи даражада давлат минимал пенсия миқдорини белгилайди. Иккинчи даражада ходимнинг иш ҳақидан муайян сумма ушланиб, унинг шахсий ҳисоб-варағида тўланади ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ҳисоблаб борилади. Учинчи даражада ходим пенсия жамғармасига ажратиладиган маблағ миқдорини ўзи белгилайди.

Бу тизим қўлланилса, фуқаро кафолатли давлат пенсиясини олиш билан бирга ўз хоҳишига қараб, пенсия ёшида қанча пенсия олишини ўзи белгилаш имконига эга бўлади.



## Пенсия миқдори босқичма-босқич оширилади

Минимал пенсия миқдорларини босқичма-босқич ошириб бориш ҳам асосий вазифалардан. Тан олиш керак, ҳозирда минимал пенсия миқдори унчалик кўп эмас. 1 февраль ҳолатига кўра, пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори 238 минг 610 сўм этиб белгиланган. Ушбу сумма пенсиялар, устамалар, кўшимча тўловлар ва пенсия таъминоти соҳасидаги, шунингдек, меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг майиб бўлиши, касб касалликларига чалиниши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда зарарни қоплаш учун компенсацияни ҳисоблашда қўлланилади.

Айни дамда минимал иш стажини бажарган фуқароларга кафолатланган пенсия миқдорини таъминлаб бериш масаласи ўрганилмоқда. Бунда пенсия ҳисоблашда инobatга олинадиган даромаднинг юқори чегарасини босқичма-босқич ошириб бориш, уни 10 та минимал иш ҳақи миқдорида белгилаш мўлжалланган.

## Кексалик гаштини суриш учун инвестиция

Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар орасида пенсия ёшидаги туристлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Хўш, нега хорижий давлатлар фуқаролари пенсияга чиққач, саёҳат қилиб юрадию, ўзимизникилар бундай имкониятга эга бўлавермайдилар? Айтиш керакки, хорижлик пенсионер қўлига кафолатланган маблағни олиб, бемалол қариллик гаштини суради. Улар бошқа нарса ҳақида ўйлашмайди.

— Энди бизда ҳам ана шу тизимга ўхшаш тартиб жорий этилади, — дейди Абдулазиз Ҳайдаров. — Янги тизим

бўйича ҳар бир фуқаро кексалик даври учун инвестиция жамғариши мумкин. Яъни ҳеч қандай иш қилмасдан қўлида яхши қарилликни таъминлайдиган маблағ бўлишига эришиш мумкин. Масалан, фуқаро 25-30 ёшдан тўловни бошлаб, 60 ёшга етганда ўзига қариллигини таъминлайдиган маблағ жамлагани мумкин. Бунинг учун эса унинг маблағлари ишлаши керак. Бунда маблағларни инфляциядан кам бўлмаган миқдорда индексация қилиш лозим. Худди шундай жамғариб бориш йўлга қўйилиши учун йиғиладиган маблағни инвестиция қилиш, ўзидан ўзи даромадни кўпайтириш тизими ҳақида лойиҳалар тайёрланмоқда. Ўйлаймизки, яратилаётган янги тизим пенсионерларни эшикма-эшик юриб, шикоят қилишига йўл қўймай, барча саволларига ўз вақтида ечим топа олади.

## Ишламайдиган фуқаро ҳам пенсия олиши мумкин

2021 йили Давлат дастурига ҳам пенсия тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритилган. Жумладан, 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажы меҳнат дафтarchасидаги мавжуд ёзувлар асосида, ҳеч қандай кўшимча ҳужжатлар сўралмасдан ҳисобланади.

Бундан ташқари, уч йилдан ортиқ давр учун тайинланган ёки қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ва улар бўйича ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади.

Ишловчилар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади. Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади.

**Шоҳрухон ЖўРАХОНОВ**  
тайёрлади.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### ИШ СТАЖИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТ БЎЛМАСА...

— Пенсияга чиқишда иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, нима қилиш керак?



**С.ЖУМАНОВ,**  
Хоразм  
вилояти.

**Шухрат ДАВРОНОВ,**  
Пенсия жамғармаси Ижро этувчи директори ўринбосари:

— Иш ҳақи тўғрисида архив маълумотлари мавжуд бўлмаганда, иш ҳақи миқдорини аниқлаш 2005 йилдан кейинги давр учун — жам-

ғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар, 2016 йилдан кейинги давр учун — Пенсия жамғармасига ўтказилган сўғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотлари, 2019 йилдан кейинги давр учун — фуқароларнинг иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юретишнинг марказлаштирилган

электрон реестри маълумотларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар қисман мавжуд бўлмаган ҳолларда, мавжуд бўлмаган даврлар учун иш ҳақини аниқлаш учун минтақавий коэффициент ҳисобга олинмасдан, қонун ҳужжатларида тегишли даврлар учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қабул қилинади.

Наманганда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

# ТАЪЛИМГА АЖРАТИЛГАН 200 МИЛЛИАРД СЎМНИ КИМ ЎМАРГАН?

200 миллиард сўм фақатгина айтишга осон рақам, холос. Аслида эса бу пулларга ўнлаб мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари барпо этса бўлади. Аммо Халқ таълими вазирлиги ички аудит хизмати ҳисоботларида тизимда ўтган йили шунча сўм ноқонуний сарфлангани — оддий қилиб айтганда, талон-торож қилингани тўғрисида маълумот берилган. Хўш, бу пуллар қаерга кетди?

## Масъуллар нима дейди?

Маълумки, таълим тизими энг кўп бюджет маблағлари ажратиладиган, бошқача айтганда, «ёғлиқ» соҳа ҳисобланади. Мисол учун, жорий йилда вазирликка бюджетдан 22,1 триллион сўм берилди. Бунча пул на мудофаа, на ҳуқуқ ва на тиббиёт тизимида бор. Аммо ҳисоботлар соҳада ўғирликлар кун сайин ошиб бораётганидан дарак бермоқда. Ҳуқуқ органлари, давлат молия департаменти, Ҳисоб палатаси ўтказган текширувлар натижалари ҳам вазирлик тизими коррупция ва бюджет маблағларини ноқонуний сарфлашда энг биринчи ўринда эканини инкор қилмайди. Бунга нима сабаб бўляпти? — Биз ўғрилиқни камайтира- миз, дегани, бу — статистикани камайтира- миз, дегани билан бир хил эмас, — дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Темур Комилов. — Ўғрилиқни камай- тиришга қиришдикми, статисти- ка ўз-ўзидан ошиб бораверади. Масалан, 2019 йилда жами аниқ- ланган камчиликлар 55 мил- лиард сўм бўлган. 2020 йилнинг ўзида эса 6 минг 110 та ҳолатда 70 миллиард сўмдан зиёд ўғри- лик фош этилди. Юқорида қайд этилган ҳолатлар аниқлангани- дан сўнг, 520 та ҳолат бўйича 150 миллиард сўмлик материал- лар ҳуқуқ-тартибот органларига

ҳам тақдим этилган.

## 20 миллиард сўм қаерга кетди, жаноб ўринбосар?

Вазир ўринбосарининг гапларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам, коррупция ва талон-то- рожликка қарши ҳақиқий ку- раш бошлангач, фош этилган- лар статистикаси ҳам ўз-ўзи- дан ошиб боради. Аммо ста- тистика ҳақиқатан ҳам ошиб боряптими? Статистиканинг ўтган ойга нисбатан бирданига 20 миллиард сўмга камайиб кетганига нима дейсиз?

Ёдимизда, ўтган йили де- кабрь ойида Ҳисоб палатаси ва Халқ таълими вазирлиги ички аудит хизмати ҳамкорликда ўтказган ҳайъат йиғилишида 2020 йилнинг 11 ойи давомида жами 69,8 млрд. сўм иш ҳақи- дан ўғирлик, ўзлаштириш ва ортикча тўловларга йўл қўйил- ганлик ҳолатлари аниқланган- ни, 84,3 млрд. сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов- лар бўйича бошқа ноқонуний харажатлар, 38,7 млрд. сўм қонунга зид равишда амалга оширилган харидлар, 24,1 млрд. сўм хатлов натижасида, 3,9 млрд. сўм бошқа хато ва камчиликлар туфайли аниқ- лангани айтиб ўтилганди. Мисол учун, ўша йиғилишда Андижон шаҳрида 20,4 млрд.



сўм, Зарбдор туманида 7,8 млрд. сўм ҳамда Чироқчи туманида 4,2 млрд. сўм нақд пул маблағлари ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан ортикча олиниб, ўзлаштириб юборилгани, яна бир қанча ҳу- дудларда маблағлар ишламайди- ган ходимларга ҳамда ортикча иш ҳақи ҳисоблаш орқали ўзлаш- тирилгани ва ҳоказолар айтиб ўтилган. Умуман, йиғилишда кел- тирилган рақамларни ҳисобласак, тизимда бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳолатлари- нинг қиймати 220 миллиард 800 миллион сўм бўлганини кўриш мумкин. Ҳисоботда ҳам айнан шу рақамлар ёзиб қўйилган. Хўш, бир ой давомида 20 миллиард сўм камомат қаерга йўқолди? Уни содир этганларнинг бугуни қандай? Бизниг-ча, бу масала жиддий суриштирув ва текширув объекти бўлмоғи лозим.

## Маҳалла раислари ҳам пора оладими?

Тан олиб айтиш керакки, коррупция бўйича ҳолатлар фақат Халқ таълими вазирлиги тизимида учрамайди. Нопок кимсалар деярли барча соҳа- ларда бор. Айниқса, жинойят- лар ичидаги энг жирканчи — «пора олиш»дан ҳам қайтмай- диган кимсалар, ҳатто Ватан остонаси ҳисобланмиш маҳал- лаларда ҳам учраб турибди.

Масалан, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг хабар беришича, Гурлан ту- манидаги маҳалла фуқаролар йиғинидан бирига раислик қи- либ келаётган Н.А. икки ёшга тўлмаган фарзанди учун на- фақа тайинлашда ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқародан 400 минг сўм миқдорда пора талаб қилган. У порани олаёт- ган маҳалда қўлга тушди.

Наманган шаҳрининг чекка ҳудудларидан бирида жойлаш-

ган маҳалла фуқаролар йиғини раиси эса бундан-да қабиҳроқ ишга қўл урди. У савдо дўко- ни қуриб, тадбиркорлик қи- лиш учун ер майдони бор ёки йўқлигини билиш мақсадида маҳалла раиси ҳузурига борган тадбиркордан ҳудуддаги авто- бус бекати ва дўкон қуришга мўлжалланган ер майдонини кўрсатиб, шу ерга дўкон қури- ши мумкинлигини, далолатно- ма ёзиб беришларини айтган. Бироқ бунинг эвазига ундан 700 АҚШ доллари талаб қил- ган. Ушбу нопок раис ҳам Кор- рупция ва иқтисодий жинойят- ларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан холислар олдида қўлга олинган.

— Ҳайрон қоласиз, — дейди

## Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Самарқанд» маҳалласи раиси Содиқхон Султонов.

— Ўша қўлга туш- ган инсонлар эс-ҳуши жойида- ги инсонлар. Лекин у инсонни ким тавсия қилган? Ким боши- ни силаб ҳимоя қилиб келган. Хайф бундай инсонларга бу давлатда яшаш, хайф уларга эгаллаб келаётган мансаб. Қайси юз билан халқнинг ичида юради, қайси юз билан ишхонасига кириб чиқади? Яна уялмай йиғилишларда Президентимизнинг сиёсати- ни қўллаб-қувватлаётгандек туттишади. Бундай инсонларга Яратганнинг ўзи инсоф берсин.

Умуман олганда, бугун ҳар қандай турдаги коррупцион ҳолатларга чек қўйиш вақти келди. Бу ҳақда Президентимиз ҳам қайта-қайта таъкидла- моқда. Демак, ҳар бир инсон ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, юрт равнақи йўли- да хизмат қилмоғи даркор.

У.ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### «ДЖАББАРОВА» ЭМАС, «ЖАББОРОВАМАН...»

— Паспор- тим ва бошқа ҳужжатларим- га фамилиям «Джаббаро- ва» деб ёзиб қўйилган. Шу хатоликни тўғирлаш учун нима қилишим керак?



**Севара  
ЎРИНБОЕВА,  
Адлия вазирли-  
ги масъул ходими:**

— Бунинг учун, аввало, яшаб турган жойингиздаги ФХДЁ органига мурожаат қилишингиз керак. Фамилия, исм ва ота

исмини ўзгартириш ички ишлар органла- ри ҳулосаси асосида амалга оширилади. Аризага туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, агар ариза берув- чи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақи- даги гувоҳнома, агар никоҳдан ажратил- ган бўлса — никоҳ- дан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, ариза берувчининг вояга етмаган бола- лари бўлса, у ҳолда

болаларининг туғил- ганлик ҳақидаги гу- воҳномалари, ариза берувчининг паспор- тидан ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатидан кў- чирма, агар ариза берувчи вояга етма- ган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топил- ган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳоимийнинг аризаси, 1 дона (3x4 ўлчамли) фотосурат илова қилинади.

**О.ЖАББОРОВА,  
Наманган  
вилояти.**

ИИБ ва ДХХ ходимлари томонидан наркотик моддалар савдосига чек қўйилди.

# ЁШЛАР МУАММОЛАРИ



## «Маҳаллабай» ўрганилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига амалга оширган ташрифи ҳудудда ёшлар билан ишлаш, ташаббусларини рўёбга чиқариш борасида катта қадам бўлди. Айниқса, Президентимизнинг ҳар бир муаммо, ҳар бир масалани «маҳаллабай» ўрганиш ва ечимини топиш борасидаги топшириқлари раҳбарларнинг пастки бўғинга тушиб, ёшлар билан бевосита мулоқот қилиш ва тегишли масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Вобкент туманида кечган учрашувлар давомида ёшларнинг 80га яқин муаммолари жойида ҳал этилди.

— Қишлоқда яшаганим боис чорвачиликни ривожлантиришга бел боғламоқчиман, — дейди «Мирвоши» маҳалласида яшовчи Азиз Исломов. — Аввало, менга экин ери, қорамол олиш учун банк сармоясига керак. Ўз фермамни очишга эришсам, тенгдошларимни ишга олишим, уларни даромадли қилишим мумкин. Маҳалламизга келган масъулларга шу фикрларимни билдирдим. Менга зотдор қорамол олиш учун 30 миллион сўмлик кредит бериладиган бўлди. Энг аҳамиятлиси, ушбу маблағни олишим учун гаров тўлови талаб қилинмаскан. Секторимиз раҳбарининг кафолат хати кафилик вазифини ўтаркан.

«Хайрхуш» маҳалласида истиқомат қилаётган Наргиза Очиловага ҳам «Аёллар гўзаллик» саломи очиши учун алоҳида жой-дўкон ва иш бошлаши учун имтиёзли кредит ажратилган бўлди.

Шофиркон туманида бўлиб ўтаётган «маҳаллабай» учрашувлар давомида эса 34 та муурожаатдан 14 таси ўз жойида ҳал қилинди.

— Учрашувда иссиқхона қуриш учун 3 сотихли ер майдони сўраб муурожаат қилдим, — дейди тумандаги «Нурафшон» маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳриддин Муҳиддинов. — Муурожаатим ўз жойида ҳал этилди. 3 сотихли ер майдонини олиш учун махсус сертификат берилди. Умуман, маҳалладаги суҳбатлар яқини билан

тадбиркорлик қилишни ният қилган жами 5 нафар ёшга 30 млн. сўмлик сертификат, 4 нафар тикувчиликка қизиқадиган ёшларга тикув машинаси ҳамда 2 нафар ёш ижодкорга планшет ва принтер берилди.

### Кампаниябозлик даражасида қолиб кетмайдими?

Вилоят раҳбарлари томонидан Когон шаҳрида олиб борилган ўрганишлар чоғида ҳудуд ёшлари учун меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилиб, 100 га яқин бўш иш ўринлари таклиф қилинди. Ишлаб чиқариш йўналишларида дастгоҳлар намоёнлигида таъминотчи корхоналар ёш тадбиркорларга арзон нархларда замонавий ускуналарни таклиф этди.

— Кўпдан бери ишсиз эдим, — дейди Гулшан Қурбонова. — Бугунги учрашув мен учун самарали кечди. Доимий иш жойига эга бўлдим. Энди мен ҳам оиламга моддий томондан ёрдам бераман.

Хориждаги олий ўқув юртларидан бирини битириб келган ёшлардан бири Дилшод Файзиев эса гарчи унга иш билан таъминлаш ваъдаси берилган бўлсада, қўлбабини шубҳадан ари-та олмайпти.

— Очиғи, бу каби меҳнат ярмаркаларида кўп нота қатнашганман, — дейди Дилшод. — Доим бирор бўш иш ўрнини кўрсатишиб, у ерга қабул қилинганимни айтишади. Аммо ярмаркалар тугаб, кўрсатилган корхонага борганимда ўша корхонанинг иқтисодий даромади пастиги, қўлбатилган штатдаги ишчи ўрнига маош тўлай олмасликлари ёки бошқа

баҳоналар билан қайтариб юборишган ҳолатларига кўп дуч келдим. Бирор тадбиркорлик ишимни бошлай десам ҳам шу: йиғилишларда банк ходимлари томонидан масъулларга берилган ваъдалар кредитни расмийлаштириш чоғида ҳавога учди. Ё ресурс ёки кафил йўқлиги пеш қилинади...

— «Маҳаллабай» ўрганиш давомида айниқса, иш билан боғлиқ муаммолар эътиборсиз қолмайди, — дейди Бухоро вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи Анвар Ҳамроев. — Қайд этилган ҳар бир масала ва унинг ечимини бўйича ваъда қилинган таклифлар устидан қатъий назорат юритилади. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан аниқ ечимлар кўрсатилиб, барча ресурслар таъминланди. Хусусан, ёшларни касбга ўргатувчи «Мономарказ», «Ишга марҳамат» ўқув курсларини ташкил этиш бўйича маблағ ажратилди. Ҳар бир ёшни банд этган тадбиркорлар учун манфаатдорлик тизими ишлаб чиқилди. Ана шундай имкониятлар билан бирга йил охирида ҳар бир ишсиз бўйича ҳам қатъий жавобгарлик белгиланди.

Айнан ёшлар бандлиги масаласида сусткашлик билан ёндашганлиги сабаб Когон шаҳар сектор раҳбарларининг барчаси вазифасидан озод қилинди.

### Бухоролик ёшларнинг шиддати баланд

— Президентимиз «Bukhara Cotton Textile» МЧЖда, давлат хизматлари маркази ва IT-Park

фаолияти билан танишувда ёшлар вакиллари билан бўлган юзма-юз мулоқотларида ҳам ёшлар ишсизлигига барҳам бериш, уларни касб-хунарга йўналтириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш, илм-фан йўналишида ёш истеъодларга муносиб шарт-шароит яратиш беришга доир вазифаларни муҳокама қилдилар, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси раҳбари Ихтиёр Зиёдуллаев. — Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан бухоролик ёшларнинг ахборот технологиялари салоҳияти юксак баҳола-ниб, бу соҳа мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳим эканлиги таъкидланди.

Айтиш мумкинки, «Monday Labs» корхонасига асос солган 25 ёшли Саидравшан Шокиров, халқаро IT компаниялар билан ишлаётган дастурчи Шахрулло Тўхсанов ва бошқа истеъодли ёшлар мамлакатимиз раҳбари назарига тушди. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ёш дастурчиларга буюртма бериш, маблағ, энергия ресурслари, вақтни тежовчи дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича вазифалар топширилди.

Эътиборлиси, айни пайтда IT-Park учун вилоят маркази — «Bukhara City» мажмуасида 9 ва 12 қаватли замонавий бинолар қурилмоқда. Мажмуада ёшлар учун Каворкинг маркази, офис ва музокара заллари, меҳмонхона, ресторан ва спорт заллари муҳайё қилинади. У ерда 700 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Гап фан-технология борасидаги янги ишланмалар ҳақида борар экан, бун-

да бухоролик ёш тиббиётчиларнинг изланишларини ҳам таъкидлаш жоиз. Аммо фан ютуқлари бир қобик доирасида ривожланиб қолмайди. Шу боис эндиликда ёш кадрларни жаҳоннинг ривожланган тиббий масканларида малакасини ошириш мақсадга мувофиқ.

— Ҳеч кимга сир эмаски, юртимизда юрак қон-томир касалликлари ҳам «ёшармоқда» ва бу ҳаёт тор доирадаги, кучли билимга эга тиббиёт мутахассисларига бўлган талаб ва эҳтиёжни янада оширмоқда, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси Файзулло Раҳमतов. — Вилоят раҳбарияти ташаббуси билан тиббиёти ривожланган Германия ва Россиянинг етакчи клиникаларида аълочи ёшларнинг малака оширишлари учун шароит яратиш бериладиган бўлди.

Эндиликда, Бухорода чет эл сармоясига асосида хусусий клиника очилди, Когон туманида бўш ва қаровсиз ётган ер майдонини обод қилиб, аҳоли ва ёшлар шуғулланишлари учун спорт иншоотларини қуриш, ишсиз ёшларни касб-хунарга ўқитиш мақсадида тикувчилик, чилангарлик, сартарошилик ва бошқа хизматлар йўналишида алоҳида цехлар ташкил қилиш, IT йўналишида дастурчи, веб-дизайнер ва бошқа соҳаларга ихтисослашган академияга асос солишга доир ташаббус ва лойиҳалари ҳам ҳудудда ёшлар муаммоларини ҳал этиш, улар бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

АВРАНГЗЕБ

# Мурожаатлар билан ишлашнинг «МАҲАЛЛАБАЙ» ТИЗИМИ қандай натижа беради?



Анвардан «беш кун ичида автомашинага эга бўласиз» деб, 100 миллион сўмни қуртдек санаб олган шахс изсиз йўқолди. Бахтиёрдан «бюджетга ўқишга киритиб қўяман» деб, 10 минг доллар олган ҳам топилмапти. Алишернинг «Россияда яхши соққали иш бор» деган гапига учиб кетган Мурод ҳам депорт бўлиб, бир тийинсиз қайтиб келди. Фотима эса фойдаланилмаган табиий газ учун асоссиз равишда ҳисобланган қарздорлик машмашаси сабаб, «Отанга бор, онанга бор» қабилида у ташкилотдан бу ташкилотга қатнайвериб сарсон-саргардон...

Одамларни алдаб чув тўшираётган бундай фирибгарлар ҳақида кунда бўлмаста ҳам кунора хабардор бўляпмиз. Бундан ташқари, автосалондан харид қилинган машинада бирор насозлик юзага келганда, уни алмаштириб бермасдан фуқарони сарсон қилиб юрган автосалон ёки маиший техникалар билан боғлиқ истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилаётганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Афсусланарлиси, бундай ҳолатларга тўшаётганларнинг кўпчилиги амалдаги қонунлар ва ўз ҳақ-ҳуқуқини билмагани учун жабр чекмоқда.

## Хўш, нима қилмоқ керак?

Аввало, фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билган ҳолда ҳар бир ишни қонуний жиҳатдан ҳал этишга ўрганиши керак. Бунинг учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардор бўлиши лозим. Бу борада телевидение, радио, газета ва журналларда ҳам ҳуқуқий мавзуда махсус кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар тайёрланиб олмага ҳа-вола этилмоқда. Қолаверса, аҳолига бепул юридик мас-лаҳатлар ва амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун «Advice.uz» (e-maslahat.uz), «Мадад» каби кўплаб ҳуқуқий ахборот порталлари, турли сайт ва телеграм каналлари ишлаб турибди. Бироқ натижалар қувонарли эмас.

Бу йўналишда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳам

четда қолмади. «Фуқаро – жамоат ташкилотлари – давлат» бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида фуқаро мурожаатлари билан ишлашнинг «маҳаллабай» тизимини жорий этишга қаратилган «Хуқуқий маслаҳат» марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқди.

## Бошқа ҳуқуқий марказларга ўхшаб қолмайдимиз?

Хўш, ушбу марказни очишга нима сабаб бўлди? «Хуқуқий маслаҳат» маркази фаолияти бошқа ҳуқуқий марказларга ўхшаб қолмайдимиз?

– Лойиҳадан кўзланган мақсад – «жамият – иш-хотлар ташаббускори» ғоясини амалда рўёбга чиқариш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ишларидаги фаоллигини ошириш ҳамда аҳоли муаммоларини тизимли ўрганиш ва уларнинг аниқ ҳал этилишида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорликда ишлашнинг янгича тизимини жорий этишдан иборат, – дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижрочи директори Иномжон Тагаев. – Шу орқали фуқароларнинг (савдо, газ, электр ва сув таъминоти, коммунал хўжалиги, экология, қурилиш, кадастр, бандлик, ижтимоий хизматлар, соғлиқни сақлаш, таълим, хизмат кўрсатиш (сервис),

транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги) мурожаатлари «маҳаллабай» кўриб чиқилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши билан бир қаторда, мавжуд муаммоларнинг жойида ҳал этилиш имконияти яратилади. Лойиҳа доирасида жорий йилда республика ҳудудларидан иккитадан маҳалла танланиб, ушбу маҳалла-ларда «Хуқуқий маслаҳат» марказлари ташкил этилади. Ўтган ойнинг охирида Бухоро вилояти Когон шаҳридаги А.Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғинида «Хуқуқий маслаҳат» маркази қурилишига старт берилди.

## Фарқи нимада?

– Хабарингиз бўлса бундан олдин федерация томонидан «Истеъмолчилар уйи» ҳамда «Истеъмолчи кутубхонаси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жамиятда китобхонлик маданиятини юксалтириш, Президентимиз томонидан илгари сурилган «Беш муҳим ташаббус»ни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилди, – дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мониторинг ва ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Нилуфар Мансурова. – Шу кунга қадар Олтиарик, Қизилтепа, Риштон, Боғдод, Фарғона туманлари, Марғилон ва Фарғона шаҳри, Избосган, Тўрақўрғон Косон, Дехқонobod, Сарийосиё, Узун, Бойсун, Олот, Қизилтепа

туманларида 20 та барча қулайликларга эга бўлган кўркам ва шинам мажмуалар бунёд этилди. Яна 81 та туман ва шаҳарда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. «Истеъмолчилар уйи» маъмурий комплексидан жой олган «Истеъмолчи қабулхонаси»да истеъмолчиларнинг ариза ва мурожаатлари қабул қилинаётган бўлиб, мурожаатлар ўз вақтида ҳал этилаётир. Мазкур «Хуқуқий маслаҳат» маркази эса бундан фарқли ўлароқ, истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатларни «маҳаллабай» кесимида ўрганиб чиқиш ва ҳал этишга хизмат қилади. Эйтиборлиси, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар мутлақо бепул. Агар федерация истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат киритиш давлат божидан озод этилади.

– Сиз юқорида санаб ўтган соҳалар бўйича аҳоли мурожаатларини маъсул мутасадди-лар ҳал этолмаяптию, «Хуқуқий маслаҳат» маркази қандай ҳал этади?

– Юқорида таъкидланганидек, аҳоли мурожаатларини тизимли ўрганиш ва уларнинг аниқ ҳал этилишида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорликда ишлашнинг янгича тизими йўлга қўйилади, – дейди Иномжон Тагаев. – Бу эса, уларга ҳуқуқий маслаҳат берган ҳолда уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан бир қаторда, муаммони жойида ҳал этиш имкониятини яратади.

Ҳар бир ишни амалга ошириш учун, аввало, маблағ керак. Хўш, федерация лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағни қаерда олади?

Масъулларнинг таъкидлашича, лойиҳани молиялаштиришда Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмалари ва уларнинг туман (шаҳар) жамиятлари маблағлари, шунингдек, ҳомийлик маблағлари билан ижтимоий шериклик асосида имзоланган (инвестор) шартномаларида белгиланган маблағлар ва бошқа манбалардан фойдаланиш кўзда тутилган.

\* \* \*

Бугун маҳалла раисларидан тортиб, турли вазирлиги идоралар, депутат сенаторлардан иборат кўплаб ишчи гуруҳлар аҳоли муаммоларини ўрганишяпти. Бироқ аксарияти қоғозларда қолиб кетяпти. Йўқса, бу ўрганишлардан фуқароларимизнинг ҳафсаласи пир бўлмасди.

Ўйлаймизки, «Хуқуқий маслаҳат» марказлари ҳам аҳолининг муаммо ва мурожаатларини шунчаки ўрганиб, ҳуқуқий маслаҳат бериш билан чекланиб қолмайди. Йўқса, натижа-сиз турли номдаги ишчи гуруҳлару, ҳуқуқий маслаҳат берадиган ҳуқуқий платформалар, турли сайт ва телеграм каналларидан фарқи қолмайди. Хўш, сиз нима дейсиз, маҳалладош?

Рустам ЮСУПОВ  
тайёрлади.

Ўзбекистонда сайёҳларга олтин қазиб олиш жараёни кўрсатилади.

# ҚАШҚАДАРЁДА

## ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОСИ ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПАДИ?



**Қ**ашқадарё мамлакатимизнинг ичимлик суви танқис вилоятларидан бири ҳисобланади. Китоб, Шаҳрисабз ва Яққоб туманлари истисно қилинганда, қолган ҳудудларда ер ости тоза ичимлик сув захираси деярли йўқ. Айрим ҳудудларда ичимлик суви таъминоти тизими умуман бўлмаса, аксарият қисмида бир пайтлар қурилган тармоқлар аллақачон эскириб, мавжудлари талабга жавоб бермай қолган. Аҳолининг турли ташкилотлар, давлат идораларига қилаётган арз ва шикоятлари орасида масалага оид мурожаатлар кўплигининг боиси ҳам шунда.



Албатта, вилоятда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳар йили муайян ишлар бажарилмоқда. Янги-янги ҳудудларга тоза ичимлик суви етиб борапти. Бироқ муаммонинг кўлами ҳудуд катта. Мисол учун, ҳозир ҳам вилоятнинг 40 фоиздан зиёд аҳолиси марказлашган ичимлик суви таъминотига эга эмас.



### Яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурлар

Биргина вилоят маркази Қарши шаҳри аҳолисининг каттагина қисми хонадонларга қувурлардан кўп йиллардан бери сув етиб бормаётгани учун махсус машиналарда ташиб келтириладиган чучук сувни сотиб олиб (олди-сотди 70 минг сўмдан бошланади), ҳовузларида сақлаб ичяпти. Кўп қаватли уйларнинг юқори қаватида яшаётганлар эса сув чиқмаётганлиги боис ичимлик сувини ташиб истеъмол қилади.

– Авваллари маҳалламизга ичимлик суви мунтазам келиб турган, – дейди Қарши шаҳридаги «Насаф» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қарам Шойқулов. – Хонадонларнинг ҳар бирида «водопровод» бор, лекин ҳозирда сув келмайди. Бунга сабаб ўтган асрда қурилган аҳоли хонадонларига борувчи сув қувурлари эскириб, яроқсиз ҳолга келган. Шунингдек, ички

йўлларимиз ҳам аянчли аҳволда. Бу бўйича шаҳар, вилоят ҳокимлигига бир неча марта мурожаат қилаверганимиздан кейин вилоят ҳокими бошчилигида ишчи гуруҳ келиб, аҳоли билан учрашув ўтказди. Ичимлик суви ва ички йўлларни таъмирлаш ишлари жорий йил дастурига киришди. Айни пайтда асосий иккита кўчада катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги «2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Қарши шаҳрида Тошкент шаҳар суви таъминотидан жалб қилинган мутахассислар билан биргаликда шаҳар ичимлик сувини автоматлаштирилган гидравлик бошқариш

тизимини жорий қилиш, «Ўзбеккоммунлойджа қурилиш» ДУКнинг ғарбий филиали мутахассислари билан эса Қарши шаҳар аҳолисини узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида лойиҳалаш ишлари амалга оширилмоқда.

Улардан бири «Шаҳрисабз-Қарши» ичимлик суви қувурини модернизация ва реконструкция қилиш ишларидир. Умумий қиймати 2 миллиард 600 миллион сўмдан зиёдни ташкил этадиган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Қарши шаҳри аҳолисини узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

### Қурилишдаги номутаносибликларнинг жабри

Бундан 15-20 йил аввал чекка туманлардаги бир қатор ҳудудларга хорижий молия ташкилотлари моддий қўмағи билан тоза ичимлик суви олиб борилган эди. Бироқ уларнинг аксарият қисмидан бугун аҳоли фойдаланаётгани йўқ. Лойиҳа ва қурилишдаги номутаносибликлар ишнинг сифатсиз бажарилиши ҳисобига қатор қишлоқлар аҳоли об-ҳаётга етдик, деганида сув келиши тўхтаб қолгани, кейин эса йиллаб сув кўрмайдиган қувурлар талон-торож қилинган ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Бундай ҳолатни аҳолисининг ичимлик

суви таъминоти 2,4 фоизни ташкил этадиган Ғузур туманида кузатиш мумкин. Тумандаги «Қоракўл» маҳалласига қарашли Машъал посёлкасида бир пайтлар катта маблағ эвазига қурилган ичимлик суви иншооти бугун абгор аҳволда турибди. Аҳоли эса ичимлик суви илинжида гоҳ у ташкилотга, гоҳ бу ташкилотга югуриб, мурожаат қилишдан тўхтаётгани йўқ.

Аҳоли вакилларининг таъкидлашича, 1993 йилда «Шўртаннефтьгаз» корхонаси (ҳозирги Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси) томонидан Машъал посёлкасини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида «Шаҳрисабз-Қарши» бош сув магистралидан қувур орқали ҳудудга сув тортиб келиниб, аввал шу ерда барпо этилган махсус резервуарларга тўпланган, сўнг насос ёрдамида аҳоли ҳамда «Шўртаннефтьгаз» корхонасига ҳайдаб берилган.

– Аммо кейинчалик «Шўртаннефтьгаз» корхонаси сув етказиб беришни тўхтатиб қўйди, – дейди Машъал посёлкасида яшовчи Мустафо Саодатов. – Бир неча маротаба корхонага бу масалада мурожаат қилдик. Улар эса корхона аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга мажбур эмаслигини билдирди. Шу билан ўзлари ҳам тармоқдан сув олишни тўхтатиб қўйди. Ҳозир корхонанинг ўзига ичимлик суви машиналар ёрдамида ташиб борилади, биз эса бир машинасини 120 минг сўмдан сотиб оляпмиз.

Аҳолининг таъкидлашича, бугун қайсидир ҳудудда аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш учун миллиардлаб маблағ сарфланиб, янги сув иншоотлари қурилмоқда. Машъал посёлкасида эса тайёр иншоот ишлатилмай турибди. Бу ерда бир қарашда аҳолига ичимлик суви етқа-

зиб беришни қайта йўлга қўйиш учун катта маблағ ҳам керак эмас. Шунчаки, тармоқни таъмирлаб, ишни қайта йўлга қўйса бўлгани.

– Президентимизнинг вилоятимизга ташрифидан сўнг белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ғузур тумани аҳолисини ҳам ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилади, – дейди «Қашқадарё сув таъминоти» МЧЖ Ғузур тумани бўлими бошлиғи Сарвар Сафаров. – Топшириқ ижроси ҳамда туман аҳолисини 100 фоиз ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 3 босқичли лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Айни кунларда марказлашган ичимлик суви тармоғини ўтказишда мавжуд магистраль линияларни таъмирлаш жараёнлари бошланди. Натижада туман марказидаги аҳоли хонадонларига ичимлик суви етказиб берилиши кутилмоқда.

«Қашқадарё сув таъминоти» МЧЖдан олинган маълумотга кўра, ушбу ишлар доирасида 38 та лойиҳа айнан қишлоқ ҳудудларида амалга оширилади. Уларнинг 13 таси янги сув иншоотлари қурилиши бўлса, 25 таси мавжуд тармоқларни реконструкция қилишга қаратилган.

\* \* \*

Бу ишлар яхши. Аммо вилоятда ичимлик сувидан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш иши, ҳисоб-китоблар тизимида ҳамон муаммолар учрамоқда. Талон-торож қилинган қувурлар ҳам топилади. Тешилган ичимлик суви қувури ямалгунча атроф денгиз бўлади. Нега? Жавоби оддий, тизим корхоналари шундай ишлашга ўрганиб қолган. Яна важар бисёр: кўрсатилган хизматдан аҳоли қарздор, пул йўқ...

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»



# КУРИШ ВА БУЗИШДАГИ МУВОЗАНАТ ҚАЧОН ТИКЛанади?



## Ёхуд пойтахтнинг Бош режаси тасдиқланмагани муаммоларга сабаб бўляптими?

Юртимизда бунёдкорлик ишлари жадал тус олгани қувонарли, албатта. Бироқ қуриш ишларида тартибнинг йўқлиги, катта шаҳарларимизда ҳам ҳамон Бош режа тасдиқланмагани кишини ўйга толдиради. Афсуски, режасизлик ҳозирданок ўз муаммоларини кўрсата бошлади. Хусусан, тадбиркорларнинг бугун қурган биноси ёки одамларнинг яшаш ўйи эртага «снос»га тушиб қолиши мумкинлиги бор гап. Хўш, нега шундай? Ҳокимлар қуриш учун ер бериб, яна уни қонунбузилиши деб бузиб ташлаши қанчалик тўғри?

### Юздан зиёд бинолар ноқонуний қурилганми?!

— Якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларида кўп квартиралар уй-жойлар қуриш ҳолатлари кўп кузатилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар бош архитектори Нуриддин Сағатов. — Бу эса, ўз навбатида, уйлардаги муҳандислик-коммуникациялари тизимига салбий таъсир ўтказиб, айримларининг қуввати етмай, айримларида эса турли хил авария ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. 2020 йилда ўтказилган хатловда юздан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ажратилган майдонларда уч ва ундан ортиқ қаватли уй-жойлар қурилган

ни аниқланган. Бунинг оқибатида шу уйлар атрофидаги аҳолининг ҳам норозилиги, коммунал соҳадаги муаммолар ортиб бормоқда.

Хўш, нега бундай ҳолат рўй берапти? Нима учун бир ёки икки қаватли уй учун олинган ерга бемалол кўп қаватли бинолар тикланыпти? Майли, улар «ерни олдидим, энди нима қилишни ўзим биламан», деб иш тутаётгандир, лекин бино тиклангунча уни назоратга олиши керак бўлган масъуллар қаерга қараяпти?

— Қуриш талаблари кўпол равишда бузиладиган бўлса, назорат инспекцияси уларни судга беради, —

дейди Қуриш вазирлиги масъул ходими Жамолдин Қаландаров. — Суд ишни кўриб чиқиб, бинони қайта буздириш бўйича қарор чиққунча ҳам маълум вақт ўтади, чунки қурувчи ташкилот осонгина хатосини тан олишни истамайди. Лекин ҳозирги вазиятда инспекция ходимларига ҳам осон эмас, улар ўзлари истаган қурилиш бораётган объектни назоратга ололмайди.

Қуриш вазири Ботир Зокиров ноқонуний қуришларнинг сабабини коррупция ва таниш-билишчилик билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, бугун айрим одамлар ҳокимликдаги таниш-би-

лишлари орқали «бизнес» қияпти. Яъни олинган ер қуриш битгунча иккинчи-учинчи одамга ўтиб кетаяпти.

### Муаммога қандай ечим бор?

— Бу масалада кимдир тўлиқ айбдор қилиб бўлмайди, — дейди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Абдугани Умиров. — Чунки тадбиркор икки қаватли уй қураман, деб олган ерга 5-6 қаватли бино қуряпти. Сабабини сўрасангиз, олдингизга миллионга сабабини келтиради, демак, назоратни кучайтириш керак. Тадбиркор эса ерни олиш учун кўрсатган режаси қолиб, ўз билганича иш туттади. Жамоатчилик бундан хабар топганда эса, бино қад ростлаган бўлади. Ана шу жараёнда кўп вақт йўқоатамиз. Мана шундай муаммоларнинг олдини олиш учун қонуний асос яратилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қуриш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонини айтиб ўтиш ўринли.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 январдан аҳоли пунктларининг Бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади. Шунингдек, 1 мартдан икки қаватдан юқори, баландлиги ер юзидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳамда Қуриш вазирлиги қошидаги қуриш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томони-

дан давлат қуриш назорати ўрнатилган ҳолда амалга оширилади.

### Хулоса ўрнида

Айнан Тошкент шаҳрида ноқонуний қурилган бинолар муаммоси кўтарилганда, пойтахт ҳоқими Жаҳонгир Ортиқхўжаев журналистлар билан бўлган учрашувда жамоатчиликдан мазкур ҳолатни жиловлаш учун кўмак сўраган эди. Орадан уч ой ўтиб, шаҳримизнинг бош архитектори юздан ошиб ноқонуний бинолар қурилганини айтаяпти. Шаҳар қиёфасига бевосита масъул бўлган мутасаддиларнинг бундай чиқишлари вазият жиддий эканидан далолат беради.

Кимдир «Мана, янги қонун ҳужжати қабул қилинбди, энди ҳаммаси изга тушиб кетади», деб ҳисоблар. Аммо масала пул билан боғлиқ бўлган жойда «ишбилармон»лар янги қоидаларни ҳам четлаб ўтиш йўлини топади. Хўш, асл муаммо нимада ва унинг ечими қандай?

Бу саволнинг жавоби жуда оддий: ҳатто пойтахтимизнинг ҳам Бош режаси тасдиқланмаган! Режасиз иш тутиш эса чигалликларга сабаб бўлаверади. Тўғри, юқорида қайд этилган фармон билан 2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар поселкаларининг 25 фоизини Бош режалар билан қамраб олишга эришиш режалаштирилмоқда. Аммо бу ҳали ечим дегани эмас. Негаки, Бош режа шаҳарнинг ҳозирги қиёфасидан келиб чиқиб тасдиқланади. Уни ишлаб чиққунимизча эса, ҳокимлар қурувчига ер бераверади, у ўзи билаганича қуриш қилишда давом этаверади. Аммо қачонгача, деган савол ҳамон жавобсиз. Демак, мавзуга яна қайтамиз.

Боборавшан ҒОЗИДИНОВ  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2020 йил давомида ичимлик сув тармоқларида содир бўлган жами 140,4 мингта авария ва носозликлар баргараф этилиб, бунга 19,8 млрд. сўм маблағ сарфланган. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 10 минг 475 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, 2017-2019 йилларда 855 та, 2020 йилда 302 та янги худди шундай уйлар қурилган. Қурилаётган уйларнинг тепа қаватларини ичимлик суви билан таъминлашда насос станцияларидан фойдаланилаётгани тармоқларда босим кўтарилиб кетишига ва оқибатда аварияларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Талабаларнинг рейтинг дафтарчаси, қайд варақаси, ўқитувчилар дарс режаси ҳамда журнали тўлиқ электрон шаклга ўтади.

# ҚУРИЛИШ ЧИҚИНДИЛАРИ МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

**М**аълумотларга кўра, сўнгги йилларда республикамизда йилига 100 миллион тоннадан ортиқ sanoat чиқиндиси, 35 миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлади. Чиқиндихоналар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин sanoat, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсак, чиқиндиларнинг салбий таъсирини тасаввур этиш қийин эмас.



Шу боис мамлакатимизда чиқинди масаласига оид кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилиниб, қатор имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Бироқ амалий натижалар қувонарли эмас. Ҳамон дарё қирғоқлари, кўримсиз жойлару дала ҳудудларга ташлаб кетилаётган чиқиндилар уюмига гувоҳ бўляпмиз. Бунда қурилиш чиқиндиларининг ҳиссаси катта. Нега?

– Маълумки, сўнгги йилларда республика миқёсида шаҳарсозликни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, – дейди **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Анвар Жабборов**. – Табиийки, қурилиш ва таъмирлаш ишларининг кенгайганлиги сабабли катта ҳажмда қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлмоқда. Бугунги кунга қадар қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасини тартибга солувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бўлмаганлиги, қурилиш полигонлари учун етарли ер

майдонлари ажратилмаганлиги, шунингдек, айрим фуқароларнинг экологик маданияти ва масъулияти шаклланимаганлиги сабабли ҳам бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар сони ортиб борган.

## Энди барчаси назоратга олинади

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 январдаги қарори билан тасдиқланган **Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисида** Низомга асосан, эндиликда барча турдаги қурилиш чиқиндилари қоида тартибсиз чиқинди чиқарувчилар томонидан такрорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга йўналтирилиши ёки мазкур чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш билан шугулланувчи бошқа юридик шахсларга ёки яққа тартибдаги тадбиркорларга топширилади.

– Утилизация қилинмайдиган ёки қайта ишланмайдиган қурилиш чиқиндилари эса экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда кўмилиши

шарт, – дейди **Анвар Жабборов**. – Ҳўжалик фаолияти натижасида қурилиш чиқиндилари ҳосил бўладиган ташкилотлар (қурилиш, реконструкция ёки таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш ишларини амалга оширувчи ташкилотлар), шунингдек, қурилиш чиқиндиларини тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш билан шугулланувчи барча юридик шахслар ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар мазкур Низом талабларига риоя этиши мажбурий ҳисобланади. Мазкур Низом талаби аҳоли томонидан қурилиш ишлари олиб борилишида ҳосил бўлувчи қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

Қўмитамизга ушбу қарор билан қурилиш ишларида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва полигонларга жойлаштириш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш устидан қатъий назорат ўрнатиш вазифаси кўйилди. Бундан буён қурилиш ишлари амалга оширилишида ҳосил бўлган қурилиш чиқиндилари белгиланмаган жойларга ташланса тегишли чоралар кўрилади.

## Қайта ишлайдиган корхона ҳам, полигон ҳам бўлмаса-чи?

Такрорий фойдаланишга ёки қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиш объекти жойлашган туман ёки шаҳарда утилизация қилиш ва қайта ишлаш корхоналари бўлмаса, уларни бошқа ҳудуддаги корхоналарга йўналтириш лозим. Қурилиш чиқиндиларидан такрорий фойдаланишга талаб бўлмаган тақдирда махсус ажратилган қурилиш чиқинди полигонларига, агар бундай полигонлар бўлмаса, маиший чиқин-

ди полигонларига жойлаштирилиши шарт.

Шу боис 2021 йил 1 майга қадар қурилиш чиқинди полигонларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуриш ва жиҳозлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилади. Бу жараёнда давлат-хусусий шериклик тамойили ҳам кенг қўлланилади. Ушбу йўналиш кимнидир қизиқтирса, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва маҳаллий ҳокимликларга мурожаат қилишлари мумкин.

## Ташиш харажати кимнинг зиммасида бўлади?

Ҳўш, энди қурилиш чиқиндиларини ким, қаерга олиб бориши керак? Бу билан қандайдир ташкилот шугулланамизми?

– Йўқ, бу бўйича алоҳида ташкилот шугулланмайди. Аксинча, қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш харажатлари лойиҳа-смета ҳужжатларида мажбурий тартибда назарда тутилади ҳамда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкция ёки мукамал таъмирлаш, ободонлаштириш ишларининг смета қийматига қўшилади, – дейди **Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Насрулло Бабаев**. – Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёни техник ҳужжатда батафсил кўрсатилиб, унга қурилиш чиқиндиларининг ҳосил бўлишидан бошлаб, улардан қайта фойдаланиш ёки утилизация қилиш бўйича жараёнлар киритилади. Яна бир гап: агар қурилиш чиқиндилари мустақил равишда тўлиқ утилизация қилинишини, қайта ишланишини ёки такрорий фойдаланишини таъминлаш имкония-

тига эга бўлмаган қурилиш чиқиндиларини топшириш ёки реализация қилиш юзасидан мазкур чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш билан шугулланувчи юридик шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун махсус ажратилган объектларга эга бўлган юридик шахс билан тузилган шартномага эга бўлишлари шарт. Бир сўз билан айтганда, Қурилиш вазирлиги қурилиш режалаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, улар билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Қарор билан тасдиқланган Низомга кўра, эндиликда қурилиш чиқиндиларини аҳоли пунктлари ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларга ташлаш ва кўмиш тақиқланади.

\*\*\*

Дарҳақиқат, кўрилаётган барча чора-тадбирлар атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиғилиши, зарарсизлантириш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган. Бироқ турли назорат чоралар, жарима хат-ҳужжатларни йўлга қўйишдан аввал, муносиб шарт-шароитлар яратилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Рустам ЮСУПОВ**  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

Японияда резина ва кабел буюмларининг 34 фоизи, шиша буюмларининг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинаркан. Бу борада Хитой тажрибаси янада ҳайратланарли. Улар алюминий, темир, мис каби металллардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлашдан олишади.

Вақтинча сақлаш жойларининг ўлчамлари (майдони) ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бунда ҳар 1 м<sup>2</sup> га тўғри келадиган қурилиш чиқиндилар миқдорининг ҳисоби 3 тоннадан ошмаслиги лозим.

## Йўл ва кўприклар қурилишида

# ТАЛОН-ТАРОЖЛАР

## давом этмоқдами?

Таъмирталаб, ўйдим-чўқур ва аянчли ҳолатга келган йўлларда юраве-риб хуноб бўлган аҳоли орасида бугун ҳақли эътирозлар ортиб бормоқда. «Фалон километр йўл қурилди, фалончаси таъмирланди, ҳолат яхшиланди. Бу йил яна шунчасини қайта қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган» мазмунидаги мутасаддилар гапи билан эса йўллар кўнгилдагидек бўлиб қолгани йўқ.

Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда? Қачон йўлларимиз ҳавас қилгудек бўлади? Бу бўйича Автомобиль йўллари қўмитасида бирор дастур ёки стратегия ишлаб чиқилганми?


— Автомобиль йўллари 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган ва тасдиқлаш учун ҳужжат лойиҳаси вазирликка киритилган, — дейди Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шўҳрат Назаров.

— Лойиҳа кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, янада такомиллаштиришга доир фикр ва мулоҳазалар инobatга олинган. Ушбу лойиҳа тизимли йўлга қўйилса автомобиль йўллари босқичма-босқич яхшиланиб боради.

Ички йўллар ва кўприклар аянчли ҳолатга келган ҳудудлар кўп. Ҳаттоки, бирор вилоят, туман ёки шаҳардаги йўлларни талабга жавоб беради, дея олмаимиз. Йиллар давомида мутасаддиларнинг тегишли чораларни кўрмаслиги, аҳолининг ушбу масалада қиладиган мурожаатларининг ҳал этилмаслиги бўйича кўплаб ҳолатлар оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ёритиб келинмоқда. Бирок... Хўш, муаммонинг асл сабаби, илдизи қаерда?

### Муаммо тизимда эдимми?

— Ички йўллар илгари шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари балансида бўлган, — дейди Шўҳрат Назаров. — Қолаверса, молиялаштириш тўғридан-тўғри маҳаллий бюджетга боғлаб қўйилган. Йўл инфраструктурасига қаровчи ва бу иш билан шўғулланадиган мутахассис эса атиги битта бўлган. Ўз ўзидан кўринадик, бир инсон бутун тумандаги йўлларни назорат қилиб, тартибга сола олмайдими. Аммо сўнги йилларда бу тизим ўзгарди ва фақатгина йўлларни таъмирлашга ихтисослаш-



ган Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати тузилди. Шундан сўнг ички йўлларни таъмирлашдаги сифатга эришилди.

Ички йўлларни таъмирлаш бўйича ҳудудлар кесимида маълум маънода рўйхат тузилади. Ана шу рўйхатдаги навбатдан келиб чиқиб, йўллар таъмирлашни дастурга киритилади. Аслида бу кетма-кетликни маҳаллий ҳокимлик органлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда далолатнома тузиш йўли билан белгилайди. Одатда мактаб, боғча, қишлоқ врачлик пункти сингари ижтимоий объектлар мавжуд бўлган, жамоатчилик кўп фойдаланадиган йўллар биринчи бўлиб таъмирланади.

### 50 кишига жиноий иш очилган...

Рақамларга эътибор берсак, 2020 йилда жами 6442,6 километр автомобиль йўллари қайта қурилган ва таъмирланган. Шунга қарамай, фойдаланишга яроқсиз ҳолатдаги йўллар республикамизнинг барча ҳудудларида мавжуд. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 14446 та кўприк ва йўл ўтказгич бўлиб, уларнинг 5476 таси таъмирталаб аҳволда. Бунинг сабаби нимада? Ажратилаётган маблағларнинг етарли эмаслигида ёки маблағнинг керакли жойга сарфланмаслигидами?

— Пандемия шароитида коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида кўрсатмалар берилди, шу асосида бир неча қўшма қарорлар ҳам имзоланди, — дейди Транспорт прокуратураси бўлими катта прокурори Жўрабек Саидов. — Ҳар бир топшириладиган объект қабул қилиб олишдан аввал текширилади ва юзаки қурилмаганлиги назорат қилинади. Йўлларнинг сифати, белгиланган талабларга мос келишига алоҳида эътибор қаратилади. 2020 йилнинг ўзида фақат йўл ва кўприк қурилиши бўйича 40 га яқин жиноий иш кўзгатирилган. Бу жараёнда 10 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари талон-тарож қилинган. 50 нафар шахс устидан жиноий иш очилган ва жазо му-

қаррарлигини таъминлаш учун судга юборилган.

Шунингдек, йўлларнинг ҳолатини ўрганганимизда қониқарли эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Бунга йўл қурилиши билан боғлиқ қонунлардаги камчиликлар ҳам сабаб бўлган эди. Қонун, қоида, стандартлар ва талаблар мустақилликдан олдин тузилган бўлиб, шу асосида йўллар қуриларди. Масалан, 14 тонналик автомобиль йўллари қурилса, 80 тонналик транспорт воситалари ҳаракатланар, бу йўлларнинг яроқсиз ҳолатга келишига сабаб бўлаётган эди. Бугун керакли ўзгартиришлар киритилмоқда. Ҳаттоки, оғирликни ўлчаш учун тарозилар ўрнатилди.

\* \* \*

Режалар қилинади, дастурлар тузилади, аммо бунинг учун қанча маблағ, меҳнат сарфланади? Босқичма-босқич яхшиланиши кутилаётган йўллар 2030 йилга келиб аҳоли орзу қилганидек текис, раvon бўлишига умид қиламиз. Таъмирталаб ва яроқсиз кўприкларни таъмирлаш ишлари учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра талаб этиладиган 16 трлн. сўм маблағ тўлиғича ишга сарфланишини тилаймиз. Ана шундагина яқинда қад ростлаган кўприклар қулаб тушмасдан, узок йиллар халқимизга хизмат қилса, ажаб эмас.

Ноилахон АҲАДОВА  
«Mahalla»

### Зарарни ким қоплаб беради?

— Йўлнинг қатнов қисмидаги нотекислик ва ямалар сабабли ҳайдовчи томонидан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилса ва бундан икки ёки ундан ортиқ автомобилларга зарар етса, ушбу зарарни ким қоплаб беради? Агар зарар ҳайдовчи томонидан қоплаб берилса, унда нега йўл учун солиқ тўланиши керак? Нима сабабдан йўлни назорат қиладиган ходимлар ўз вазифасига бепарволик билан қарайди?

Фирдавс ВАФОВ.

Шўҳрат НАЗАРОВ,  
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги автомобиль йўллари қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:

— Агар йўл-транспорт ҳодисаси йўлдаги камчиликлар сабабли содир этилса, бу қонунчиликда назарда тутилган тартибда экспертиза қилинади. Агар экспертиза хулосасига кўра йўлнинг эгаси ёки эксплуатация қилувчи ташкилот айби аниқланса, у ҳолда суд томонидан йўлни эксплуатация қилувчи ташкилотлар ҳам бевосита жавобгарликка тортилиши мумкин.



### МЕНДА САВОЛ БОР...

«Урганч — Фарғона» йўналишида илк авиарейс амалга оширилди.

# Р ТУРАРГОҲЛАР

## қурилмасдан солиқ тўлаш қанчалик адолатли?



Нафақат тарихан шаклланган шаҳарларда, ҳаттоки, бугунги замонавий шаҳарларимизда автомобилларни сақлаш жойлари муаммоси тўлиғича ечилмаган. На яшайдиган кўп қаватли уйнинг атрофида, на ишхона яқинида машина қўйишга жой тополмайсан. Сўнгги 10-15 йил ичида транспорт воситалари (айниқса, шахсий автомобиллар) сони кескин ошди. Бу шаҳарнинг барча таркибий қисмлари, бозорлар, савдо марказлари ва расталари, маданий-маиший объектлар ва бошқа кўпгина жойларда тирбандликни вужудга келтиряпти.

Боз устига, шаҳарсозлик меъёрий ҳужжатларида шаҳарнинг ҳар мингта аҳолисига ҳисобий даврда 180 та автомобиль, истиқболда эса 250 та автомобиль тўғри келиши прогноз қилинган. Турар жойларда автомобилларни сақлаш меъёрлари бўйича 75 фоиз автомобиль ёпиқ турдаги гаражларда, қолган 25 фоизи эса очиқ турдаги автомобилларни сақлаш жойларида режалаштирилади. Кўп қаватли турар жой ҳудудларида очиқ автомобиллар сақлаш жойларини камида 25-100 автомобилга мўлжаллаш таклиф этилади.

Жаҳон тажрибасида эса 25-100 ўринли ёки 2-3 қаватли ер ости гаражларидан кўп фойдаланилади. Юртимиздаги йирик савдо ва бизнес марказларида ҳам шу усулни қўллашяпти. Бироқ ҳануз машиналар учун жой етарли эмас.

Ҳақли савол туғилади: мукамал ва аниқ ишлаб чиқилган меъёрлар қозғоғ учунми? Нега уларнинг амалиётга татбиғи ҳеч кимни қизиқтирмайди? Қачон қоғозлардаги профессионаллик амалга кўчади?

### «Стоянка»лар учун солиқ тўланади?!

Шароит яратилмай, иш талаб қилинса ҳамманинг энсаси қотади. Шунинг учунми яқинда кўп қаватли уйлар олдида ташкил этилган машина турар жойларига солиқ тўлашнинг янги тартиби жорий этилгани кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Болалар майдончаси атрофини ўраган «машина»лар қалъаси, «жойимга ҳеч ким машина қўймадимикан?» деган ҳар кунги хавотир, қўшнилари билан жой талашувларнинг асаббужарликларга уланиб кетиши...

Шундай вазиятда ким янги тизимни хурсанд қабул қиларди, ахир? Ўзи нега солиқ тўлаши керак, ахир турар жойлар тағидида «стоянка»нинг аксариятини аҳолининг ўзи қурган бўлса. «Қўлбола» автотураргоҳлар эса аҳолининг кундалик ҳаётига ноқулайлик туғдираётганини исботловчи далиллар атрофимизда тикилиб ётибди.

– Кўп қаватли уйларга узвий боғлиқ бўлган машина турар жойлари деганда айнан битта кўп қаватли уйга ҳуқуқий ҳуж-

жатлар бўйича тегишли бўлган ер ости ёки ер усти автомобиль турар жойлари (парковалар) тушунилади, – дейди **Давлат солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи Шодиев Аҳмедов**.



– 2021 йилдан бошлаб Солиқ кодексининг 419-моддаси 4-бандига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, жисмоний шахсларнинг кўп қаватли уйларга узвий боғлиқ бўлган машина турар жойлари мол-мулк солиғи объектлари қаторига киритилди. Автомашини турар жойларининг кадастр қиймати кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган (Кадастр) томонидан белгиланади. Кўп қаватли уйларга узвий боғлиқ бўлган машина турар жойлари учун худди жисмоний шахс турар уй-жойи учун тўланадиган мол-мулк солиғи ставкасида, яъни кадастр қийматидан 0,23 фоиз ставкада тўланади. Мисол учун, машина турар жойининг кадастр қиймати 11,0 млн. сўм. Автомашини турар жойининг йиллик мол-мулк солиғи миқдори: 11 млн. сўм  $\times$  0,23% = 25300 сўм (бир йил учун) ташкил қилади.

### «Қўлбола» автотураргоҳлар эгалари диққатига!

Эндиликда ўзича ўзлаштирилиб, қоғозда чек ёзиб

берадиган автотураргоҳларга айлантирилган ҳудудлар ҳам назоратга олинади. Бозорлар, уларга тўташ жойлар ҳамда бошқа аҳоли гавжум ҳудудларда тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган автотураргоҳлар юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда назорат касса техникасини ўрнатиб фаолият юритади.

Автотураргоҳлар томонидан ҳисобот йилида ёки ўтган йил якунлари бўйича товар айланмаси 1 млрд. сўмдан ошмаган тақдирда, айланмадан олинади.

**Ўзи нега солиқ тўлаши керак, ахир турар жойлар тағидида «стоянка»нинг аксариятини аҳолининг ўзи қурган бўлса...**

ган солиқнинг тушумидан 4 фоиз миқдорида тўлаш мумкин. Ҳисобот йилида ёки ўтган йил якунлари бўйича товар айланмаси 1 млрд. сўмдан ошганда улар томонидан умум белгиланган тартибда солиқларни (ҚҚС, фойда солиғи) тўлайди.

Автотураргоҳларда назорат касса техникасидан чек бермаслик ҳолатлари ҳамда ноқонуний равишда автотураргоҳлар ташкил

этилишига гувоҳ бўлсангиз ДСҚ ишонч телефонига (71 244-98-98) мурожаат қилинг ёки SOLIQ иловасида «Soliq hamkor» тизими орқали солиқ ҳуқуқбузарликлари тўғрисида хабар юборинг. Сизнинг мурожаатингиз асосида солиқ қонунчилигида риоя қилиниши юзасидан сайёр солиқ текширувлари ўтказилиб, тегишли чоралар кўрилади.

### Чек бермаганлар 5 миллион сўм тўлайди

Назорат касса техникасидан харид чеки бермаслик ҳолати бўйича Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан, 5 млн. сўм миқдорида молиявий жарима қўлланади. Бироқ ушбу молиявий жарима қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун мuddат ичида ихтиёрий тўланса, 50 фоизи яъни 2,5 млн. сўм тўланади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган график асосида аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари он-лайн назорат касса машинаси ёки виртуал кассалар ўрнатилмоқда.

\* \* \*


Гап кассанинг қай даражада замонавийлашишида эмас, аҳолига қулайлик яратилишида. Ахир сумма кўлда ёзилгани ёки автоматик қайд этилгани ҳеч нарсани ўзгартрмайди-ку!

**Садоқат МАХСУМОВА**  
«Mahalla»

## БУ ФАКТ!

Аввал, жисмоний шахслар ушбу нотурар жойларга юридик шахслар учун назарда тутилган ставкада (**2%**) мол-мулк солиғини тўлар эди. Бу **11 млн. сўмдан 2% = 220** минг сўм, тахминан **9** баравар кўп.

**К**ўп ҳолларда ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан муомаласи жиддий эътирозларга сабаб бўлади. Одамлар орасида мазкур тизим ҳақида «зўравон тузилма» деган тушунча шаклланиб қолган. Албатта, бунга асослар ҳам бор. Узоққа бориш шарт эмас, ўтган йили Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ички ишлар идорасида калтакланиши оқибатида икки инсоннинг вафот этгани жамоатчиликда кучли норозилик уйғотди.



# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ

## халқчил тузилмага айланадими?

Бу билан бутун тизим вакиллари айбламоқчи эмасмиз. Ахир айнан ички ишлар ходимларининг матонатли хизмати эвазига эл-юрт осудалиги таъминланмоқда, жамоат тартиби сақланмоқда, кўплаб жиноятлар тезкорлик билан фош этиляпти. Қолаверса, жиноятчиликлар билан ишлаш киши табиатиға ҳам ўзига хос таъсир қилиши бор гап. Лекин бу оддий одамларга нисбатан кўпол муомала қилса, зўравонлик ишлатса бўлаверади, дегани эмас. Кейинги йилларда ички ишлар тизимида ҳам катта ислохотлар амалга оширилди. Бу соҳа ходимлариға нисбатан замонавий талабларни юзага келтирдими?

### Тизим шаъниға доғ туширган ходимларға кескин чоралар кўрилди

— Сўнги тўрт йил ичида амалга оширилган ислохотлар натижасида жазоловчи орган сифатида қараб келинган ички ишлар идораларини халқчил тузилмага айлантириш йўлида муҳим қадамлар кўйилди, — дейди **Ички ишлар вазирли-**

### ги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Авазбек Инъомов.

— Кадрлар сиёсатини тўғри ва адолатли олиб бориш, лавозимларға юқори профессионал кадрларни жамлаш, айниқса, янги авлод ички ишлар ходимларини шакллантиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа ходимларининг ҳизмат интизомларини қонуний касбига содиқлик руҳида тарбиялаш борасида ишлар самарадорлигини оширишға қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Охириги икки йил давомида вазирлигимиз томонидан тузилган ишчи гуруҳ ҳар бир ички ишлар органиға бориб, учрашувлар ўтказди ва шахсий таркиб билан содир этилаётган ноҳўя хатти-ҳаракатлар муҳокама қилиниб, хизмат вазифасини кўпол равишда бузган, жиддий камчиликка йўл қўйган, ўз хизмат бурчига масъулиятсизлик билан ёндашиб, тизим шаъни-

ға доғ туширган ходимларға кескин чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, халқ билан бевосита ишловчи йўл-патруль хизмати, патруль-пост хизмати, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг барча ходимларини аттестациядан ўтказилиб, улар орасидан 178 нафари вазифасиға нолойик, деб топилиб, лавозимидан озод этилди. 20 нафари тизимдан бўшатилади. Шахсий таркиб ўртасида маънавий-руҳий муҳитға салбий таъсир кўрсатувчи ходимларни аниқлаш ва ички ишлар органларини бундай ходимлардан холи тизимға айлантириш мақсадида психологлар ёрдамида амалий ишлар бажарилмоқда.

### Ҳар бир видеотасвир бўйича текширув ўтказилди

Шунингдек, турли тарбиявий профилактик тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Ходимларнинг яқин қариндошлари — ота-онаси, турмуш ўртоғи иш-тироқида учрашувлар, индивидуал суҳбатлар ташкил этиляпти. Маънавият ва маърифат дарсларида соҳа вакиллари томонидан йўл қўйилган салбий ҳолатларни акс эттирувчи видеороликлар намойиш этилади.

Айтиш жоизки, ички ишлар ходимлари ва фуқаролар ўртасидаги салбий ҳолатларни акс эттирган 201 та видеотасвир ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларға сабаб бўлди. Ҳар

бир ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, 87 нафар ходимға нисбатан интизомий жазо чоралари қўрилди. Шундан 8 нафари тизимдан бўшатилади, 20 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. 84 та ҳолатда эса ходимларнинг айби тасдиқланмади.

Ўтган йилги воқеалар ортидан махсус ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир ички ишлар органида ходимлар, уларнинг ота-она ва турмуш ўртоқлари билан суҳбат ўтказилиб, фуқароларни қийноққа солиш ҳолатлари аянчли оқибатларға олиб келиши тушунтирилди ва натижада ўтган даврда бундай ҳолатлар қайд этилмади. Бу иш ҳозир ҳам давом эттириляпти.

### Боди камералар орқали фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланмоқда

— Маълумки, 2018 йилда Тошкент шаҳрида синов тариқасида патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари ходимлари боди камералар таъминланди, — дейди **ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Уктам Раҳматов.** — Натижада фуқароларнинг ҳуда-бехудаға ички ишлар идорасиға олиб келинишиға чек қўйилди. Ходим ва фуқаро ўртасидаги мулоқот боди камераға ёзилади ва бирор мунозарали вазият пайдо бўлса, олинган видеотасвир текшири-

лади ва айбдорға нисбатан чора кўрилади. Албатта, бу тизим мукаммаллаштирилган ҳолда босқичма-босқич республиканинг ҳамма ҳудудларига жорий этилади.

### Хулоса ўрнида

Шунча ишларға қарамай, бу борадаги ўзгаришлар кескин кечмоқда. Кўпинча ривожланган давлатлардаги ҳуқуқ-тартибот ходимларининг фуқаролар билан муомаласиға ҳавасимиз келади. Қанийди, бизда ҳам шундай бўлса, дея орзу қиламиз.

Албатта, узоқ йиллар шаклланиб қолган иш услуби бирданнига ўзгариб қолмайди. Бунинг учун, аввало, ички ишлар органларида ишловчи ходимларнинг билим ва дунёқараши, ҳуқуқий маданиятини кенгайтириш, одамлар билан ишлаш лаёқатини ошириш, бошқача айтганда, барчани жиноятчи қиёфасида кўрмаслиги, ишиға кучли психолог сифатида ёндашиши талаб этилади.

Хориждаги ушбу соҳаға доир илғор тажрибани ўрганиш ва амалға татбиқ этиш лозим бўлади. Яна бир энг муҳим масала, аҳолида ички ишлар ходимларига нисбатан ишончсизликни йўқотишдир. Бунга эса одамларни қонуний ҳуқуқларини талаб қилишға ўргатиш ва уларни тоқат билан эшитиш орқали эришилади.

Хуллас, ички ишлар органлари ўз вазифаларини амалға оширишда жамоатчилик билан самарали ҳамкорликни сифатли йўлға қўя олсагина, тизимдаги янгича ўзгаришлардан умид қилса бўлади.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ**  
«Mahalla»



1 февралдан 8 февралгача Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида қор кўчкиси хавфи мавжуд.



# Вояга етмаганлар ўртасида ТУҒРУҚ ҚОЛАТЛАРИ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

**Ж**аҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистикасига кўра, ривожланаётган давлатларда ҳар йили 15-19 ёшдаги тахминан 16 миллион қиз она бўлади. Шундан 2,5 миллионини 16 ёшдан кичик қизлар ташкил этади. Ҳомилдорлик ва туғруқ вақтидаги қийинчиликлар бундай ёшдаги қизларнинг ўлимига ҳам сабаб бўлаётгани бор гап. Хўш, бу борада республикамиздаги аҳвол қандай?

## Ҳисоботлар нима дейди?

Бу борада 2020 йил якуни бўйича тўлиқ маълумот ҳали эълон қилингани йўқ. Мавжуд сўнгги маълумотларга кўра, 18 ёшга тўлмаган қизлар орасида 2018 йилда бундай салбий ҳолатлар 1,5 мингдан зиёд бўлган, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 минггача ташкил этган. 2020 йилнинг биринчи чорагида 231 та эрта туғруқ ҳолатлари қайд этилган.

Таҳлилларга кўра, ушбу муаммога, аввало, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва тиббий маданиятининг етарли эмаслиги сабаб бўляпти. Олий Мажлис Сенати томонидан тақдим қилинган ахборотга кўра, эрта ҳомилдорлик ва туғруқ ҳолатлари кузатилган ўқувчи қизларнинг қарийб ярми ота ёки онасиз оилаларда яшаётгани аниқланган. Шунингдек, оиладаги етишмовчилик, оналарнинг ишсизлиги ёки кам даромад топиши ҳам қизлар тарбиясига салбий таъсир қилмоқда.

Яна бир жиҳат: эрта ва исталмаган туғруқ ҳолатлари, ёшларнинг оилавий муносабатларга тайёр эмаслиги, оиладаги ижтимоий-маънавий беқарорлик каби сабаблар чақалоқлар савдоси жиноятини ҳам келтириб чиқармоқда.

## Мутасаддилар фикри қандай?

Расмийлар фикрига кўра, биргина Тошкент вилоятида охириги икки йилда вояга етмаган қизларнинг ҳомилдор бўлиш ҳолатлари икки баробарга кўпайган.

— Ёшларнинг, айниқса, ўспиринларнинг ўз саломатлиги тўғрисида билими етарли эмаслиги муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда, — дейди Олий Маж-

лис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмуҳамедова. — Бунинг натижасида бир нечта салбий ҳолатлар учрамоқда. Мисол учун, Тошкент вилоятида эрта туғиш кўрсаткичи ўсиб бораётгани, баъзи бир вилоятларда ўсмир қизлар орасида абортнинг кўпаяётгани жуда аянчли ҳолат. Мисол учун, биргина Самарқанд вилоятида вояга етмаган қизлар ўртасида сунъий аборт қилдириш сони 72 тагача кўтарилган. Тошкент вилоятида эса 15-16 ёшли қизларда эрта туғиш ҳолати икки баробарга кўпайган.

Республика бўйича оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи камаяётган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятининг айрим туманларида бу кўрсаткич ошиб бормоқда. Буларнинг аксариятида эрта турмуш қурган қизларнинг ҳомилдорлик ва бола парвариши бўйича билими етарли даражада эмаслиги аниқланган.

## Ахлоқсизлик ва тарбиясизлик оқибатими?

Оқоридаги каби ҳолатлар қизларимизнинг ахлоқи ва тарбияси бузилиб кетаётгани оқибати, деб ҳисобловчилар кўп. Хўш, шу сабаб туфайли эрта туғруқ ва эрта турмуш ҳолатлари кўпайиб кетяптими?

— Бундай дейишга ҳам асос йўқ, — дейди психолог Зебиносо Аҳмедова. — Психологларга зўравонлик қурбони бўлган кўп қизлар мурожаат қилади. Ҳатто зўравоннинг жазолангани ҳам улардаги кўнгли ярасини тузата олмайди. Масалан, ҳозирда очик фойдаланишда бўлган 2019 йилнинг статистикасини олайлик. Бу йил давомида юздан ортиқ эрта туғруқ ҳолатлари кузатилган. Буларнинг чорагига ахлоқсизлик туфайли содир бўлгандир. Лекин мана шу сонларда зўравонлик оқибатида ҳаёти бузилган қизлар улуши кўпроқ.

ликнинг кучли аралашуви, жабрдийда тарафининг қатъий талаби билангина эришилди.

Умуман, Каттакўрғон тумани бу масалада ёмон от чиқаряпти. Шу қулларда бу ерда вояга етмаган қизнинг номусига тегиш билан боғлиқ яна бир шов-шувли, муҳим воқеа юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бу сафар такси ҳайдовчиси ва унинг шериги ўқув курсидан қайтаётган 10-синф ўқувчисини ўғирлаб, номусини поймол қилган. Бунга чидай олмаган қиз уйдан бош олиб кетгани ва Навоий вилояти ҳудудидан топилгани, зўравонлардан бири жазодан қўриқиб, ўзини осиб ўлдиргани тўғрисидаги маълумотлар муҳокама қилинмоқда.

Бу каби ҳолатлар шу билангина тугамайди. Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида юз берган шундай ҳодисалар оқоридагилардан да аянчлироқ. Хуллас, санаб адоғига етиб бўлмайди.

## Нима қилмоқ керак?

Бизнингча, эрта туғруқларнинг олдини олиш учун, аввало, тарбия билан бирга жазоларни ҳам кучайтириб бориш лозим. Айниқса, хотин-қизлар устидан жинсий зўравонлик муқаррар жазоларнинг биринчи курсини эндигина тамомлаган қиз билан боғлиқ ҳолат бўйича бошланган суд жараёнлари ҳали охирига етгани йўқ. Аввалига иш "босди-босди" қилиб юборишга уринилгани ҳам рост. Яъни Каттакўрғон тумани ИИБ мазкур ҳолатда жиноят аломатлари бўлмаган, деб топиб, иш қўзғатишни рад этган эди. Тўғриси-ни айтиш керак, жиноий иш очилишига жамоатчи-

Камрон ТУРҒУНОВ,  
журналист.

## Қийнаганлик учун қандай жавобгарлик бор?

— Одамни қийнаш, жумладан, вояга етмаган фуқароларга шафқатсиз муносабатда бўлиш қандай жазоланади.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

Нилуфар УСМОНОВА.  
Қашқадарё вилояти.



## Шо'руҳ ГИЁСОВ, Ички ишлар вазири ахборот хизмати раҳбари:

— Жиноят кодексининг 110-моддасига кўра, инсонни муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, агар баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилмаган бўлса, БҲМнинг 100 бараваригача жаримдан тортиб, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уш ҳаракатлар вояга етмаган шахсга, ҳомилдорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, ожиз аҳволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин. Ута шафқатсизлик билан қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган шахс 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Ўзбекистонда коронавирусга қарши вакцина синовида 5 минг эмас, 9 минг киши иштирок этади.

# САРАТОНГА чалинганлар қачонгача сарсон бўлади?



Ташхис қўйиш қиммат, шундай экан, нега унда Республика онкология марказига керакли техникалар келтирилмаяпти?

**С**аратон ташхиси қўйилган бемор кўзларига ҳеч қараганмисиз? Ёки онкология шифохонасида бир кунни ўтказиб кўрганмисиз? У ерда бир кун бўлган киши, албатта, ҳаёт қадрини, яқинлари меҳрини тушуниб этади. Бу ердаги инсонлар ҳар бир дақиқаси учун олишиб яшайди. Улар учун онкология шифохоналари охириги чора ва сўнгги умид...

Афсуски, бу касалликка қарши бутун дунё курашиш билан овора. Янгидан-янги дорилар ихтиро қилинса-да, уни фақатгина бошланғич нуқтасида энгш ёки бемор умрини узайтириш билан чекланиб қолинмоқда. Ривожланаётган давлатлар ва қашшоқ мамлакатларда айнан саратон билан боғлиқ ўлим кўрсаткичи юқори. Нега? Чунки касалликка қарши доридан тортиб, уни ташхислаш жараёнигача жуда катта маблағ талаб этилади. Бу эса хаста кишининг ўзига эмас, унинг ортидан оила-си ва яқинлари ҳам катта синовлар гирдобиди айланишини англатади.

Юртимизда онкологик касалликлар бепул даволаниши ҳақида биламиз. Аммо қайсидир қиммат дори шифохонада бўлмаса, ўлим билан олишиб ётган яқиниғиз учун бор-будингизни сотиб бўлса-да, олиб боришга ҳаракат қилишингиз тайин. Бундай ҳолатга тушганлар, бундай тақдир-

лар ҳақида минглаб мисолларни келтириш мумкин.

## Ташхислаш қанча пулга тушади?

Ҳар қандай касалликда, биринчи навбатда, тўғри ташхислаш муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда яқин йилларгача саратонни аниқлаш борасида айрим аппаратларнинг йўқлиги тўғрисида ҳорижга бориб ташхис қўйдирилгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бунинг учун ҳам маблағ керак. Пули бор одам ишини бемалол битириб келиши мумкин. Умуман имконияти йўқ бемор эса охириги сонияларини кутиб яшайдан бошқа иложи йўқ эди. Хўш, ҳозир-чи?

— Бизга барча ҳудудлардан беморлар ордер

асосида келишади, — дейди Республика ихтисослаштирилган



## онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази бош шифокори ўринбосари Дилноза Агзамхўжаева.

— Ҳамма таҳлиллар ва даволашни бепул. Ўзи келиб текширтирувчилар учун эса пуллик хизмат йўлга қўйилган. Барча таҳлиллар ўзимизда қилинади. Фақат бизда йўқ аппаратлар учун беморларни хусусий клиникаларга бориб текширувдан ўтишларини тавсия этамиз. Чунки бу касалликнинг қай ҳолатда экани учун жуда муҳим.

Демак, онкология соҳасида ташхислаш учун ҳануз тиббий аппаратларнинг етишмовчилиги бор. ПЕТ анализи саратон хасталиги учун жуда муҳим. Хориж тажрибасида кимё-терапияни бошлашдан олдин, албатта, ПЕТ анализи қилиниши шарт. Бизда-чи? Афсуски, ҳанузгача бу таҳлил бўлмаса-да, ўша кимё муолажаси мумкинми-йўқми билмасдан туриб, беморларга қилинаётгани бор гап.

Чунки ПЕТ таҳлилни ўтказувчи аппаратнинг юртимизга олиб келинганига бор йил бўлган. Бу ягона аппарат ҳам хусусий клиникада мавжуд. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази клиника билан шартнома тузган. Шу боис клиника марказдан юборилган беморлар учун 20 фоизгача чегирма қилиб беради. Аппаратда битта таҳлил учун 4 миллион сўм нарх белгиланган.

Аслида саратон хасталигини ташхислаш учун ультратовушли текшириш (УЗИ), рентгенография (РО), компьютерли томография (КТ), магнит резонанс-

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ҳақон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, ҳар йили дунёда миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланади. Дунё аҳолисининг ҳар бештадан бири саратон касаллигига чалинади. Эркакларнинг ҳар 8 нафардан бири, аёлларнинг эса ҳар 11 нафардан бири ушбу касалликдан вафот этади. Энг кенг тарқалган 10 та саратон касаллиги турига 60 фоиз янги касалланиш ҳолатлари ва 70 фоиз ўлимлар тўғри келади.

ли томография (МРТ), позиция-эмиссион томография (ПЭТ) ва радиоизотоп текширувлари муҳим. Ушбу аппаратларнинг хусусий клиникалардаги текширувлари эса миллионларга айланиб кетиши сир эмас. Онкология шифохоналари МРТ текшируви учун ҳам хусусий клиникаларга юборишади. Шифокорларнинг жавоби битта: ўсимтанинг аниқ ҳолатини кўриш муҳим!

Шундай экан, нега ҳеч бўлмаса, Республика онкология марказига ана шундай техникалар келтирилмаяпти? Маълумотларга кўра, жорий йилда Ислон тараққиёт банки айнан саратонни ташхислаш ва даволаш борасида жарроҳлик амалиётлари учун керакли техникаларни олиб бериш мақсадида 80 миллион АҚШ долларини ажратганини билдирган. Уларга керакли аппаратларнинг рўйхатлари юборилган.

## Дори ҳақидаги фикрлар ёлғонми?

Саратон касаллигини даволаш препаратлари дунё бўйича қиммат ҳисобланади. Юртимизга ҳам бу дард учун қўлланладиган барча дори-дармон хориждан келтирилади. Ҳар бир курс кимё-терапия муолажалари жадвал асосида қилинади ва жуда катта маблағ талаб этади.

— Дори масаласида турли хил салбий фикрларни эшитиб турибмиз, — дейди Д.Агзамхўжаева. — Тўғри, олдин давлат томонидан бир ойга деб берилган дорилар ўн кун ичида тугаб

қоларди. Бу борада юзлаб шикоятлар қилинган. Йўқ дорини шифокор қаердан олиб берсин? Лекин ҳозирги ҳолатимиз уч йил олдингидан бутунлай фарқ қилади. 2018 йилдан бери барча беморларни ўзимиз доридармон билан таъминлаяпмиз. Бунинг учун алоҳида маблағ ҳам ажратилмапти. Баъзи ҳоллардагина бизда йўқ дориларни беморларнинг ўзлари олиб келишади. Бугун 90 фоиз бемор дори билан таъминланаяпти, деб бемалол айта оламиз.

Безижга касалликни даволаш эмас, унинг олдини олиш муҳим дейилмапти. Бизда эса аксарият ҳолларда касаллик охириги нуқтага етиб келганда муножаат қилинади ва буни «ўзбекчилик»ка йўйишади. \* \* \*


Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2040 йилга бориб онкологик касалликка чалиниш йиллик янги ҳолатлари сони 47 фоизга ошади ва 28,4 миллион кишига етади. Ушбу статистик маълумотдаги аксарият ҳолатлар инсон тараққиёти кўрсаткичи паст ва ўрта бўлган мамлакатларга тўғри келади. Шу боис одамлар соғлиғига нисбатан муносабатини ўзгартириши шарт. Нафақат ҳаёт тарзини ўзгартириши, балки мунтазам онкологик тестлардан ўтишни бошлаш керак. Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан завқ олиб, узок умр кўришни ис-таганлар соғлом турмуш тарзини асосий широрларига айлантиришлари муҳим.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва оилавий шароити оғир беморлар учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида «Ишонч» хайрия жамоат фонди ташкил этилган. Унинг мақсади — онкологик касалликларга чалинган одамларга, уларнинг оилаларига, шунингдек, тиббиёт муассасаларига, саратон касаллигига чалинганларга тиббий ёрдам кўрсатадиган шифокорларнинг фаолияти ҳамда уларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлашдир.

Ақлий меҳнат маҳсули бўлган объектлар жамиятнинг қимматли бойлиги ҳисобланади. Шу боисдан ҳам улар давлат томонидан махсус ҳимояланади. Лекин мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш бўйича айрим оғриқли муаммолар борлигини тан олиш жоиз. Айниқса, қўшиқчилик соҳасида узоқ йиллар бу борадаги ҳуқуқларга амал қилинмай келинди.



## БИРОВНИНГ ҚЎШИҒИНИ МЕНИКИ ДЕЙИШ ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?

Ёхуд интеллектуал мулкни муҳофазалаш тизими қандай такомиллашади?

Шоирнинг руҳсатисиз унинг шеърини қўшиқ қилиш ёки бошқа бир хонанданинг розилигини олмасдан қўшиғини куйлаб чиқиш ҳолатлари ҳалигача давом этиб келяпти. Бу ерда оғзаки розилик ҳақида гап кетаётгани йўқ, балки муаллифга ижод маҳсулидан фойдаланаётгани учун ҳақ тўлаган ҳолда ёки бошқа бир келишув асосида ҳужжат расмийлаштириб бу ишни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Биз кўпчиликка тушунарли бўлиши учун қўшиқчилик соҳасини мисол келтирдик, аслида илмфан, ихтирочилик, бошқа ижодий соҳаларда ҳам бу борада қанчадан-қанча муаммолар бор. Мисол учун, ўтган йили маҳаллий дори ишлаб чиқарувчилар томонидан контрафакт дори воситалари ишлаб чиқарилиши, яъни номи озгина ўзгартирилган, таркиби ва таъсири бир хил бўлган маҳсулотлар (тримол — турмол каби) бўйича баҳсли вазият кузатилган эди.

Шу маънода Президентимиз томонидан яқинда имзоланган «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ҳам мазкур йўналишдаги ишларни мукамал даражада ташкил этишни кўзда тутди. Ҳўш, ушбу ҳужжат орқали интеллектуал мулк объектларини ҳимоялаш соҳасида қандай ўзгаришлар амалга ошади? Ёки бу борадаги камчиликлар қай даражада ечим топади?

### Тезкор экспертиза тартиби жорий этилади

— Мазкур қарорда интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасида қатор янгилıklar кўзда тутилганини таъкидлаш жоиз, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги масъул ходими Феруз Жўраев. — Жумладан, агентлигимизнинг Интеллектуал мулк ҳуқуқлари-га риоя этилишини мониторинг қилиш бўлими негизинда Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси ташкил этилади. Бу орқали вилоятларда қўшимча 25 та штат бирликларида бошқарма марказлари тузилади. Шу муносабат билан марказларнинг асосий вазифалари сифатида контрафакт маҳсулотлар муомаласига ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши тизимли кураш олиб бориш белгиланди. Хусусан, ушбу тузилма зиммасига шундай ҳолатлар юзасидан оғоҳлантирув ва тақдимномалар киритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузиш, жойларда интеллектуал мулк объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ фаолиятга қўмаклашиш, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиятини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

Мухим ўзгаришлардан яна бири — жорий йил 1 апрелдан товар ва хизмат

кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан чет-ловлар бекор қилинади. Демак, энди бу борадаги ҳуқуқларни расмийлаштириш энгиллашади. Шу билан бирга, интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш имкониятларини яратувчи тезкор экспертиза тартиби жорий этилади. Бу, табиийки, интеллектуал мулк эгаларига катта қулайлик яратади.

### «Патент платформаси» ишга туширилади

Бундан ташқари, Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятида интеллектуал мулк объектларига талабномаларни давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида аутсорсинг усулларини қўллаш тажрибаси йўлга қўйилади. 2021 йил 1 июнга қадар давлат бошқаруви органлари ва давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотларига тегишли бўлган интеллектуал мулк (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва саноат мулки) объектлари тўлиқ хатловдан ўтказилади.

Айни пайтда экспорт улуши умумий товар айланмасининг 60 фоизидан ортигини ташкил этадиган экспорт қилувчи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлар учун товар белгиларини 2021-2022 йиллар-

да миллий рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилишини ҳам аҳамиятли жиҳат сифатида кўрсатиш мумкин.

Жорий йил 1 октябрга қадар агентлик ҳузурида «Патент платформаси» ишга туширилишини эса алоҳида тилга олиш лозим. Эътиборлиси, платформа электрон шаклда реал вақт режимда юритилади ҳамда унга тадбиркорлар ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

### Интеллектуал мулк кодексини яратиш вақти келди

— Фуқаролик кодексинда интеллектуал мулк, хусусан, саноат намуналари, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга кенг ўрин ажратилган, — дейди юридик фанлар доктори Бобоқул Тошев. — Бизнингча, Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормалари ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча соҳавий қонунларни жамлаб, алоҳида янги кодексга киритиш вақти келди. Бу эса соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, янги кодексда яхлит, илмий-назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган норма ва қоидалар жамла-нишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати — халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилик нормаларидан устунлигини таъминлаш, халқаро

ҳуқуқ нормаларини суд амалиётида қўллаш механизмларини жорий қилишда катта аҳамият касб этади.

### Ишончли ҳимоя дастурлари керак

Ўзганинг ақлий меҳнати маҳсулидан ўғирлик ва қалбакилик йўли билан текин фойдаланишга уриниш ҳолатлари кўп учрайди. Айниқса, рақамли технологияларнинг ривожланиши ва интернет тармоғи имконияти кенгайишидан ҳам қаллоблар жуда унумли фойдаланишмоқда. Бу соҳа билан боғлиқ вазият янада мураккаблашиб бораётганини аналитади. Демак, ахборот технологияси тизимида уларга қарши ишончли ҳимоя дастурларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Яна бир жиҳат, муаллифлик масаласида ўз ижод маҳсулини ҳимоя қилолмаётган истеъдод эгалари ҳам бор. Айримлари талашиб юришга ҳафсала қилмайди ёки бағрикенглик билан воз кечиб юборади. Балки бунга муаллифга ўша асаридан кўп ҳам моддий манфаат етмаслиги сабабдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инсон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий этиш ва интеллектуал мулк соҳасини иқтисодиётнинг энг ривожланган тармоқларидан бирига айлантириш мақсадга мувофиқ.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»



Женисбек ПИЯЗОВ:

# «ОПЕРА ҚУШИҚЧИСИ ФАҚАТ ОЙЛИККА ЯШАШГА МАЖБУР...»



Опера — барча мусиқа жанрларининг чўққиси ҳисобланиб, у ижрочидан актёрлик, бастакорлик ва қўшиқчилик қобилиятларини бирдек талаб қилади. Ўзининг беназир ижоди билан ўзбек опера санъати доврўғини дунёга таратаётган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, «Шухрат» медали соҳиби Женисбек Пиёзовни бугун нафақат юртимиз, балки жаҳонда ҳам яхши билишади. У билан суҳбатимиз дид ва тафаккурнинг ижродаги намоиши бўлган опера санъатининг ўзига хосликлари, бугунги ютуқ ва муаммолари ҳусусида бўлди.

— Опера қўшиқчиси бўламан, деб сира ўйламаганман. Коллежни тугатаётиб, устозим Абат Каллиев менда ноёб овоз борлигини айтиб, шу йўналиш бўйича ижод қилишим кераклигини уқтирган. Овозимни операга мослаштириш сирларини ўргатган. Сўнгра 2007 йилда Тошкент давлат консерваториясига имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинганман. Ўша пайтда «Ниҳол» мукофотига опера йўналиши бўйича фақат икки нафар номзод қўйилган ва мукофот менга насиб қилганди. Бугунги кунда бу мукофотга опера йўналиши бўйича ҳар йили 7-8 нафар ёшнинг номзоди қўйилмоқда. Яна бир жиҳат: олдинлари опера йўналиши бўйича консерваторияга танловдан ўтиш учун 40 нафарга яқин абитуриент ҳужжат топширса, ҳозир танлаб олиннадиган 24 та ўрин учун 100 нафар атрофида йигит-қиз курашмоқда. Албат-

та, шунинг ўзи ўсиш қанчалик юқорилаб бораётганини кўрсатади. Қолаверса, бугун операга бўлган эътибор кучайган, одамлар завқ билан тинглашмоқда. Боиси операнинг сеҳрли куйини, тинглаган киши борки, маҳлиё бўлиб қолади.

### Опера қўшиқчиси фақат ойликка яшашига мажбурми?

— Сир эмас, халқимиз орасида авваллари санъатнинг бошқа жанрларига нисбатан операга қизиқиш паст даражада эди. Чунки унинг оммалашшига таъсир кўрсатган айрим жиҳатлар бор эди. Жумладан, ўз вақтида операнинг тарғибот ишлари олиб борилмаган. Яқин йилларгача театрларда операчилар концертини ташкил қилишга, телевидение орқали намоиш қилишга умуман эътибор қаратилмаган. Уни ривожлантирадиган мутахассислар деярли йўқ эди. Бугун

ҳам етарли эмас. Яна бир муаммо: опера қўшиқчиси фақат ойликка яшашига мажбур. Шу боис кўпчилик бу йўналишда нон топиб ейиш қийин, деб эстрадага ўтиб кетган. Чунки операчиларни тўйларга чақиримайди. Биз — бир-икки нафар опера солисти халқро танловларда иштирок этиб, 5-10 минг АҚШ долларлик мукофотни қўлга киритгачгина кўплаб солистлар бўлар эканку, дея изимиздан боришяпти. Лекин барибир симфоник оркестр билан концерт ташкил қилиш осон эмас. Бунинг учун жонбозлик керак. Кимнингдир елиб-югуриши талаб қилинади. Қолаверса, агар қўшиқлар оғир, вазмин бўлса, уни ҳеч ким тингламайди. Шу боис операга шоу аראштириб, энгилроққа айлантириш, шўх ариялар айтиш жоиз. Шу орқали халқимиз қалбига кириб бориш мумкин.

### Куй басталаш осон эмас

— Бизда опера жанри бўйича куй басталайдиган бастакорлар умуман йўқ. Мураккаб жанр бўлгани боис олтиш кишилик симфоник оркестр учун куй басталаш осон эмас, албатта. Ёшлар вокаль ижрочиларидан кўра, эстрада қўшиқчиларни яхши танийди. Эстрада «дик-дик» этиб энгил мусиқа билан сакрашга, ўйнашга мослаштирилган ритмдаги жанр. Опера, бу — кўпроқ ёши ўттизқирқдан ўтган кишилар учун мос. Шу боис уни тинглаш учун, албатта, савия юқори бўлиши керак.

Сир эмаски, бундан анча йиллар олдин операнинг асосий тингловчилари Европа миллатига мансуб кишилар эди. Бизда опера деса, бақириб ижро этиладиган қўшиқни ёки театрни тушунишарди. Бироқ бугун вазият ўзгармоқда. Ёшу қари барчаси опера қаерда қўйилаётган бўлса, ўша ерга тинглаш учун концерт залларига кела бошлади. Ҳозир симфоник оркестр билан виллоятларга чиқиб концерт сўяяпмиз. Бўш жой қолмаяпти.

### Концерт бериш — энг катта орзу

— Орзусиз инсон бўлмайди. Консерваторияга кирганимда мени ҳеч ким танимасди. «Қанийди, мени ҳам халқ таниса, яхши кўрса, мен ҳам сахналарни тўлдириб концерт берсам» деган ўйда юрардим. Чунки бу им-

кони йўқ хаёлдек эди. Худога шукр, орзумига етишдим, «Халқлар дўстлиги» сахнаси пардаларига қўлим тегди.

Яна бир нарсаси бўлган Италиядаги «Ла Скала» театри сахнасида қўшиқ куйлаш. Мен ҳам бу театр сахнасида қўшиқ куйлашга сазовор бўлдим. Олдимга улкан мақсад қўйганман. Ўзбекистонлик операчиларни хали бутун дунё эшитади. Бу йўлда бўлажак операчилар билан тинимсиз меҳнат қилишга, уларга санъатнинг барча сир-асрорларини ўргатишга астойдил бел боғладим.

Бу йўлда Президентимиз ташаббуси билан Нукус шаҳрида кўриб битказилган вокалчилар мактаби муҳим аҳамият касб этиши муқаррар. Бу ерда ўқиш учун барча виллоятлардаги мусиқа ва санъат мактабларидан 8-синфни тамомлаган 10 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинади. Ушбу мактабни тўрт йилда 40 нафар ўқувчи битиради. Жорий йилнинг сентябрь ойдан ўқишни бошлаш режалаштирилган. Мамлакатимиз раҳбарининг шу маскан жавобгарлигини менга ишониб топширганидан жуда ҳам бахтиёрман ва бунга катта масъулият билан ёндашаман.

«Mahalla» мухбири Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ ёзиб олди.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## ТАНЛОВ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?

— Қўшиқ айтишга жуда қизиқаман. Яқинда республика миқёсида янги кўрик-танлов ўтказилар экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз...



**Камола АКИЛОВА, Маданият вазирининг ўринбосари:**  
— Маданият вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига

га бағишлаб «Ботир Зокиров санъати давомчилари» республика кўрик-танловини ўтказишни режалаштирган. Кўрик-танлов 16 ёшдан 28 ёшгача бўлган ижодкор ёшлар ўртасида жорий йилнинг февраль-апрель ойларида уч босқичда ташкил этилиб, туман шаҳар босқичлари 4-25 февраль кунлари, виллоят босқичлари 9-18 март


кунлари, республика босқичи 6-9 апрель кунлари ўтказилади. Кўрик-танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш ва концерт дастури жорий йил 23 апрель куни Тошкент шаҳрида ўтказилади. Кўрик-танловда иштирок этишни истаган ижрочилар туман-шаҳар Маданият бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.

**Н.ПЎЛАТОВА, Самарқанд виллояти.**

Урушда жасорат кўрсатган ўзбек аёлига бағишлаб фильм яратилади.

# «БРИТАНЧА» ШТАММ: НИМАСИ БИЛАН ХАВФЛИ, ПРОФИЛАКТИКАСИ ҚАНДАЙ, БОЛАЛАРДА КЎП УЧРАЙДИМИ?

Ўтган йил якунида Буюк Британияда коронавируснинг мутацияга учраган янги тури — генетик шаклини ўзгартирган, жуда тез тарқалувчи, айниқса, ёшларга кўпроқ юқувчи «Британча» штамми пайдо бўлгани ҳақида хабар берилганди. Дастлабки босқичда маълум бўлишича, у олдингисидан 70 фоизга кучлироқ, яъни бу штамм юқувчанлик даражаси ва ўлимга сабаб бўлиши юқорилиги билан коронавируснинг бошланғич шаклидан фарқланади. Мазкур штамм ҳозиргача дунёнинг 70 та давлатида аниқланди.



Минг афсуски, «Британча» штамм юртимизда ҳам илк бор қайд этилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабар беришича, 2010 йилда туғилган пойтахтлик фуқаро Ш. оила аъзолари билан биргаликда БААнинг Дубай шаҳрига сафар қилиб қайтган, унда мазкур штаммга хос бўлган қўшимча мутация мавжудлиги тасдиқланган. Хўш, коронавируснинг янги тури нимаси билан хавфли? Унинг профилактикаси қандай бўлиши керак? «Британча» штамм болалар

учун хавфлилиги қанчалик тўғри? Вакцина унга қаршилик қила оладими?

Буюк Британиянинг Миллий статистика хизмати янги штаммга йўтал, кучли чарчоқ, томоқ ва мушаклардаги оғриқ каби белгилар хос эканини, аммо ҳид ва таъм сезмаслик аломати аввалги штаммдагига қараганда камроқ учраётганини аниқлади. Жумладан, уни юқтирганларнинг 16 фоизи таъм сезувчанлигини, 15 фоизи ҳид сезиш қобилиятини йўқотган. Бош оғриғи, нафас олиш қийинлашуви ёки диарея ва қайт қилиш ҳолатлари бўйича маълумотлар икки штаммда ҳам бир хил бўлган.

Маълумотлар шуни кўрсатдики, янги штамм биринчи ҳолатда бўлгани каби учта эмас, иккита ген билан мос келади. Уни юқтирганларнинг организмиде вирус интенсив равишда кўпайиб кетиш эҳтимоли юқорироқ. Бу эса инфекциянинг бутун

танага кенгроқ тарқалишига ҳамда кучли йўтал, мушакларда оғриқ ва чарчоқ пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

## Янги штаммни ПЗР текшируви аниқлай олмайдими?

Таъкидлаш керакки, айни пайтдаги вирус аввалгисидан 20 та жиҳати билан ажралиб туради. «Британча» штамм икки ой мобайнида 17 та жиҳати ўзгариб, тез мутацияга учрамоқда. Шунингдек, у ўта юқувчан ва ёшларни ҳам зарарлай олиши мумкин бўлганлиги билан хавфлидир. Шу жиҳатдан ҳам у дунё олимлари эътиборини тортиди ва янги штамм тариқасида ифода этилди. Вирус узоқ вақт онкологик касалликка чалинган ва иммунитетни босувчи дори воситаларни қабул қилган инсон организмиде мутацияга учраши натижасида юзага келгани қайд этилмоқда.

Шу боис янги штаммни полимеразанзир реакцияси ёрдамида аниқлаш мушкул экани айтилмоқда. Сабаби, мутацияга учраган вирус ПЗР текширувидаги иммун жавобни айланиб ўтишга қодирлиги, уни тўғри диагностика қилиш бироз мушкул экани билан ҳам ажралиб туради. «Британча» штамм ўз таркибидаги иккита аминокислотани йўқотиб, организмнинг иммун жавоби, яъни антитаначаларини айланиб ўтишга муваффақ бўлади. Бу эса вируснинг тез тарқалишига имкон яратяпти.

## Бу тур тарқалишининг олдини олиш мумкинми?

Британия ва дунё олимларининг бераётган тавсияларига қараганда, янги штамм тарқалишининг олдини олишнинг ягона ва тўғри йўли, бу — зарарланган беморни яққалаш (изоляция) ва улар билан мулоқотда бўлган шахсларни ҳам алоҳида назоратга олишдир.



Эъзозбек РИЗАЕВ,  
Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси.

Ҳақатгина шу йўл билан унинг тарқалиш кўрсаткичини камайтириш мумкин.

Ёдингизда бўлса, Хитойнинг Ухан шаҳрида коронавиринг инфекцияси аниқланганидан сўнг ўтган йилнинг ёз ойларида унинг «Испания» штамми ҳам пайдо бўлди. Бу штамм ҳам жуда тез тарқалувчи тур, дея эътироф этилган эди. Вақт ўтиши билан унинг тарқалиш сабаби — инсонлар миграцияси экани аниқланди. Бу ҳолат эса оддий саналган карантин қоидаларига риоя қилиш ва тиббий ниқобларни доимий тақиб юриш билан бартараф этилди.

Ҳозирги кунда кўча-кўйда, транспорт, бозор ва дўконларда фуқароларининг ўта хотиржамлиги, карантин талаб-қоидаларини писанд қилмаётгани, оддий химоя воситаларини тақмаслигининг гувоҳи бўляпти. Тўғри, Ўзбекистонда айни пайтда эпидемиологик барқарор вазият ҳукмронлик қилмоқда. Аммо бу коронавиринг инфекцияси тарқалиш хавфи бутунлай тугади, дегани эмас. Юқорида айтилганидек, «COVID-19»нинг В.1.1.7 шакли — «Британча» штаммини енгишининг ягона йўли — карантин қоидаларига амал қилишдир.

Муҳими, «COVID-19»га қарши вакцина янги штаммда ҳам фойда бериши аниқланган. Шу боис оммавий эмлаш бизнинг юртимизда бошланишига қадар ҳар бир фуқаро ўз саломатлигига ўзи масъул бўлиб, тиббий ниқобдан мунтазам фойдаланса, карантин қоидаларига риоя қилса, шубҳасиз, биз дунёнинг қатор давлатларида давом этаётган бугунги эпидемиологик ноҳуш вазиятдан сақланиб қоламиз.



## МАЗСУГА ОИД МАЪЛУМОТ

## «БРИТАНЧА» ШТАММНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИТИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?



Нурмат ОТАБЕКОВ,  
Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси:

— Йўқ, биз уни худудимизга умуман кирит-

маслик имкониятига эга эмас эдик. Боиси, ҳозирги кунга келиб, дунёнинг 70 та давлатида бу штамм аниқланди.

«Британча» штамм кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида Буюк Британия, Италия, Германия, Дания, Австрия, Австралия, Нидерландия ва ЖАР давлатларидан

Ўзбекистонга кириш ва чиқиш бўйича тақиқ мавжуд бўлса-да, дунёда ўзбекистонликлар бориб-келиши мумкин бўлган давлатларнинг сони жуда кўп. Касаллик айнан юқорида санаб ўтилган давлатлардан эмас, балки учинчи, тўртинчи давлатдан кириб келиш эҳтимоли мавжуд эди.

Идишда қадоқланган ичимлик сувининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент тасдиқланди.

# ТОМИР ТОРТИШИШИ

## ҚАНДАЙДИР КАСАЛЛИК БЕЛГИСИМИ?



Тиббиётда мушаклар тонусининг ошиши оёқ тортишиши дейилади. Бу нохуш ҳолат беихтиёр юз беради ва 10-15 сония давом этади. Маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг 80 фоизи оёқ томир тортишишининг у ёки бу туридан қийналади. Бу ҳолат мутлақо соғлом инсонларда ҳам кузатилади. Ҳўш, томир тортишиши бирор касалликдан дарак берадими? Бу ҳолатнинг келиб чиқиш сабаби ва оқибатлари қандай?



Ёқутхон МАЖИДОВА, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

### Қайси омиллар таъсир кўрсатади?

Ушбу тасодифий оғриқлар мушаклар зўриқиши билан боғлиқ бўлиб, организмда минералларнинг, биринчи навбатда, калий, кальций, магний ҳамда бир қатор витаминлар етишмаслигидан бўлади. Томир тортишишини асаб зўриқиши, камҳаракатлилик, мунтазам ўтириб ишлаш, узоқ муддат тик оёқда ту-



ромининг тезлашишига олиб келади. Организмга кислород келиб тушиши ўзгаргач, карбонат ангидрид даражаси ҳам пасаяди ва оёқ томирида спазм келиб чиқади.

риш ёки сувда сузиш, организмнинг сувсизланиши ва турли хил касалликлар билан ҳам боғлаш мумкин.

Томир тортишиши, асосан, 40-50 ёшдаги инсонларда кўпроқ кузатилади. Улар танасидаги холестерин миқдорини тез-тез текшириб туриши керак. Чунки қон томирлари деворида холестерин моддасининг кўпайиб кетиши оқибатида қон юриши бирмунча қийинлашади. Шундан кейин тез-тез қўл ва оёқ увушиши кузатилади.

Томир тортишишининг икки хил кўриниши фарқланади. Биринчиси, кескин ва қисқа фурсат давом этиб, тиббиётда клоник томир тортишиши дейилади. Иккинчиси эса бунинг акси, безовталик дабдурустдан бошлансада, спазм бир неча дақиқаларга чўзилиши мумкин. Шифокорлар бу ҳолатни томир тортишишининг тоник тури, дея таснифлайдилар. Ҳар иккала ҳолатнинг келиб чиқиши инфекция касалликлар, озиқ маҳсулотлари(дори воситалари)дан захарланиш, бош мия жароҳатлари, невроз, моддалар алмашинувининг бузилиши, юрак ва қон хасталикларига боғлиқ.

Аҳамият берган бўлсангиз, тана ҳарорати кўтарилганида оёқ-қўлларда энгил титроқ юзага келади. Термометр кўрсаткичлари +39, +40 С даражага етганида эса оёқ ва қўл томирларида тортишиш келиб чиқиши мумкин. Бунга касаллик қўзғатувчи микробларнинг «кўли баланд» келаётгани сабаб бўлади. Негаки, иситма туширувчи препарат қабул қилингач, мушаклар аста бўшаши.

Шунингдек, инсон бирор воқеа-ҳодисадан қаттиқ таъсирланса, қонда адреналин миқдорининг ортиши нафас олиш ма-

### Касаллик аломати бўлиши мумкин...

Оёқ тортишиши баъзи сурункали касалликлар белгиси ҳам бўлиши мумкин. Тиббиёт амалиётида кузатилишича, баъзи бир қон томир касалликлари, умуртқа поғонаси бўғимларида туз йиғилганда, асаб тизими, таянч-ҳаракат муаммолари ва шунга ўхшаш хасталикларда томир тортишиши кузатилади.

Этибор бериш керакки, барча мушакларнинг бирдан қисқариши ниҳоятда хавфли ҳолатдир. Бунда танандаги барча мушаклар бир вақтнинг ўзида тортишиб, ҳушдан кетиш ҳолатини келтириб чиқаради. Ўз вақтида биринчи ёрдам кўрсатилмаса, оқибати фожиали яқун топиши ҳам мумкин.

### Қандай даволаш усуллари мавжуд?

Салқин ҳавода оёқ томирлари тортишса, қалинроқ пайпоқ кийинг ёки оёқ учун иссиқ ванна қабул қилинг. Агар одам ўтирганда, юрганда томири тортишиб қолса, бир қўл билан оёқ панжасини ёзиб, болдир мушакларини аста-секин пастга томон силаш тавсия этилади.

Агар оёқ оғриб, увишиб, томир тортишиши доим такрорланверса, қон томирлар ва асаб касалликлари шифокорларига мурожаат қилиш лозим. Куннинг иссиқ пайтларида оёқ болдирига ва панжага вақти-вақти билан парафин, озокерит, балчиқ қўйиш фойда беради. Тунда оёқ ва товон мушаклари тортишмаслиги учун бир ҳафта давомида овқатлашдан олдин кунига 3 маҳал икки чой қошиқдан асал истеъмол қилинг.

Баъзилар оёқ томирида спазм юзага келаётганини олдиндан ҳис этади. Сиз

### БИЛАСИЗМИ

#### Қон босимини қандай қилиб тўғри ўлчаш мумкин?

Қон босимини ўлчашдан олдин 5 дақиқа тинч ўтиринг ва ярим соат олдин чекиш ёки кофе ичмасликка ҳаракат қилинг. Ўтирган ҳолатда манжетни тирсақдан 2-2.5 см тепароққа қўйинг. Иккита бармоқ сигадиған жой қолдириб, манжетни маҳкамланг. Қўлингизни текис юзага қўйинг. Қон босимини ўлчаш пайтида тик ҳолда ўтиринг, оёқларни чалиштириб ўтирманг.


ҳам улар сафида бўлсангиз, оғриқ қўзғалаётганини сезган захотингиз оёқ мушакларини бўшаширинг. Шунда ҳам томир тортишиши келиб чиқса, ўтирган ҳолатда оёқ учини ўзингизга қаратиб, 2-3 дақиқа ушлаб туринг. Безовталик ўтиб кетмадими? Ўрнингиздан туринг-да, аста ҳаракатланг. Иложи бўлса, оёқларни, пол устида юринг.

Аввалига терапевт-шифокор кўригидан ўтишингиз тавсия этилади. Шикоятларингиздан келиб чиқиб, эндокринолог, кардиолог, нефролог ва невролог мутахассислар кўригини маслаҳат беради. Безовталик сабаби соматик патологиялар билан боғлиқ бўлса, тўғри танланган даво чоралари тез фурсатда муаммодан фориғ этади. Мабодо томир тортишиши жиддий хасталиклар белгиси сифатида аниқланса, ташихдан келиб чиққан ҳолда муолажа қилинади.

### ДАРВОҚЕ...

#### Тана ҳарорати 37°C бўлганда уни тушириш керакми?

Агар тана ҳарорати 37 даражага етган бўлса, организм вирусга қарши оқсил интерферонини ишлаб чиқариш орқали инфекцияга қарши кураша бошлайди. Бунда ҳароратни туширишга ҳаракат қилиш орқали тананинг шамоллашни энгиш қобилиятини маҳрум қилган бўламиз.



Тожикистон Ўзбекистонга электр энергияси етказиб беришни тўхтатди.



# ХАТО ИШНИНГ ҲАММАСИГА ИМОМ АЙБДОРМИ?..

**И**мом аслида ким? Имом – ҳар бир (ортидан) эргашилувчи, тақлид қилинувчи инсондир. Аслида имом тушунчаси кенг бўлиб, унинг тарихий, илмий жиҳатлари бор. Бугунги кунда эса имом дейилганда асосан намоз имомлари тушуналадиган бўлиб қолган. Ибодатда ортларидан туриб иқтидо қиладиган имомларимиз.

Ўз-ўзидан бу аталарнинг ҳолатидан, ҳақиқатидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, имомлик лавозим эмас. Шаръий нуқтаи назарга кўра, имомлик, бу – вазифа, масъулиятли вазифа. Истаймизми-йўқми, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотдан аввалги ўтган пайғамбарлардан силсила бўлиб келаётган муқаддас вазифанинг давоми.

Имом инсонлар учун, уларнинг қиёматда ҳамма нарсдан биринчи сўраладиган амали – намози учун масъул. Имомнинг мақоми, унга бериладиган ажрдан кўра, аввало, унинг масъулиятини ҳис қилиш керак. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам шу ҳақда оғоҳлантриб, қуйидагича марҳамат қилганлар: **«Имом – зомин, муаззин – мубтаандир. Ё Аллоҳини! Имомларни иршод айлагин ва муаззинларни маффират қилгин!»**. Яъни имом зомин, масъул. Имом эртага Аллоҳнинг ҳузурида сўралади. Ортидан битта одам эргашса битта, ўн та эргашса ўн та одам ҳақида.

Бугун имомларимизни ортида эргашиб турган минглаб одамлар бор. Мана шуларнинг ҳар бирининг намози ҳақида сўраладиган инсон. Шу билан биргаликда имом динни етказишда, диннинг омонати ҳақида ҳам масъул. Шунинг учун ҳам Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларининг давомида **«имомларимизни**



**иршод айлагин»,** тўғри йўлга бошлагин, дея омонат эгалари ҳақларига дуо қилдилар.

### Ҳар бир муаммога имом жавобгарми?

Аллоҳга шукрки, замонамизда имомнинг ўз ҳурмати, эҳтироми бор. Бу давлат даражасидаги эътибордир. Бунинг сўзсиз тан олами ва бундай эътибордан келиб чиқиб, ўз вазифаларимизни юқори шашт билан адо этамиз.

Бирок жамиятда имом шахсига нисбатан шакланган ўзига хос қарашлар ҳам борки, гўё имом ҳар бир муаммога жавобгардек. Фалон мавзу очилса, «Нима учун имом гапирмапти?» Фалон ҳодиса... «Нима учун имом муносабат билдирмаяпти?» Фалон мавзу.... «Нима учун имом жим?» дея таъна қилувчи, гапирувчилар бор. Бу борада икки тоифа фикр эгаларини ажратиб мумкин.

**Биринчи тоифа:** тарқалаётган ёки тарқатилаётган масалаларнинг моҳиятига етиб бормайди, унинг ҳақиқатини тушунмасдан туриб, ҳар бир жараёнга имомнинг масъуллиги, муносабат билдиришини даъво қилади. Гўёки Ўзбекистондаги имом дунёдаги жами ижтимоий-сиёсий

жараёнларга масъулдек қарайдиганлар бор.

### Иккинчи тоифа:

ўзлари эшитишни хоҳлаган нарсаларини имомдан талаб қилишади. Яъни, шахснинг ўзи ниманидир эшитгиси ёки билгиси келади ва имом ана шундай бўлиши керак, бундай гапларни айтиши керак, деган талабни қўяди.

Жамиятнинг баъзи аъзоларининг эътиборсизлиги, сусткашлиги сабабдан бугун истаймиз-йўқми баъзи муаммолар, камчиликлар бор. Ана шу камчиликларни биргаликда тўлдириб ўрнига, яъники, имомларни ёнида туриб, уларнинг ҳимоячиси, кўмакчиси бўлиб, юқини оз бўлса-да кўтармасдан туриб ҳамма нарсани имомнинг елкасига қўйиб қўйиб, бу – меҳроб эгаларини кўп соҳаларда мағлуб бўлишларига сабабчи бўлади.

Биргина имом нима қилсин?.. Бир оила ажралиб кетса ҳам имом, иккита одам жанжаллашса ҳам имом, фалон ҳодиса юз берса ҳам имом айбдорми? Тўғри, ҳар бир нарсада имомнинг ўз ўрни бор, деган тамойилда эътироз йўқ. Чунки, юқорида айтдик, имом – олдинги сафда турувчи, халққа намуна, пешво ва энг асосийси маърифатчи.

Бирок шу билан бир-

га маърифатчи ўзининг вазифасини бажариши учун унга кўмак керак, ёрдам зарур. Кимнинг ёрдами? Оддий халқнинг, инсонларнинг ёрдами. Моддий, маънавий, фикрий ёрдами.

Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламга рисолат юқини етказишда саҳобаларнинг ўрни катта бўлган. Бунинг тарихдан яхши биламиз. Бирлик – исломнинг асосий негизи, қувватидир. Бугун халқимизнинг ихлоси ҳақида эътироз йўқ, халқимизнинг талаблари эҳтимол тўғридир. Лекин шу талабга яраша кўмакчи халқ, ёрдамчи инсон йўқ. «Биз ёрдам берамиз, сизнинг кўмакчингиз, ансолингиз», дейдиган инсонларни тополмаймиз бугун. Бўлса ҳам жуда озчиликни ташкил этади. Шунинг учун хизматлар кўринмапти, вазибалар мукамал жой-жойида бўлмай қоляпти.

Халқимизда ҳам доно гап бор: «Ёлғиз отнинг чанги чиқмайди, чанги чиқса ҳам доғи чиқмайди». Худди шу сингари кишининг ёнида кўмакчиси бўлсагина ишлар натижа беради. Шунинг учун биз имомни эҳтиромини қилар эканмиз, шу билан биргаликда уни ёлғизлатиб қўйишимиз керак эмас.

### Ижтимоий тармоқларда имом домлаларга муносабат

Тан олиш лозим, фаолиятимизда бугун баъзи муаммоларимиз мавжуд. Улардан бири ижтимоий тармоқларда айрим имомларга нисбатан норозилик кайфиятидир. Бунинг бир неча сабабларини кўрсати-

шимиз мумкин.

**Биринчи навбатда,** имомлар ёки бошқа уламоларнинг ваъзалари, мавъизаларида учраган хатоликлар. Хато ҳаммада бўлади. Хато қилишдан маъсум бўлган зот бу Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам. У зотдан бошқа ҳамма киши хатокор. Ҳар бир инсонда нуқсон бор. Бир неча йиллар олдин ижтимоий тармоқлар оммалашаётган бир вақтда мавъизаларнинг ҳар қанақасининг чиқиби кетиши ҳолатлари кузатилди. Улар орасида хатиблар томонидан ортида ҳужжати асосли далили бўлмаган маълумотлар ёки заиф ҳадислар ишлатилган ваъзалар ҳам бўлган.

Шунинг учун сўзлаётганда хатосиз гапиришга ҳаракат қилиш керак. Ижтимоий тармоқда бир нарсани эълон қилиб юборсангиз, уни ҳеч қачон тўғирлай олмайсиз. Чунки, бир жойдан ўчирсангиз, бошқа жойда кимнидир, ё қайсидир саҳифаларда сақланиб қолади ва вақтлар ўтаганча яна айланади чиқиб келаверилади.

### Иккинчи сабаб:

имом-хатибларни қасдан обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатлар бор. Бунинг тан олмасдан илож йўқ. Қандай қилиб? Дейлик бир имом-хатиб мавъизасининг қаеридади хато қилди ёки янглишиди. Агар янглишганини сезиб, аҳамият қилинмаса, ўтиб кетаверар эди. Бирок айнан ўша қисм қирқиб олиниб, оммага эълон қилинади ёки тўғри гапни нотўғри йўналишга ёхуд



Абдулҳамид ЖУМАНОВ, Тошкент шаҳридаги «Дорулломо» жоме масжиди имом-хатиби

мавъизадаги баъзи сўзларни мутлақо алоқаси бўлмаган қандайдир бошқа кадрлар, воқеликка нисбатан қўллаб талқин қилинади. Шунга ўхшаш ҳолатларнинг бари имомни қасдан обрўсизлантиришдир.

Ким учундир бунинг ортида манфаат бор, ва шу сабабдан ўзларининг фойдалари йўлида шу ишларни намён этиб туришибди.

### Учинчи сабаб:

охирги йилларда баъзи кимсаларнинг тушунчасига шу нарса кириб қолганки, бизнинг дийрда туриб гапирётган одам тўғри гапни гапирмайди. «Ўзбекистондан туриб гапирса, бу одам ҳақни гапиролмайди. Четга чиқиб гапирсагина ҳақни гапирди», дейди. Сиз энг оли ҳақиқатни айтсангиз ҳам, ҳар қандай йўналиш берсангиз ҳам тан олмайди. Бу баъзи инсонларнинг ақл доиралари, дунёқарашларидаги нуқсон. Бундан бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Улар юқоридаги учтанинг атрофидаги иллатлардир.

Ҳўш, бу муаммоларни қандай енгиб ўтиш керак? Аввало, ўз устимизда тинимсиз илашмиш, амалларимизда холис бўлишимиз, иложи борида ҳам қилмаслигимиз даркор. Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ўз сўрайдиган ишни қилманг, узрга сабаб бўладиган амални қилманг»**, деб марҳамат қилганлар.

**Ўзбекистонда 2020 йилда энг кўп шифокорлар ва ўқитувчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган.**

# ҚИРҒИЗИСТОН

## ЯНГИ ЛИДЕРИ ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАДИ?



Қирғизистон Республикасининг янги сайланган президенти Садир Жапаров инаугурация маросимида мамлакатда кенг кўламли ўзгаришларни амалга оширишга ваъда берди. Қирғизистоннинг олтинчи президенти ташқи сиёсатда асосий эътибор Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон билан ҳамкорликка қаратилишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Қирғизистон Туркия ва Хитой билан алоқаларни мустаҳкамлашга, АҚШ ва Европа давлатлари билан ҳамкорлик қилишга интилишини айтиб ўтди.

Садир Жапаров нутқи давомида Қирғизистонни қонун диктатураси ҳукмронлик қиладиган, адолат принциплари устувор бўлган давлатга айлантиришга ваъда берди. У президент сифатида «мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни қаттиқ назорат остига олиниши», лойиҳаларни амалга ошираётган ҳукумат тузилмаларидан «сўзсиз равишда самарали фаолият олиб бориш талаб қилиниши»ни ҳам айтиб ўтди.

### Давлатни қандай бошқаради?

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти жиловини тўлиғича қўлга олишга киришган Садир Жапаров давлатни қандай бошқаради? Янги президентнинг сиёсий йўналиши илк кадр тайинловлари, қарорларидан маълум бўлади. Бироқ бунгача айтган сўзларига кўра, биринчи навбатда, иқтисодий ислохотларни тезлаштирувчи гуруҳ тузиш, иқтисодий жиноятларга қарши ташаббуслар, люстрация, конституциявий ислохотларга боғлиқ ташаббуслар бўлиши мумкин.



Жапаров сайлов жараёнида миллий қадриятларга эътибор қаратиб, кўпроқ шу қайфиятдаги фуқаролар овозини қўлга киритди. Айрим оммавий ахборот воситалари Жапаровнинг миллатчилик чиқишларига эътибор қаратиб, уни «Қирғиз Трампи» дея ёзишди. Қирғизистондаги сўнги

воқеаларни кузатган Жорж Вашингтон университетининг Марказий Осиё дастури директори, профессор Марлен Ларюэль 2020 йилги воқеалар муҳокама қилинган йиғиндаги маърузасида, Жапаров «Қирғизистон Путини» бўлишга ҳаракат қилишини билдирди.

### Халқнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашган

Садир Жапаров расман мустақил Қирғизистоннинг 30 йиллик тарихидаги 6-президентга айланди. Уста-уст инқилоблар ва кетма-кет ҳокимиятга келаётган президентларнинг «тутруксиз» ваъдалари манзарасида аксариятнинг мамлакатдаги сиёсий жараёнлардан ҳафсаласи пир бўлгани кўрилади. Йилдан-йилга давлат бюджетидagi камомад ортиб, ташқи қарзлар кескин кўпаярган, халқнинг иқтисодий аҳволи янада ёмонлашган. Уртача ойлик иш ҳақи 200 долларни ташкил қилган Қирғизистон аҳолисининг учдан бир қисми қашшоқликда яшайди. Аҳолининг аксарият қисми хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади, мамлакатда етарлича иш ўринлари йўқ. Айниқса, мамлакат жанубида ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг ҳануз анчайин оғир экани кузатилади.

### Ваъдалар амалга ошадими?

Садир Жапаров Қирғизистондаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият таназзул ёқасига келиб қолган бир пайтда президентликка келди. Аммо ички сиёсат билан алоқадори бўладими ёки ташқиси, янги президент сифатида берган ваъдалари билан мамлакат ичкари ва ташқарисида кўпчилиكنинг диққат-эътиборини ўзига

тортиб улгурди. Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, меҳнат муҳожирлигидаги юз минглаб фуқароларни бир неча йилнинг ўзида ортга қайтаришга ваъда берди. Миллиардлаб долларлик ташқи қарзлари, бир чет давлатнинг минтақадаги энг кўп ҳарбий иншоотларига эга ягона мамлакат эканига қарамай, кўп қутбли ташқи сиёсат олиб бормоқчи.

Уста-уст инқилоблар ва кетма-кет ҳокимият алмашинувида саҳна бўлаётган бир манзарада Қирғизистонда қонун устуворлигини таъминлаш ва ортқ ҳокимиятга ёпишиб олмасликка йўл қўйилмаслигини баён қилди.

Қирғизистон тараққий топиши учун барча давлатлар билан дипломатик алоқаларни ривожлантириши керак. Таҳлилчилар фикрича, янги давлат раҳбари давлат бюджетини ўмарган порахўрлар билан курашни жадал олиб бориши ва улардан ундириладиган пулларни фазнага қайтариши мамлакат ривожига хизмат қилади. Йирик тадбиркорликка имконият яратиб берилса, тўсқинлик қилмасдан, қонун доирасида солиқ тўлашлари назорат қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Маҳаллий кузатувчиларга кўра, қонуний солиқ тўлашнинг ўрнига, тегишли идора ходимларига пора бериш авж олган. Улар тадбиркорларни ўз «ҳимояси»га олади. Шу иллатни президент ўз назоратига олиб, ортқча идора ва расмиятчиликни йўқ қилса, ҳар бир тадбиркор сидқидидан қонуний солигини тўлашига шубҳа йўқ.

### Янги президентга қийин бўлади

Аммо янги прези-

дентга ваъдаларини бажариш қийин бўлади. Ҳозир жамият, янги президент тарафдорлари тарафидан унга бўлган умид, талаб катта. Ҳамма тез ўзгаришлар, муваффақият ва натижаларни кутяпти. Уларнинг барчасини амалга ошириш президентга имконсиз. Сабаби бугунги кунда иқтисод ўн фоиз орқага кетди. Ишсизлик кучайган. Ижтимоий вазият оғир. Бюджет инқирозда. Хориж давлатлари ёрдам беришда эҳтиёт бўлишмоқда. Шундай алфозда жамиятнинг, президентга овоз берганларнинг ва тарафдорларининг талабини бажариш қийин.

Бу йил янги президент, давлат учун оғир йил бўлади ва яна қайта ижтимоий норозилик кучайиши мумкин. Ички сиёсатда президент ва унинг жамоаси адолатли ва қонуний сиёсат олиб бориб, ислохотларни амалга ошириши керак.

Буларнинг барчасини бажариш қийин. Сабаби президентнинг тарафдорлари кўплаб инсонлардан ўч олиб, қамоққа олиш ва сиёсатга яқинлаштирилмасликка ҳаракат қилади. Иккинчи навбатда, ички сиёсатда кўплаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қийинчиликлар бор. Масалан, бугунги кунда ўз вақтида ойлик ва нафақа пулини бериш бюджетга малол келмоқда. Уни қандай тўлайди, бу катта муаммо.

### Фикрлар, дастур ва жамоа муҳим

Ҳар бир давлатда халқнинг ишончини оқлаш, берган ваъдаларни бажариш учун, энг аввало, фикрлар, дастур ва жамоа муҳим. Буларнинг барчаси

ҳозирги президентда борми ёки йўқ ва буларни туза оладими? Бу президентнинг ўзига боғлиқ.

Қирғизистон халқи ҳам қисқа вақт ичида «Осиёнинг Швейцарияси» бўлишни орзу қиларди. Ҳар олти йилда тинч йўл билан ҳокимият алмашинишини, ҳар олти йилда мамлакатнинг улкан ютуқларини нишонлаб, фуқароларнинг турмуш даражаси кўтарилишига, ҳар бир оиланинг яхшилигига шерик бўлиб, хурсанд бўлишни орзу қиларди.

Афсуски, сўнги ўттиз йил ичида жамиятдаги бир неча гуруҳгина бойиб кетди, хусусийлаштириш жараёнидаги муваффақиятсизликлар, иқтисодий хатолар миллий манфаатларга тўсқинлик қилди. Натижада одамлар тоқати тоқ бўлди. Бу орада минглаб қирғизлар «муҳожир» деб номланиб, қашшоқлик ботқоғидан чиқолмаётгани ҳақиқат.

Сабрнинг ҳам чеғараси бор. Шу сабабли, халқ 5 октябрда ҳукуматнинг якуний истеъфосини талаб қилиб, оммавий сайловлар натижаларини бекор қилишни талаб қилиши табиий ҳолга айланди.

«Бу сафар халқнинг ғалабаси ўғирланмайди ва эзгу орзу-умидлари тортиб олинмайди!», деди президент Садир Жапаров. Дарҳақиқат, янги давлат раҳбари мамлакат оғир иқтисодий аҳволда эканини таъкидлаб, бу ҳолатдан чиқиш осон бўлмаслигини, халқ бирлиги орқали фаровон турмуш тарзига эришиш мумкинлигини бежиз тилга олмади.

Абдували  
САЙБАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

Сурхондарёда бокс бўйича «Termiz Open» турнири бошланди.

# ВЕЛОСПОРТ: ЯХШИ СПОРТЧИДАН ЯХШИ МУРАББИЙ ЧИҚАДИМИ?

Ёхуд туман ва шаҳар ҳокимлари нега йўлакча қуришга жиддий киришмаяпти?



Велоспорт нафақат инсон саломатлиги учун фойдали, балки туризми ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай спорт турининг бугунги аҳволи қандай? Нега биз велоспортчиларимизни танимаймиз? Уни оммалаштириш учун қандай ишлар қилиниши керак? Шу каби саволларга жавоб топиш учун велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи Рустам НУРИДДИНОВни суҳбатга чорладик.

## Нега велоспортчиларимизни танимаймиз?

— Бунинг сабаби оддий, масалан, бизда кўпчилик спортнинг бу турига томошабин сифатида қизиқмайди. Аммо ҳар бир бола учувчи бўлишни орзу қилгани каби велосипед ҳайдашни ҳам истайди. Демак, биз халқимизни оммавий равишда велоспортга қизиқтиришимиз мумкин. Бунинг учун мусобақаларни кўпайтириш керак. Кейинги йилларда спортнинг бу турига катта эътибор берилаяпти. Спортчиларимиз ҳам дунёда танила бошлади. Масалан, Ольга Забелинская бугун юртимиз байроғини баланд кўтара оладиган спортчиларимиздан. Шунингдек, Янина Кускова, Рената Байметова, Диана Адельшинова ҳақида ҳам илик фикрлар айтиш мумкин. Яна бир қувончли воқеа: «Токио Олимпиадаси»га икки нафар спортчимиз — Ольга Забе-

линская ҳамда Муроджон Холмуродов йўлланма олди. Яна бир умидли велоспортчимиз Бехзод Раҳимбоев Италиянинг «Team Viris Vigevano» жамоаси билан шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Таъкидланганидек, спортнинг бу турига эътибор кучайгач, спортчиларимиз сафи кенгайиб, ютуқларимиз ошиб борапти. Масалан, ҳозир Олимпия ўйинлари дастурига киритилган экстремаль спорт тури бўлмиш тоғ велосипеди юртимизда жадал ривожланаяпти. Яқинда «Mountain bike» бўлими очилди. Бу ушбу спорт турининг нафақат аҳоли, балки ёшлар орасида ҳам оммалашига хизмат қилади.

## Қандай қилиб оммалаштириш мумкин?

— Мусобақаларни кўпроқ ўтказиш, спортчиларга эътибор қаратиб, велоспортнинг тарғиботини кучайтириш орқали янада яхшироқ натижага эришиш мумкин. Кейин устоз-шогирдлик масаласи ҳам муҳим. Узим ҳам, аввало, устозлардан сабоқ олиб, терма жамоа таркибиде мусобақаларга қатнашганман. Шундан келиб чиқиб айтаманки, ҳозир яхши ютуқларга эришадиган спортчиларимиз келажакда яхши мураббий ҳам бўлишля-

ри мумкин.

Бу спортни оммалаштиришнинг яна бир содда йўли бор. Яъни оддий аҳоли орасида велосипед минишни тарғиб қилиш, бунинг учун уларга махсус йўлакчалар қилиб бериш керак. Бу борада ҳам айрим гаплар айтилиб, амалий ишларга бир мунча ўтилгандай бўлди. Лекин бу бир ё икки киши билан битадиган иш эмас. Бунга барча бирдек ҳисса қўшиши керак. Масалан, шаҳар, туман ҳокимлари йўлакча масаласига жиддий қарashi, қурилиш ишлари режасига киритиши керак. Йўлакча бўлса, ота-оналар ҳам фарзандига қўрқмасдан катта йўлга чиқишига рухсат беради. Қувонарлиси шундаки, ҳозир айрим тadbиркорларимиз сайилгоҳларда велосипед билан сайр қилиш имконини берапти. Буни яна ҳам кўпайтириш керак.

## Жамоа тузмай, турнирларда қатнашиб бўлмайдими?

— Халқаро велосипедчилар иттифоқининг шартига кўра, йирик халқаро мусобақаларда миллий терма жамоалар иштироки тўхтатиляпти. Бу Осиё ва Олимпия ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларидан ташқари, албатта. Бошқа ҳар қандай мусобақаларда халқаро ташкилот талабига кўра, профессионал жамоалар иштирок этиши шарт. Агар бу шартга рози ва тайёр бўлмасак, кўп нарса йўқотишимиз тайин эди. Шунинг учун Ўзбекистоннинг илк профессионал клуби Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтди ва махсус гувоҳномага эга бўлди.

«UZBEKISTAN CYCLING PRO TEAM» номи билан рўйхатдан ўтган клуб эндиликда йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиши мумкин. Клуб штаб-квартираси ва спортчилар шуғулланадиган асосий база Словениянинг Любляна шаҳрида бўлади. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам жамоанинг яна бир базасига эга бўлиши белгиланган.

Клуб шоссе ва трек йўна-

лишларида эрақлар ва аёллар бўйича алоҳида жамоага эга. Регламентга кўра, таркибга умумий 16 нафар эрақ ва аёл спортчиларни жалб қилиши мумкин. Бу билан ушбу жамоа велоспортчилари йирик турнирларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Унга бошқа давлатлардан легионер спортчиларни ҳам жалб қилиш мумкин. Жамоа ўзининг сўнггида Словенияда ўтадиган мусобақада ўтказиши кутилмоқда. Режага кўра, Муроджон Холмуродов, Ольга Забелинская каби велоспортчиларимиз клуб билан шартнома тузадиган дастлабки райдерлар бўлишади.

## Туризмга қандай ҳисса қўшиш мумкин?

— Велоспортда профессионал жамоанинг ташкил топиши ушбу спортнинг ривож юртимизда яна бир босқичга кўтарилганидан далолатдир. Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши билан келажакда бу каби жамоалар сонини кўпайтириш орқали юртимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шу жумладан, хотин-қизларни спортга янада кенг жалб қилиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Яна бир гап: хорижда велоспортнинг мухлислари кўп, шундан фойдаланган ҳолда юртимизда кўплаб мусобақаларни ташкил этиб, уларни чорлашимиз керак. Бу туризм ривож учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Худди ўша мусобақалар қадимий шаҳарларимиз, Орол бўйи каби гўзал табиат кўйида ташкил этилиб, эфирга олиб берилса, хориждаги спортсеварлар диққатини тортган бўлаемиз. Чунки велоспортчилар кўпинча тепадан тасвирга олинади. Бу эса юртимиз жамолини яққол кўрсатиб бериш имкони дегани.

Суҳбатни  
«Mahalla» мухбири  
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ  
ёзиб олди.



## МЕНДА САВОЛ БОР...

### ХОРИЖЛИК ҲАМКОР УЙИМДА ЯШАСА БЎЛАДИМИ?

— Хориждан бизнес ҳамкорим келмоқчи эди, у маълум муддат уйимда яшаб туриши учун қандай ҳужжат қилишим керак?



Улуғбек  
МИРЗАҚАМБАРОВ,  
Тошкент шаҳар  
ИИББ Миграция  
ва фуқароликни  
расмийлаштириш  
бошқармаси бош-  
лиғи, полковник:

Бахтиёр  
ШОМАХМУД  
ЎҒЛИ,  
Тошкент  
шаҳри.

— Хорижлик меҳмон уйингизда бир муддат қолиши учун вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш керак. Бунинг учун МваФРБга белгиланган шаклдаги илтимоснома, қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган шаклдаги илтимосномаси, миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун ҳужжат, уй-жой эгасининг

вақтинча пропискидан ўтказишга ёзма розилиги ва уй-жойга бўлган ҳуқуқни белгилувчи ҳужжатлар ва давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квантация (Президенти фармон ёки Вазирлар Маҳкамаси қарори билан давлат божи тўлашдан озод этилганлар бундан мустасно)ларни тақдим қилиши керак.

# МУҲОЖИРЛИК

## ТАРИХИ ҚАЧОНДАН БОШЛАНГАН?

Бугун юртдошларимиз орасида муҳожирик оддий ҳодисадек қабул қилинади. Мамлакатимиз дарвозаси дунёга очилгач, кимдир ўқиб, кимдир иш излаб, яна бошқалар саёҳат учун хорижга йўл олди. Узоқ ўтмишимизда ҳам муҳожирик — илм излаб, ўзга юртларга кетиш бор эди. Аммо ихтиёрсиз равишда оммавий кўчиш, бу — муҳожирикнинг энг оғир қисматидир.

Ўрта осиеликларнинг муҳожирик тарихи 1917 йилдан 1945 йилгача бўлган даврни қамраб олади. «Октябрь инқилоби»дан сўнг аввал мўлкий, кейинроқ мафкуравий зиддиятлар сабаб миллионлаб минтақа одамлари ватанини тарк этган.

Тарихчи олим, профессор Шодмон Ҳайитовнинг илмий хулосаларига кўра, ўрта осиеликларнинг муҳожирик тарихи 1917-1924, 1925-1930 ва 1939-1945 йилларга дахлдор. Совет ҳукумати-нинг сиёсати ва мафкурасини қабул қилмаган ўзбеклар иккинчи ватан сифатида Афғонистон, Хитой (Шарқий Туркистон) ва Эрон давлатларини танлашган. Бироқ у ерларда ҳам тинч ҳаётга эриша олмагач, иккинчи мартаба муҳожирикка юзланиб, Саудия Арабистони, Туркия, АҚШ ва Европа давлатларига тарқалиб кетишган. Тарихий, маданий, шунингдек, жўрофий яқинлик туфайли 1925-1930 йилларда ўзбек, туркман ва қозоқларнинг кўп сонли жамоалари Афғонистон ва Эроннинг чегара худудларига бориб жойлашган.

### Эрон ўзбеклари қандай яшайди?

Эроннинг Машҳад, Исфохон, Техрон каби йирик шаҳарлари атрофида ҳам жамоа бўлиб яшаётган ўзбекларни учратиш мумкин. Ўрта Осиедаги бошқа туркий халқлар сингари ўзбеклар ҳам XX асрнинг 20-30 йилларида Эронга кўчиб келган.



Уларнинг маълум бир қисми шу ерда яшаб қолиб, аксарияти Эрон орқали Туркия, Сурия, Иордания ва Саудия Арабистонига кетган. Қолаверса, 1979 йилда собиқ иттифоқ кўшинлари Афғонистонга кириши натижасида бу ердаги минглаб этник ўзбеклар Эроннинг Афғонистон билан чегарадош вилоятларига қочқин сифатида ўтган.

Умуман олганда, Эрон ва ўзбек халқлари орасида тарихдан ўзаро алоқалар мавжуд экани маълум. Сомонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар ва Сафавийлар ҳукмронлик қилган даврларда форслар ва ўзбеклар орасида ўзаро муносабатлар бор эди. Савдо қарвонлари доимий равишда Самарқанд ва Бухорони Табриз, Шероз ва Исфохон каби шаҳарлар билан боғлаб турган. Эрондаги баъзи топонимларнинг «ўзбек» номи билан боғланиши Эрон тарихида ўзбекларнинг алоҳида ўрни бўлганига ишорадир.

Хусусан, Техрон яқинидаги Караж шаҳридан 50 км.лик масофада «Ўзбаки тепалиги» деб номланувчи қадимий тепалик бўлиб,

унинг номи шу атрофдаги «Ўзбак» қишлоғи номидан олинган. Унинг атрофида «Ёнтепа», «Жайронтепа», «Моролтепа», «Душантепа» тепаликлари бор. Маҳаллий аҳоли бу тепаликларни «Таппаҳойи ўзбаки» (ўзбек тепаликлари) деб атайди. Бироқ уларнинг этник ўзбеклар билан қанчалик боғлиқ экани ҳали ўрганилмаган.

### Покистонга ўзбеклар қандай бориб қолган?

Ўрта осиеликларнинг муҳожирик тарихида Покистон давлатининг ўзига хос ўрни бор. Гарчи бугун бу мамлакатда минтақа вакилларининг катта жамоаси истиқомат қилмаса-да, Туркия, Саудия Арабистони, АҚШ ва Европада яшаётган аксарият муҳожирларнинг ота-боболари маълум муддат Покистонда бўлишган. XX асрнинг 80-йилларига қадар бу мамлакатда турли ижтимоий-маданий гуруҳлар, нашриётлар ташкил қилиб, она тиллари, миллий маданиятларини сақлаб қолган. Кейинчалик шу ердан турли сабабларга кўра, жаҳон бўйлаб тарқалиб кетишган.

Покистондаги этник ўзбекларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ — «Октябрь инқилоби» ва ундан кейин ўрнатилган тартибларни қабул қилмай, Британия Ҳиндистони (асосан, ҳозирги Покистон) худудларига Андижон, Фарғона, Косон, Наманган, Бухоро шаҳарларидан бориб қолган ўзбеклар — улар унчалик кўп эмас. Иккинчи гуруҳ — 1979-1989 йиллар давомида Афғонистондаги уруш натижасида шу мамлакатдан борган миллионлаб қочқинлар сафидаги этник ўзбеклардир. Айнан улар Покистондаги этник ўзбекларнинг асосини ташкил қилади.

Ўрта Осиеда совет ҳукумати ўрнатилганидан сўнг Аф-

ғонистонга кўчиб ўтган Ўрта Осие муҳожирларини маҳаллий аҳоли ҳам, ҳукумат ҳам илиқ қаршиламаган. Ўз навбатида, бу ерга кўчиб келган зодагон ва зиёли ўзбек оилалари маҳаллий аҳолига нисбатан устунликларини намоён қилишган. Ушбу ҳолат, табиийки, ўзаро келишмовчиликлар асоси эди. Афғон ҳукуматининг миллатчилик сиёсати ҳам кўчиб келган муҳожирлар мамлакатда эркин яшашига имкон бермаган. Масалан, Нодир Шоҳ ва Зоҳир Шоҳ даврида ривожланган пуштунлаштириш сиёсати сабабли муҳожирлар ер мулкларидан ва жуда кўп ҳолларда маданий меросидан маҳрум қилинган.

Бу ҳолат Афғонистондаги ўрта осиелик муҳожирлар, хусусан, ўзбекларнинг яна бир мартаба кўчиши учун асос бўлди. Натижада улар дастлаб Ҳиндистон, кейинчалик Покистонга ва у орқали Туркия, Саудия Арабистони, Европага кўча бошлади. Янги тўлқиндаги кўчишлар сони шу даражада кўп эдики, Усмон Хўжаев Ҳиндистонда Ўрта осиелик эмигрантлар марказини очишга ҳам ҳаракат қилиб кўрган. Шу тариқа Покистонда минтақа муҳожирлари жамоаси шаклланди. Бироқ Покистон ҳам улар учун хотиржам яшаш имконини берган мажон бўла олмади.

Умуман олганда, бугун хорижда яшаётган ўзбеклар учун ватандан қиқиб кетиш ҳам осон кечмаган. Айниқса, собиқ тузум хуружидан ўзини четга олиб қочган миллатдошларимиз кўплаб синовлардан ўтишига тўғри келган.

**Шавкат ИКРОМОВ,**  
тадиқотчи,  
Тошкент давлат  
шарқшунослик  
университетининг  
ўқитувчиси.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## ГАЗ БАЛЛОНИ ВАЗНИНИ ЎЛЧАБ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

— Суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилганда, унинг вазнини ўлчаб олиш мумкинми?

**Гулноза ИСЛОМОВА.**  
Фарғона вилояти.

**Хуршид РАВШАНОВ,**  
юрист:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 646-сон қарори билан тасдиқланган «Аҳоли ва ижтимоий соҳа объекти-ларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 66-бандига асосан,

истеъмолчи суюлтирилган газини ўлчаб олишга ҳақли. Истеъмолчиларга суюлтирилган газини етказиб берадиганлар автотранспорт воситаларида назорат тарозисини олиб юриши керак. Шунингдек, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан, истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини,

бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шартлиги белгиланган.

МУЛК ХУҚУҚИ

## Ер участкаларининг олиб қўйилиш тартиби қандай?



— Кейинги пайтларда ер участкаларини олиб қўйиш бўйича кўплаб муаммолар юзга келмоқда. Айтингни, ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби қандай?

**Элёр ТЎЛАГАНОВ.**  
Тошкент вилояти.

**Шерзод САИДОВ,**  
Бизнес-омбудсман бош инспектори:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, ер участкасини олиб қўйишга зарурат туғилганда, биринчи навбатда, ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида ОАВ иштирокида очик муҳокама ўтказилиши керак.

Авалло, олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасидаги кўчмас мулклар баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади. Шундан сўнг,

ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида компенсация тури, миқдори ва бериш муддати келишилади ва ушбу келишув нотариал тартибда тасдиқланади. Мулкдорга келишилган компенсация берилмагунча кўчмас мулклар бузиб ташланишига йўл қўйилмайди. Компенсация берилганидан сўнг, адлия органларининг ҳулосаси ижобий бўлган тақдирдагина кўчмас мулкни бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳокимликлар ер участкаси олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли эмас. Қарорлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинади.

СОЛИҚ

## Солиқ тўловлари қандай ҳисобланади?



— Якка тартибдаги тадбиркорман, чакана савдо фойяти билан шуғулланаман. Агар «Paynet» фаолиятини қўштираман солиқ тўловлари қандай ҳисобланади?

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ.**  
Қарши шаҳри.



**Дилдора ҲОШИМОВА,**  
Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

— Қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчи (айланмаси 100 млн. сўмдан ошмаган) якка тартибдаги тадбиркорлар бир нечта фаолият тури билан шуғулланганида ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган солиқ тўлайди. Фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса ушбу аҳоли пункт-

лари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўланади.

Воситачилик хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун айланмадан олинган солиқ ставкаси 25 фоиз миқдорда белгиланган. Умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи (айланмаси 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган) якка тартибдаги тадбиркорлар учун агар соддалаштирилган тартиб танланса, солиқ базаси жами даромаднинг 25 фоизи миқдоридан белгиланади ва 15 фоиз миқдорда фойда солиғи тўланади.

КАДРЛАР СИЁСАТИ

## Кадрлар мустақил танлов асосида танланадими?



— Давлат хизматига ишга олишда кадрларни уларнинг истеъдоди ва қобилиятига қараб танлаш тизими йўлга қўйилди, деб эшитдим. Шу тўғрими?

**Нуриддин ХОЛИҚОВ.**  
Тошкент шаҳри.

**Камола ОЛИМЖОНОВА,**  
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Тошкент шаҳар филиали бош инспектори:

— Ривожланган давлатларда очик мустақил танлов асосида кадрларни танлаб олиш тизими мавжуд. Бунда энг иқтидорли, кўрсаткичлари юқори бўлган ходимлар меритократия тамойили асосида бўш иш ўринларига ишга қабул қилинади. Жумладан, бизда ҳам бу тизим йўлга қўйилиб, кадрлар давлат фуқаролик хизматига очик мустақил танлов асосида қабул қилинмоқда. Бу амалиёт «vacancy.args.uz» портали орқали амалга оширилмоқда.

Шунингдек, эндиликда барча туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари 59 та аниқ вазифа ва 73 та кўрсаткич бўйича ҳар чорақда баҳолаб борилади. Натижаларга кўра, ҳар чорақ якуни бўйича ҳоким ва унинг ўринбосарларини рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўлланиши белгиланади. Ҳозирда тажриба тариқасида Яшнобод тумани ҳокими ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари баҳолаб боришмоқда.

Ўтган йилнинг 9 ойлик якунига кўра, туман 96,1 балл билан республика миқёсида тажриба тариқасида белгилаб олинган 12 та туман-шаҳар ичида 2-ўрини эгаллади. Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тизими жорий этилмаган туманлар билан солиштирилганда, Яшнобод тумани ҳокимлиги кўрсаткичлари ўсгани кузатилди.



НОТАРИАЛ

## Хусусий нотариус очиш учун қаерга мурожаат қилиш керак?



— Мен хусусий нотариус очмоқчиман, бунинг учун қаерга ва қандай тартибда мурожаат қилишим керак?

**Барно ТЎРАЕВА.**  
Тошкент шаҳри.



**Севара ЗОКИРОВА,**  
Давлат хизматлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига кўра, нотариус фаолиятини лицензиялаш учун Давлат хизматлари марказларига ёки давлат хизматидан электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали

орқали мурожаат қилиш мумкин.

Сўровнома тўлдирилади ва унга олий маълумот тўғрисидаги диплом ёки ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномаси ҳамда меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма электрон тарзда илова қилинади.

**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»  
масъулияти чекланган жамияти

Бош директор  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот  
ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан  
давлат рўйхатидан  
ўтказилган.

Бош муҳаррир  
Санжар ИСМАТОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов

Навбатчи: Б. Ғозиддинов

Саҳифаловчилар: И. Болтаев  
Ш. Бароқов

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета  
тахририят  
компьютер  
марказида  
саҳифаланди ва  
офсет усулида  
босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 8 босма табоқ, 7850 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-218 12345